

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Ж.ТАШЕНОВ НОМИДАГИ
УНИВЕРСИТЕТ

**АБДУРАУФ ФИТРАТ – XX АСР
ШАРҚШУНОСЛИГИНИНГ ЙИРИК
НАМОЯНДАСИ**

Тошкент – 2024

Абдурауф Фитрат – XX аср шарқшунослигининг йирик намояндаси.
Халқаро давра сұхбати материаллари. – Т., ТДШУ, 2024. - 113 б.

УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Узб)

A–15

Масъул муҳаррир: Гулчехра Рихсиева

Лойиҳа муаллифи ва тўпловчи: Рустам Шарипов

Ушбу тўпламдан 2024 йил 22 май куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда “Абдурауф Фитрат – XX аср шарқшунослигининг йирик намояндаси” мавзусида ўтказилган илмий семинар материаллари, мақола ва илмий ахборотлар ўрин олган. Ушбу тадбир ўзбек маданияти тарихига шоир ва носир, драматург ва публицист, тилшунос ва адабиётшунос, тарихчи ва файласуф, санъатшунос ва йирик жамоат арбоби сифатида кирган, жадидчилик ҳаракати мағкураси асосчиларидан бири, профессор Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва ижодига доир ҳали ўрганилмаган долзарб масалалар илмий тадқиқи ва таҳдилига бағишланди.

Тахрир ҳайъати:

Гулчехра Рихсиева
Шухрат Ризаев
Минҳожиддин Ҳожиматов
Дурбек Сайфуллаев
Наргиза Исматуллаева
Рустам Шарипов
Хайрулла Ҳамидов
Фарзона Норова

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор в.б. Хайрулла Ҳамидов
филология фанлари номзоди, доцент Эргаш Очилов

Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг
2024-йил 27-апрелдаги 9-сон қарори билан нашрға тавсия этилган.

**Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори
профессор Гулчехра Шавкатовна РИХСИЕВАнинг
КИРИШ СЎЗИ**

Бугун мамлакатимизнинг энг етук жадидшунос, фитратшунос олимларини шарқшунослик илми маркази бўлган Тошкент давлат шарқшунослик университетида кўришдан хурсандмиз.

Бизнинг бугунги сұхбатимиз ўзбек адабиёти, илм-фани ва маданиятининг йирик намояндаси Абдурауф Фитратнинг 1923 - 1924 йилларда Москва шаҳридаги Шарқ тиллари институтида (ҳозирги Осиё ва Африка институти) ишлаб юрган вақтларида “профессор” илмий унвонига сазовор бўлганига 100 йил тўлиши арафасида бўлиб ўтаётгани ҳам алоҳида рамзий маъно касб этмоқда.

Инсониятнинг тарихий тараққиётида XX аср алоҳида аҳамиятга эга. Бу асрда шу қадар кўп оламшумул воқеалар рўй бердики, улар ўзининг мазмун-моҳияти билан бир неча асрларга татииди. XX аср воқеаларига бугунги Истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан ёндашсак, бу аср Туркистон халқларининг миллий озодлик ҳаракатлари билан бошланди ва шу ҳаракатнинг ўз олдига қўйган улуғ мақсади асрнинг сўнгти ўн йиллигига, яъни шўро мустабид тузумининг инқирозга учраши ва қизил империянинг парчаланиши билан якун топди.

XIX аср охири – XX аср бошларида майдонга келган жадидчилик ва бу ҳаракатнинг кўзга кўринган барча намояндаларига нисбатан ўша даврда чор ҳокимиюти қандай муносабат билдирган бўлса, шўролар даврида ҳам улар халқ манфаатларига зид ўлароқ фаолият юритган кишилар сифатида баҳолангандан талқин этилган. Шу билан бирга, жадид адиллари қолдириган адабий, илмий ва педагогик мероснинг каттагина қисми йўқ қилиб ташланди. Бунинг оқибатида авлодлар узоқ вақт мобайнида жадид маърифатпарварларининг холис фаолиятини ўрганолмай келдилар.

Халқимизда “Ҳақиқат букилади, аммо синмайди” деган нақл бор. Мамлакатимиз миллий мустақиллигини қўлга киритганидан кейингида тарихий адолат қарор топди. Бугун биз жадид боболаримизнинг ҳаёти ва илмий-адабий меросига муносабат тубдан ўзгарганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ушбу тарихий ҳодисанинг мазмун-моҳияти Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қуидаги сўзларида очиб берилганлигини

кўришимиз мумкин: “Ўз замонасининг илғор намояндалари бўлган жадидлар ғоят мураккаб ва қийин шароитда билим ва маърифат тарқатиш, таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ этиш орали миллий тараққиётга эришиш ғояси билан майдонга чиқдилар. Биз маърифатпарвар боболаримизнинг муқаддас орзулатини рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда янги Ренессанс пойдеворини яратишни стратегик вазифа қилиб белгилаганмиз. Шу мақсадда илм-фан, таълим-тарбия, маданият соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошироқдамиз. Биз халқаро илмий марказлар, дунё олимлари билан ҳамкорликда жадидлар фаолиятини янада чукур ўрганишни долзарб вазифа деб ҳисоблаймиз. Бу ноёб мерос орқали бугунги кунда инсониятни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топа оламиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”.

XIX асрнинг охири - XX аср бошларида ўлкамиз тарихида жадидлар номи билан аталган зиёлилар халқни маърифатли қилиш, чоризм истибдодидан кутқариш, миллатни уйғотиш, нафақат иқтисодий балки маънавий-маърифий тараққиёт сари йўл очиш, халққа зиё тарқатиш йўлида катта ишларни амалга оширидилар. Ушбу даврда илм-фан, маданият ва адабиёт соҳаларида, дарслеклар, қўлланмалар, ўчмас адабий асарлар яратилди, мактаблар қурилди, газета ва журналлар чоп этилди.

Бугун тарих саҳифаларида зарҳал харфлар билан битилган маърифатпарвар аждодларимизнинг фаолиятини, уларнинг бой адабий ва илмий-маданий меросини тадқиқ этиш долзарб бўлиб қолаётган бир вақтда олийгоҳимизда мамлакатнинг етакчи жадидшунос, фитратшунос олимлари иштирокида “Абдурауф Фитрат - XX аср шарқшунослигининг йирик намояндаси” мавзусида бўлиб ўтаётган давра сұхбати алоҳида аҳамият касб этади.

Туркистон жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётининг йирик вакили бўлган Абдурауф Фитрат Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Усмон Носир, Исҳоқхон Ибрат ва бошқа қўплаб жадид боболаримиз билан бир сафда туриб, халқимиз эрки ва мамлакатимиз мустақиллиги йўлида ўз жонини

фило этган сиймо сифатида ҳар биримизнинг қалбимиздан ўрин олган.

Абдурауф Фитрат Туркистон учун ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли даврда ижод қилиб, ўзини йирик қомусий билимга эга бўлган олим, адабиёт назариётчиси, ўткир тилшунос, бетакрор драматург ва шоир, жанговар публицист, ношир ва журналист, истеъоддли давлат ва жамоат арбоби сифатида намоён этди.

Унинг мафкуравий қарашларини ўзида акс эттирган “Ҳинд сайёҳи баёноти”, “Мунозара” насрый асарлари, “Темур сағанаси”, “Ўғизхон”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Чин севиш” каби драматик асарлари ўзбек адабиёти ривожига катта хисса қўшган бўлса, “Адабиёт қоидалари”, “Эски ўзбек адабиёти намуналари”, “Аруз ҳақида” каби илмий асарлари адабиётшунослик фанининг таъмал тошини қўйган десак, муболага бўлмайди.

Тарихимизнинг ёрқин сахифаларини ташкил этадиган маърифатпарвар аждодларимизнинг ибратли фаолиятини, уларнинг қиммати ва аҳамиятини ҳамон йўқотмасдан келаётган бой меросини тадқиқ ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиш бундан кейин ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.



АБДУРАУФ ФИТРАТ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ РУХИ

*PhD. Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир*

Аннотация. Мазкур мақолада буюк маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат ижодида миллий ўзлик рухи тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: миллий рух, Фитрат, юрт, тарих, ватан, бадиий тафаккур, қалб, қатағон, жамият, инсон, ўзлик, жадид, Туркистон.

Муҳтарам Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида, “Тарихдан маълум, Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиллар, санъат намояндлари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. XX аср бошларида халқимизни озодлик ва илм – маърифат учун курашга чорлаган жадид боболаримизни эслайлик” [1], деди.

XX аср бошларида Туркистонда Ватан тарихи, унинг нурли ва қайгули саҳифалари, ўтмиш қаъридан тафаккур ёғдуларини сочиб турган мутафаккир боболарнинг меросларини ўрганиш, миллат ўзлиги, миллий маънавияти, она тили билан боғлиқ масалалар кун тартибига чиқишида жадидлар, хусусан Абдурауф Фитратнинг асарларидаги уйғотувчи куч алоҳида ўрин тутади.

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакdir?

Номусми, вижедон била имонми керакdir?

Миллий ўзига хосликни англаш бевосита шахс ҳаёти, тақдири билан боғлиқ ҳодисадир. Адабиёт – сўз, унинг замиридаги туйғулар орқали тафаккурга таъсир қиласидиган, инсон шахсини, дунёқарашини шакллантирадиган кучдир. Шу маънода Туркистондаги жадид адабиёти, хусусан Абдурауф Фитрат асарлари нафақат ўзбек, балки минтақадаги барча халқлар тақдирида, миллий адабиётларнинг кейинги ривожланиш босқичларида миллий ўзлик уйғотувчи, миллионолаб юракларда миллий истиқлол руҳини камол топтирувчи рух сифатида прогрессив аҳамият касб этди.

Тўсиб турган ойдинликнинг йўлини

Шу қон-қора, эски, титрак булутлар,

Кучли бир ел кўргач, турмас, йиртилар,

*Умид куни сенинг учун ҳам тугар.
Қайғурмагил сира, эй ҳақ туйғуси!*

Абдурауф Фитратнинг бу каби шеърлари ўз даврида миллатнинг эрку озодлиги сари интилишига кучли рух бағищлади. Унга миллат манфаатларини ҳимоя ишонч ва куч бағищлади.

*Оғир йигит, сенинг гўзал, нурли кўзингда,
Бу миллатнинг саодатин, баҳтин ўқудим.
Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзунгда
Бу юрт учун қутулишинг борлигин кўрдим.
Турма — югур, тинма — тириш, букилма — юксал,
Хуркма — кириш, қўрқма — ёпиш, йўрилма* —
қўзгал.
Ел йўлини тўсиб турган эски булутларни
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт.
Қиломасанг шу ишларни,
Сенинг учун хўрликдир бу...
Йиқил, йўқол, кет!*

Абдурауф Фитратнинг “Ўгут” шеъридаги бу сатрлар билан миллат умиди, ишончи бўлган эрларга-йигитларга мурожаат қилиб “сенинг нурли кўзингда, бу миллатнинг саодатин баҳтин ўқидим...” дейди. “ Турма — югур, тинма — тириш, букилма — юксал, Хуркма — кириш, қўрқма — ёпиш, йўрилма* — қўзғал”дека унга чексиз иродавий куч йўллайди. Шоир миллат йигитларига бағищаётган иродавий куч сатрдан сатрга улғайиб, кучайиб боради: “Ел йўлини тўсиб турган эски булутларни, Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт. Қиломасанг шу ишларни, Сенинг учун хўрликдир бу...Йиқил, йўқол, кет!” дейя, миллат эрларининг тутуқуғлик изтироблари, поймол этилган ҳуқуқлари туфайли заифлашган миллий нафсониятини, орноусини уйғотишга интилади. Зоро, миллий истиқлолни қўлга киритиш, миллий давлатчиликни тиклашда миллат қалбидаги миллий нафсоният ҳар қандай куч ва зўравонликларга қарши турувчи энг қудратли восита бўлиб хизмат қиласади. Шоир ўз халқи миллий ўзликни англаш орқали, миллий истиқлолга эриша олишига қаттиқ ишонарди.

Атоқли адабиётшунос олим О.Шарафиддинов таъкидлаганидек, “XX асрда Ўрта Осиёда етишиб чиқкан ижодкорлар орасида энг сараларидан бири, энг мумтози

Абдурауф Фитратдир десам хато бўлмаса керак. Шоир, адиб, драматург, муаррих, мунаққид, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос, мутаржим, мутафаккир-файласуф, жамоат арбоби, сиёсатчи, педагог-бир ўзида шунча сифатларни жам этган Фитрат маданиятимиз ривожида ўчмас из қолдирди. Бироқ гап ижодкор билимларининг қомусийлигию шахсиятининг серқирралигига эмас. Муҳими шундаки, Фитрат Ватанини улуғ бир муҳаббат билан севарди ва шу муҳаббат унинг бутун фаолиятини ёрқин нур билан ёритиб турарди”[3, 387]. Абдурауф Фитратнинг машҳур “Юрт қайғуси” сарлавҳали сочма шеърларида замонасиининг энг ҳаётий ва долзарб муаммолари кўтарилиган. Бу сочмаларнинг тарихий-ижтимоий аҳамияти шундаки, уларда буюк ғоялар илгари сурилди. Улар эрки топталган, ор-номуси, маънавияти хўрланган миллатнинг нидоси бўлиб янграйди. Шоирнинг ўқдай отилган оҳлари ҳар қандай юракка ҳаяжон солади. Ватан қайғусида чеккан изтиробларнинг аламли қирралари намоён бўлади. Лирик қаҳрамоннинг ички дардлари, ҳасратлари, ўз баҳтсизлигидан ноласи ёниб туради. Тилининг соддалиги, ўта ҳароратли ва таъсирчанлиги билан ўзига тортади. Руҳиятнинг ғамгин ва дардли ҳолатлари китобхоннинг кўз ўнгидан ўта бошлайди: “Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг? Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг*, Отиллаларнинг* шонли бешиклари! Қани у чиқдигинг юксак ўринлар? Куллик чукурлариға недан тушдинг?! Дунёни “урҳо”лари билан титраткан йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурған тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдир? Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани?” [4, 45-46]

“Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси”нинг ўтмишини нурга чулғаб турган “ботир турклар”нинг соғинчи шоирга тинчлик бермайди. Жаҳон илм-фан ва маданият оламида Соҳибқирон шахсияти ва сиёсий фаолиятига ҳамма замонларда ҳам жуда катта қизиқиш бўлган. Албатта, ҳар бир тарихий давр ўз олдига янги муаммоларни қўяди. Х.Султоннинг фикрича, “Амир Темур шахсиятидаги энг жозибадор хусусиятлардан бири - унинг босқинчилар оёғи остида топталиб ётган ситамдийда Ватанини

қуллиқдан озод этгани, озод этибина қолмасдан она юртини дунёнинг улкан ва қудратли давлатига айлантира олганидадир” [5, 36].

Соҳибқирондан мерос Ватаннинг қулликка банди қилинганлиги Фитратни чуқур қайғуга солади. Бу - юрт тақдирига фақат ҳамдардлик эмас, балки исён сатрлари эди. Муаллиф ҳаётнинг азалий ва абадий нафасини юртининг озодлиги билан ҳис қиласиди. Унинг ўткир ва аламнок нигоҳи табаррук тупроқда кечеётган талотўмлар бегуноҳ тўкилаётган қонлар ва ноҳақликлар қаъридаги ноумид, “кимсасиз” келажакни ва аччиқ ҳақиқатларни кўради ва бу йўлда “ўлурға рози” кўнгли билан азобли кечинмаларга берилади:

“Эй, муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма. Туronim, сендан айрилмоқ-менинг учун ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ-менинг тириклигимдир, Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ёвларинг сени шу кунгами солдилар? Тилагим, истагим, саодатим! Болаларинг сени шу ҳолдами қўйдилар? Суйунчим, овунчоғим, ўчоғим! Золимлар сени кимсасизми кўрдилар? Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, бутун борлиғим билан сенга кўмак қилурға ҳозир. Мана мен чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурға рози. Қоф тоғлари йўлимда тушса; Тамуғ оловлари қаршумдан чиқса, яна сен сари кетарман. Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғимга занжиirlар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари кетарман. Дунёнинг бутун балолари бошимға тўкулса, Зулм чўлининг темир тиконлари қўзларимга кирса, яна сени қутқарарман. Мен сенинг учун тирилдим, Сенинг учун яшарман, Сенинг учун ўлурман. Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, Нафрат сени кўмгани келганларга!” [4, 47-48]

Бу ўтли сўзлар шунчаки чиройли иборалар эмас, балки миллатнинг шаъни ва ор-номуси бўлиб янграйапти. Адибнинг нафратини қўзғаб, “темир тиконлар” кўтариб, Туronни “кўмгани келганлар”, “туркликнинг муқаддас ўчоғи”ни ўчирмоқчи бўлган “золимлар” кимлар эди? Истиқболи мавҳум, тақдири чалкаш Туronда тўкилаётган қонлар, топталган қисматлар, йўқотилаётган анъаналар, миллий қадриятлар хунуни ким тўлайди? Фитратнинг қалбидан отилиб чиқаётган бу ҳасратлар маънавий ва бадиий

эҳтиёж сифатида миллатнинг хор бўлаётган кўхна ва муқаддас тарихи қаршисидаги исён эди бу!

Фитратнинг юрагини ёндираётган жасорати фарзандлик бурчи ва ўз сўзига эътиқодида кўринади. Ички нидо-муаллифнинг ноҳақликка нафрати ва эркинликка бўлган сўнгги илинжини сақлаб қолувчи улкан куч. Фикр қарамлиги ҳукмронлик қилган мудҳиш кунларда ёзилган асар давомини ўқиймиз:

“Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синиқ, бўйним букук. Сенинг зиёратингга келдим, султоним! Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, хоқоним! Юз йиллардан бери жафо кўруб, ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларин этакларингга тўкарга келдим. Коронғуликлар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олғали келдим” [4, 48].

Дунёда инсоннинг эрки, қадр-қиммати ва шаънидан баландроқ ҳеч нарса йўқ. Ватанга қўшилиб сўз ва қалбнинг турғунликка маҳкум этилганлиги адаб юрагини ўртайди. У жон жаҳди билан лоқайд, ўз қадрини йўқотган замондошлари қалбида миллий руҳиятни уйғотмоқчи бўлади. Топталаётган түғёнларда ҳалқнинг неча минг йиллик қадриятлари, маданий мероси ҳам борлиги ҳақиқий фожиа эди. Ўз қадрини йўқотган миллатнинг эртанги куни, келажаги ҳам таназзулга юз тутиши аниқ.

Миллат шаъни олдида ҳеч қандай тазиқдан чўчимаган Фитратнинг “бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синиқ, бўйним букук” деб тан олиши осон кечмаган. “Коронғуликлар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари”ни очиш, унинг “қисилган виждони”ни уйғотишга фақат ҳақ сўзнинг қудрати етишига адаб ишонади. Халқининг дардини очиқ айтиш учун ўзини маънавий ҳақдор сезади. Фақат битта миллатга тегишиги бу дардлар аслида башариятга тааллукли эканлигини яхши билган муаллиф “ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим”, дейди. Чунки, инсон эрки, ғурури, ор-номуси, қадр-қиммати ҳамма замонларда ҳам башарий муаммо бўлган. Маънавий хўрланиш, миллатнинг ўзлигини йўқотиши жисмоний зўравонликдан минг карра ёмонроқ эди. Фитратнинг мазкур асари XX аср бошидаги миллатнинг дунёқарashi, тафаккури ҳамда маданиятининг даражасини ифодалайди. Маънавий хўрлик жонидан ўтган адаб ўзини “тубан руҳли, ҳимматсиз бир бола” санайди. “Юраксиз ўғил” ўзини-ўзи шафқатсизларча айблайди. “Сенинг Туронингни

ўзим талатдим, Сенинг турклигининг ўзим эздирдим, Сенинг омонатларингга хиёнат ўзим қилдим”, дейди.

“Султоним! Мен қўлимға топширдигинг қилични ташлаб, чолғуни олмаса эдим, Туроним таланмас эди!.. Мен ёлғиз қонли кўз ёшларимни бу сағанангга тўкмак учун эмас, ўз ёзиқларимни иқрор этарға келдим, ХОҚОНИМ. Мени қўйма! Мен ёлғиз ёзиқларимни иқрор этарға эмас, Туронға бердигим заарларни тўламоқ учун келдим, ХОҚОНИМ. Мендан нафрат этма! Эй арслонлар арслони! Меним ёзуқларимдан ўт, Мени қўлимни тут. Белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер! Сенинг дунёга сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуғлигини қайтармасдан бурун аёғларингда ўтирмасман!” [4, 49]

Муаллифнинг ўз-ўзига таънаси ҳам жуда кескин ва шафқатсиз. У халқини айблашдан олдин ўзини лаънатлади: “Мен уч кунлик умримни тинчгина ётиб ўтказмоқчи бўлмаса эдим, шуларнинг бирортаси бўлмас эди. Мен қўлимға топширдигинг қилични ташлаб, чолғуни олмаса эдим, Туроним таланмас эди!.. Мен ёлғиз қонли кўз ёшларимни бу сағанангга тўкмак учун эмас, ўз ёзиқларимни иқрор этарға келдим, ХОҚОНИМ” [4, 49].

Миллатнинг бу “ёзиқ”лари эса Соҳибқирон сағанасига тўкиладиган кўз ёшларидан ҳам аянчли ва хавфли эди. Профессор Анқабой Кулжоновнинг фикрича, адабнинг “Юрт қайғуси” номли туркум сочма шеърлари илк бор 1917 йилда “Хуррият” газетасида чоп этилган эди” [7, 44]. Ва нафақат Туркистон ўлкасида, балки қадим Турон элида катта шуҳрат қозонади. Туркий тилли халқлар орасида кенг тарқалади. Сочмаларда драматик ҳолат ниҳоятда мураккаблашиб боради. Воқеалар қисматлар тимсолида кескин тус олади. Гўё инсон руҳияти фожиалар гирдобига чўкиб кетаётгандай тасаввур қолдиради.

“Юрт қайғуси”нинг иккинчи сочмасини муаллиф “бир ўзбек тилидан”, деб таъкидлайди. Ниҳоятда кучли, таъсирчан, инсон қалбини титроққа соладиган даражада эҳтирос, фитратона жўшқинлик билан битилган. Унинг оҳанги ва мазмuni бугунги авлодларни ҳам ларзага солади. Шоирнинг ўтли қайғуси ичра “тирсакларигача қоп-қора лойқадан ботған, бақиурға товуши, қутилурға кучи қолмаған”, муnis қалби “золимона урулған қамчиларнинг яраси”дан чақа бўлиб кетган ғариб аёл тимсолида яраларидан қонлар оқиб турган Ватан кўринади:

“Ётсам тушумда, уйғонсам ёнимда, күз юмсам миямда, күз очсам қаршумда мунгли бир хаёл келиб тураладур! Бу бир хотун хаёли... Бир хотунки, эгнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир күйлакдан бошқа бир кийим йўқ. Бош-аёғлари яланғоч, тирсакларигача қоп-қора лойқадан ботған, бақиурға товуши, кутилурға кучи қолмаған!..

Қарайман: кимсасизлик юкиндан ориғланган танда золимона урулған қамчиларнинг яраси бор. Кўраман: жоҳилона қилинған эмлардан носулға* қайтған яралариндан қонлар оқиб тураладур!

Эй мунгли хотун, сен кимсан? Эй ғамли она, нечук мундан айрилмайсан? Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан? Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолған кўзларинг, у ёш ёмғурларин нечун тўқадир? Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладир, нима тилайсан?.. Оҳ... Билдим... билдим... Англадим! Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан” [4, 46-47].

Охири кўринмаётган руҳий азоблар, кескин зиддиятлар марказида маъсум турган аёл “зулм занжирлари билан боғланган” ожиза - шоирнинг ғамгусор Ватани намоён бўлади. “Қайғу тутунлари” ичра хиралашган кўзлар тубида милтираган умид турарди. Зеро, оналар умр бўйи она тили ва она юрт тимсолида гавдаланадилар. Ўтмиш соғинчи, давр оғриқлари аввало адаб поэтик тафаккурида акс-садо беради. Тарихий жараённинг инсон онги, тафаккури, маънавий руҳий оламига таъсири ифодаланади. “Юрт қайғуси”да чигал кечинмалар гирдобидаги қаҳрамон, “Мен ёлғиз қонли кўз ёшларимни бу сағанангга тўқмак учун эмас, ўз ёзиқларимни иқрор этарға келдим, ХОҚОНИМ” [4, 49], дейди. Ҳақ ва ҳақиқатни, юртнинг топталган қадрини топишга интилаётган қалбнинг иқрори ҳар қандай инсонни чуқур ўйга толдиради.

Соҳибқироннинг беназир сиймоси “бедилларни уйғотиб”, бани башарият учун сабоқ бўлиб қолаверади. Беихтиёр миллатпарвар адабимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини қайта-қайта вараклар эканмиз, улуғ адаб “ўткан кунлар” деган ном остида аслида бизни “яқин ўткан” эмас, балки янги келажакдаги “энг кирлик, қора кун”лардан огоҳлантириб кетганини англаймиз: “Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичкан

мансабпаст, дунёпаст ва шухратпаст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизға ақлим етмай қолди... Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни тўнғузхона қилишға ҳозирланған биз итлар яратғучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотихларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилғанлари бир ўлкани ҳалокат чуқуриға қараб судрагучи албатта Тангрининг қаҳриға сазовордир, ўғлим!” [8, 318] Бу аламли сўзлар халқ юрагида истиқлол туйғусини уйғотиши, кейинги тарихий жараёнларга таъсир ўтказиши аниқ эди. Унда орияти баланд, тафаккури ўткир миллат зиёлисининг оғриқли руҳий ҳолати акс этган. Ҳар қандай миллат ўз жамиятининг тарихий, маданий ва ахлоқий мероси, қадриятлари асосида ривожланади. Жаҳолат билан ошно кимсаларнинг ўз манфаатларидан бўлак эҳтиёжлари бўлмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Абдурауф Фитрат каби аждодларимиз ижодидаги миллий ўзлик туйғуси ҳалқимизни узоқ йиллар давомида миллатга хос, унинг ватан тақдирига дахлдорлик масъулиятини белгилайдиган, миллий характер сифатида улкан миллат қалбида миллий истиқлол руҳини тарбия этувчи, уни мустақиллик деб аталмий улуғ қадриятга эришишида муҳим воситаси бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1] – Президент Ш.Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак. ЎзА, 2023 йил, 23 декабрь.

[2] – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25 сон.

[3] – Шарафиддинов О. Абдурауф Фитрат ва унинг “Ҳинд сайёҳи” асари / Танланган асарлар. – Т.:”Шарқ” нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2019.

[4] – Фитрат А. Танланган асарлар. Тошкент.: “Маънавият”, 1998.

[5] – Султон Х. “Мингта Фирдавсий керак...” / Ҳақиқат жамоли. – Т.: “Машхур-пресс”, 2019.

[6] – Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: Изд. Главная редакция восточной литературы, 1972.



ФИТРАТ ШЕЪРИЯТИДА ЎОРТ ҚАЙГУСИ

Ф.ф.д., профессор Улугбек ҲАМДАМОВ, ЎзР ФА Тил, адабиёт ва фольклор институтининг бўлим бошлиги

Аннотация. Ушбу мақолада Абдурауф Фитратнинг шоирлик йўлига назар ташланиб, шеърларининг мазмун-моҳияти жадидчилик ғояларининг тараннуми сифатида тадқиқ этилади. Шунингдек, жадид шоирлари шеъриятни бир воситага айлантириб, юртни озод ва обод қилишдек асос мақсадга хизмат қилдиргандарни тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: жадид шеърияти, давр руҳи, шакл ва мазмун, сочма, тизма, идеал, комил инсон концепцияси, Шарқ ва Ғарб, Туркистон, Ватан озодлиги, Истиқлол, маърифат, юрт равнақи, ғоявий-тематик мотив.

Абдурауф Фитрат XX аср ўзбек адабиёти, фани, маданияти ва жадидчилик ҳаракатининг улкан намояндаси бўлиб, қомусий билимга эга, ўз фаолияти билан миллат тафаккурида азим эврилишлар ясай олган мумтоз сиймо. Шунингдек, у янги ўзбек адабиёти асосчиларидан бири, улуғ назариётчи, буюк тилшунос, ёрқин драматург, оташин шоир, жанговар публицист, ўткир журналист, моҳир санъатшунос, истеъдодли тарихчи, файласуф, давлат ва жамоат арбоби ҳамдир.

1922 йилда “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламида Фитрат, Чўлпон, Элбек ва Ботунинг шеърлари босилиб чиқди. Бу тўплам шеъриятдаги тамомила янги руҳ-кайфиятни акс эттирад эди. Зоро, XX асрга келиб, ўзбек шеърияти тубдан янгиланишларга юз тутди. Чунки замон, атроф муҳит ўзгараётган ва бу жараён шиддат билан давом этаётган эди. Натижада шеър ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланди. Фитрат, Ҳамза, Авлоний, Чўлпон ана шу ўзгаришларнинг ибтидосида турди. Давр руҳини шеъриятга олиб кириш кучайди. Ҳатто мумтоз Шарқ шеъриятидаги идеал – “комил инсон” тушунчаси ҳам бир қадар ўзгарди. Бу нарса, аввало, дунёning бир-биридан хабардор бўлиб туриш, ҳар томонлама интеграция имконларининг ўсганлиги, ўзаро товар, ахборот алмасиш суръатининг жадаллашгани ва оқибатда бутун ер куррасининг талай қисми яхлит ижтимоий кайфият касб этгани

(глобализм) билан изоҳланади. XIX асрдан бошлаб бу кайфият Ғарбдан Шарққа томон “эсди”. Тарихий ўсишда бир неча асрдан буён турғунлик палласини бошидан кечираётган Шарқ Ғарбга эргашишга, қайсиdir ўринларда унга тақлид қилишга, унинг кайфиятига киришга мажбур қолди. Бу кайфиятга кўра, энди шарқликлар дунёқарашида реаллик, моддиюнчи назар кучайди. Чунки фан-техника натижалари кириб келган ва улар ҳаётга кенг тадбиқ этилганди, жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар жадаллашган, асрлар давомида бир жойда депсиниб турган кўпгина Шарқ мамлакатлари, жумладан, Туркистон яна ҳаракатга келганди.

Моддий оламнинг ҳаракатга келиши мамлакат инфраструктурасини, жамият кайфиятини, унинг устувор қадриятларини тубдан ўзгартириб юборди. Натижада, масалан, комил инсон концепцияси инсон ва жамият тарбиясининг асосини ташкил этган қадрият сифатида ўзининг янги мазмунига кўчди. Бу шундай мазмун эдики, энди унда ҳаракатдаги жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлик, унинг келажаги учун қайфуриш хисси яшарди. Шахснинг миссияси энди ошиқлик ё дарвешлик эмас ва ёхуд оғир ва шарафли тасаввуфий йўлларни босиб ўтиш эмас, балки фидойилик, ўзликни кўпчиликнинг манфаати, жумладан, Ватан озодлиги йўлида фидо қилиш бўлиб дунёга келди. Аслида, комил инсонлик юксак мартаба бўлиб, унга етишиш жуда мушкул. Бу сўзнинг том маъносида ҳеч ким комилликка дохил бўлолмайди. У – бир идеал. Бу идеал кишини ҳамиша ўзига – юксакликка, юксалишга чорлайди, унга маънавий озуқа, енгилмас ва тоза рух бағишлайди, эвазига бутун бошли умрни талаб этади, лекин шунда ҳам етилмайди, у – мангу йўл. XX аср аввалига келиб комил инсон вазифасини давр жароҳатини ўз дарди ўлароқ қабул қилган ва юрт озодлиги, унинг порлоқ келажаги учун курашган, бу қутлуғ йўлда азиз жонларини ҳам аямаган шахслар бажара бошлади. Бундай шахслар, энг аввало, адабиётда ўзларини кўрсатди: улар индивидлик қобиғини ёриб чиқиб, шахслик мақоми сари дадил илгарилаган, демакки, комиллик йўлида шахдам одим ташлаган улуғ сиймолардир. Шахс-ижодкор давр дардини кўради, уларга тўғри ташхис кўйиб,

даволаш йўлларини топади, омади чопса, даволайди ҳам. Биз Беҳбудий, Фитрат, Ҳамза, Қодирий, Ҷўлпон каби сиймолар ҳақида гапирганимизда шу нарсани англаймизки, улар бутун бир миллат олдига давр қўйган улкан, кечиктирилмас муаммоларни, аввало, тўғри идрок этганлар, сўнгра асосийларини муваффакиятли ҳал этганлар.

XX юзийиллик ибтидосида миллатнинг тафаккур гуллари маърифатсизликни юртнинг энг оғриқ нуқталаридан бири деб билдилар. Улар истеъдодларини элни ўқимишли қилишга бағишладилар, шу йўлда вақтлари, кучлари, маблағларини аямадилар. Адабиётни ҳам бир восита айлаб, ана шу олий мақсадга хизмат қилдирмоқчи бўлдилар. Улар халқнинг маърифатли бўлиши юрт равнақи ва миллат тараққийсининг асоси деб билдилар. Оқибат – адабиётда маърифатли киши образи пайдо бўлди. Авлоний, Сўфизода, Ибрат, Ҳамза, Фитрат, Ҷўлпон каби қатор шоирларнинг ижодида шу ғоя қайта-қайта ишланди. Чунончи, Фитрат «Ўгут» шеърида ёзади:

*Оғир йигит, гўзал, нурли кўзингда,
Бу миллатнинг саодатин, баҳтин ўқудим.
Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзунгда
Бу юрт учун қутулишинг борлигин кўрдим. [1, 41]*

Озодлик, Истиқлол, янги давлат қуриш каби ғоялар эса Фитрат ва бошқа шоирлар шеърларида идеал-ғоя даражасида тараннум этилди. Вақти бўлдики, улар ҳаётдан нимаики рўшнолик кутган бўлса, ҳаммасини шу ғоя билан боғладилар. Чунончи, Ҷўлпон бир шеърида:

*Ол байрогингни, қалбинг уйгонсин,
Қуллик, асорат – барчаси ёнсин,
Кур янги давлат, ёвлар ўртансин,
Ўсиб Туркистон, қаддин кўтарсин! [1, 146]*

деб ёзса, Фитрат:

*Онам, сени қутқармоққа жонми керакдир?
Номусми, вижсон била имонми керакдир? [1, 31]*

дея нола чекди “Юрт қайғуси” шеърида.

Шеъриятдаги идеал жамиятнинг бурилиш асноларида ўзини яққолроқ намоён этади. Аниқроғи, ўша идеалнинг бир қирраси – дунёқарааш билан боғлиқ томони бўртиброқ кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, XX аср янги ўзбек шеъриятида 20-йиллар алоҳида ўрин тутади. Бу шеърият Фитрат, Чўлпон каби улкан шоирлар номи билан боғлиқ бўлиб, юртнинг аввал чор, сўнгра шўролар томонидан босиб олинишига қарши кайфият билан суғорилган. Уларнинг шеърларига сингдирилган ғоя – идеал ҳам, асосан, озодлик, истиқлол деган сўзларни ифодалайди. Фитратнинг яна “Юрт қайғуси”, “Беҳбудийнинг сағанасин изладим”, “Шарқ”, “Ўқитғувчилар юртига”, Чўлпоннинг “Бузилғон ўлкага”, “Ёруғ юлдузга”, “Кураш”, “Кишан”, “Кўнгил” каби ўнлаб шеърлари зимнида ана шу рух хукмрон.

Албатта, уларнинг идеали замон талабию руҳи билан янгиланган эди. Янгиланган идеал мумтоз адабиётимиздаги идеалдан фарқланади. Чунки уни ташкил этган асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, тизимдаги ўрни ва мақоми энди жиддий ўзгарди. Жадидчилик бағрида етишган бу шоирлар ижодида мумтоз адабиётдаги “комил инсон” тушунчаси ўрнини энди “зиёли”, Ҳаққа интилишни истиқлол ва тараққий йўлидаги кураш эгаллади. Идеалдаги сифат ўзгаришини биргина “зиёли” мисолида қараб ўтамиз. Аввало, жадид ижодкорлар соғинган идеал инсон – “зиёли” шунчаки ўқимишли киши эмас. У замонавий билимлар эгаси, замона аҳволидан яхши хабардор бўлиши ва, энг муҳими, миллатнинг эртаси ҳақида қайғуриши, унинг тараққий этиши йўлида фидоийлик билан курашиши лозим. Октябрь тўнтаришидан кейинги воқелик идеал қаҳрамон қиёфасига сезиларли ўзгариш киритди. Энди ундаги зиёлилик белгилари сусайиб, юрт ҳақида қайғуриш, унинг тақдири учун масъуллик, эркка ташналиқ, курашchanлик каби жиҳатлар олдинги планга чиқди.

Хуллас, шу тариқа мумтоз адабиётимизда марказий ўринни эгаллаб келган диний идеал XX аср янги ўзбек шеъриятида бирмунча орқага чекиниб, унинг ўрни дунё ва жамиятни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоялар билан тўлди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ҳол большевиклар атеистик сиёсатини

йўлга қўймасидан аввал, жадидчилик билан боғлиқ ҳолда юзага келганди. 20-йилларнинг ўрталаридан қувватга кира бошлаган адабий авлод эса идеалда туб ўзгариш ясагани йўқ, у гўё жадидлардан эстафета таёқчасини олдию идеалга ўзи кўзлаган конкрет ижтимоий мақсадга мос мафкура тўнини кийгизди. Натижада адабиёт жабҳасида ҳам, худди бутун жамиятдаги каби, кескин ғоявий-мафкуравий қарама-қаршилик юзага келди: 20-йилларнинг ўрталаридан то 30-йилларнинг охирига қадар адабиёт икки турли идеалнинг тўқнашувидан иборат бўлди.

Фитратнинг 1917 йилда ёзилган “Юрт қайғуси” туркуми [1, 31-35] учта сочма ва битта тизма шеърдан таркиб топган бўлиб, у Туркистон тақдири ҳақидаги ташвиш-қайғу маҳсулидир. Таъкидлаш керак, туркумда даврнинг энг ўткир ижтимоий дарди чинакам шахсийланган бўлиб, уни XX аср ўзбек шеъриятидаги ижтимоий, гражданлик поэзиянинг илк яхши намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Ғоявий-тематик жиҳатдан туркумдаги шеърлар бир-бирини тўлдиради, ривожлантиради. Туркумдаги шеърлар шу жиҳатдан ва ёзилиш санаси тартибида кўриб чиқилса, қўйидаги ҳол кузатилади:

- биринчисида буюк аждодларга бешик бўлган Турон “қуллик чуқурларига недан тушди?” деган савол қўйилади ва “арслонлар”инг йитиб кетмаган, улар бирлашишса, улкан куч деган ғоя олдинга сурилади;
- иккинчисида забун ва аянч аҳволдаги “бир хотун хаёли” – она Ватан тимсоли қарисида айборлик, жавобгарлик ҳисси туюлади, “бутун борлиғи билан унга кўмак қилурға ҳозирлик” изҳор этилади;
- учинчисида лирик қаҳрамон Темур рухи олдида “омонатга хиёнат” қилгани учун тазарру қиласида ва “Туроннинг эски шараф ва улуғлигини қайтариш”га онт ичади;
- тўртинчисида, Туркистон мухторияти эълон қилинганидан кейин ёзилган тизма шеърда лирик қаҳрамон ўша онтни бажаришга киришган, “Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керақдир” деган қатъият билан “Темур била Чингиз қони тошли томримиздан” дея “оёққа қалққан”лардан бири сифатида гавдаланади.

1917 йил давомида ёзилган бу шеърлар муайян бир қараш, ижтимоий-сиёсий мавқенинг тобора барқарорлашиб, ниҳоятида Ватан учун курашиш заруратига иймон келтирилганини яққол кўрсатиб турибди. Ҳа, ғоят шиддатли ўзгаришларга тўлиқ 1917 йил бунга қадар бутун саъй-ҳаракатлари ягона мақсадга йўналтирилган зиёлиларимиз учун танлов имкониятини тақдим этган чегара ҳолати эди. Фитратнинг юқоридаги қарорида событлашуви ҳам, Ҳамзанинг қараашларида бурилиш юз бериши ҳам ўзининг ижтимоий-шахсий ва маънавий-руҳий асосларига эга. Шу асослардан келиб чиқиб ўз танловини амалга оширгани учун улардан бирини оқлаб, иккинчисини қоралашга ҳожат йўқ – иккиси ҳам юртим, халқим учун танлаган йўлим тўғри деб ҳисоблаган.

Худди Фитрат каби, 20-йиллар ўзбек шеъриятининг етакчиси Чўлпон ижодида ҳам Ватан озодлиги мавзуси асосий гоявий-тематик мотив бўлиб қолди. Бу икки шоирнинг руҳий яқинлиги “Юрт қайғуси” туркуми билан “Бузилган ўлкага” шеърини ёхуд “Мирриҳ юлдузига” билан “Ёруғ юлдузга” шеърларини қиёслаб кўриб амин бўлиш мумкин. Бу шеърлар юрт ва миллат тақдири ҳақидаги теран изтиробли мушоҳадалар, Ватанни Она деб тушуниш ва унинг ҳақини адо этолмаганликдан келувчи изтироб, мавжуд ҳолати учун жавобгарлик ва унинг учун жон фидо қилишга ҳозирлик каби гоявий-тематик асосларда ўзаро муштараклик касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1] – Фитрат А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000.
- [2] – Чўлпон. Асарлар. Тошкент: Академнашр, 2016.
- [3] – XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1999.
- [4] – Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Тошкент: Маънавият, 2004.
- [5] – Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. Тошкент: Академнашр, 2018.



JADID MA'RIFATPARVARLARINING PEDAGOGIK MEROSIDA OILA MA'NAVİYATI MASALALARI

*F.f.d., professor Ra'no SAYFULLAYEVA, O'zbekiston milliy
universiteti*

Annotatsiya. Mazkur maqolada jadid ma'rifatparvar olimlarining oila ma'naviyati, oiladagi ma'naviy muhit haqidagi qarashlari tadqiq qilinadi.

Kalit so'zlar: oila, farzand, tarbiya, ta'lim, ayol ma'naviyati, mакtab, ilm, tafakkur tarzi, milliy uyg'onish.

Jamiyatning har bir yangilanish davri tarixga qiziqishning beqiyos darajada o'sishidan, ertangi kunga ishonchning mustahkamlanishi bilan boshlanadi. O'zbekistonda barcha sohalarda amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlarimizning samaradorligi avvalo xalq ma'naviyatining tiklanishi, boy tarixiy merosimizning chuqur o'rganilishi, madaniyat va san'at, fan va ta'lim rivoji, o'sib kelayotgan yosh avlod tafakkur tarzining o'zgarishi bilan uzviy bog'liq holda rivojlanayotganligidan dalolatdir. XIX asrning oxiri va XX asr boshlarida qadim Turkistonda shakllangan jadidchilik harakati millatni uyg'otish, mustamlaka ostida ezilib yashayotgan xalqqa o'zligini tanitish uchun astoydil maydonga chiqqan edi.

Zero, "Biz qadimiylar va boy tariximizni, ayniqsa, g'oyat og'ir sharoitda ilm-ma'rifat, inson erkinligi, xalq ozodligi, Vatanga, milliy qadriyatlarga mehr va sadoqat g'oyalarini dadil ko'tarib chiqqan jadid bobolarimiz faoliyatini yanada chuqur o'rganishimiz lozim. Ularning ulug' maqsadlar yo'lidagi mardona kurashi va fidoyiligi Yangi O'zbekistonni qurishda barchamiz, avvalo, yoshlarimiz uchun chinakam ibrat maktabi bo'lib xizmat qilishi zarur" [2].

Milliy taraqqiyotga erishish, barkamol insonni tarbiyalash oila va maktabdan boshlanishini yaxshi bilgan jadidlar yangi uslubdagi maktablar ochdilar, vatan tarixini, sharqona tarbiya usullarini, betakror qadriyatlarni o'zida to'liq qamrab olgan darsliklar yaratdilar. Matbuot, adabiyot va san'atni rivojlantirishga katta e'tibor berdilar. Ularni maslakdosh sifatida birlashtirib turgan faoliyatları zamirida milliy ong, o'zlikni anglash, o'tmishni o'rganish, madaniy an'analarni yosh avlod ongu shuuriga singdirish masalasi ustuvorlik qildi.

JADIDCHILIK (arab.yangi) – XIX asr oxiri XX asrning birinchi choragida Markaziy Osiyo, Qrim, Kavkaz, Volgabo‘yi hududlarida shakllangan, yangi zamonaviy maktab, matbaa va taraqqiyotning ilg‘or usul va yo‘llarini yoqlab chiqqan ijtimoiy – ma’rifiy harakat. Jadidchilikni shakllantirishda ko‘plab millat ziyoilari faol qatnashgan. Jamiyatni o‘rtaasrchilik illatlari, madaniy qoloqlik va maustamlaka zulmidan, xurofotdan ozod qilish, xalqni zamonaviy taraqqiyot yo‘liga olib chiqish, milliy davlatchilik asoslarini bunyod etish Jadidchilik harakatining asosiy maqsadi edi [3, 160].

Asosiy maqsadni amalga oshirish uchun eng avvalo, milliy ma’naviyatni, milliy qadriyatlarni asrash, ularni rivojlantirish va ommalashtirish nihoyatda muhim edi. Ular mamlakatni ozod, xalqni milliy zulm va qoloqlikdan xalos etishning yagona yo‘li ma’rifat deb bildilar va shu yo‘lda fidokorona kurashdilar. Xalqning o‘z haq – huquqlarini, milliy o‘zligini anglashi, ozod va erkin taraqqiy qilish g‘oyalarining shakllanishi uchun “Turkistonдagi jadidchilik harakatiga Behbudiy, Munavvarqori, Fitrat, CHO‘lpon, Pahlavon Niyozi Hoji, Abdulla Avloniy, Hamza Hakimzoda, Abdulla Qodiriy, “Yosh buxoroliklar”, “Yosh xivaliklar” tashkiloti rahbarlari boshchilik qilishgan” [3, 160].

Insoniyatning ming – ming yillik tarixida xilma – xil harakatlar, ta’limot va turli siyosiy oqimlar mavjud bo‘lgan. Albatta, Turkiston ziyoilalarining asosiy qismi usuli jadid maktablari ochilishining tarafdoi edi. Jadidlar o‘lka istiqboli, millat kelajagi uchun bu maktablarning ahamiyati beqiyos ekanligini xalqqa tushuntirishga, yoshlarni o‘z ortidan ergashtirishga harakat qilishdi. Professor H.Boltaboyev to‘g‘ri ta’kidlaganidek, “Turkiston tarixiga olamshumul o‘zgarishlarning muallifi sifatida kirgan jadidchilik nafaqat Markaziy Osiyoda, balki Yevroosiyoda ham ahamiyatli iz qoldirgani uchun u jahon afkori ilmiyasi tomonidan e’tibor bilan o‘rganilmoqda... Jadidchilik o‘z xalqini ozod va yurtini obod ko‘rish shiorini o‘rtaga qo‘yish barobarida uning oliq pirovard niyati xalqning o‘z shonli tarixi, madaniyati bilan jahon afkori umumiyyasiga tanitishni istadi. Shuning uchun ham jahonni titratgan Temur qilichining zarblari va jahon adabiyotida yangi sahifa yaratgan Navoiy qalami jadidchidar

uchun zamon timsoliga aylandi.O‘tmishni ideallashtirish orqasida yangi va yuksak jamiyat yaratib bo‘lmasligini yaxshi anglagan jadidchilar o‘tmish merosini o‘zlashtirish barobarida jahonning eng taraqqiy etgan millatlari sifatida o‘zini ko‘rishni istadi” [4, 151].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev O‘zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining o‘ttiz bir yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagи nutqida: “Biz uchun inson, uning qadr-qimmati qanchalik aziz bo‘lsa, uning xotirasi ham shunchalik muqaddasdir. Shu sababli Vatan ozodligi yo‘lida qurbon bo‘lgan ota-bobolarimizning nomlarini oqlash, ularning faoliyati, ilmiy va ijodiy merosini o‘rganish, xotirasini e’zozlashga yanada muhim ahamiyat qaratmoqdamiz”[1], deya alohida ta’kidladi.

O‘zbek xalqining mard va millatparvar jadidlari – buyuk ma’rifatparvar olimlaridan beba ho ma’naviy-ilmiy-estetik xazina meros bo‘lib qoldi.Ularning yuksak iqtidori, tafakkuri va zakovati nafaqat qadim Turkistonga, balki yaqin Sharq mamlakatlariga ham ziyo sochgan. Jadid bobolarimiz erk va ozodlik, millat va vatanparvarlik, ma’naviy jasorat va matonat, xotin-qizlarning ilmli egallashi kabi buyuk g‘oyalarni targ‘ib qildilar. Binobarin, ayollarning ma’rifatli bo‘lishi har bir xalq, millat uchun ularni buyuk maqsad yo‘lida birlashtiruvchi umummiliy harakat hisoblanadi.

Oila va ayol qadriyatlarining buyuk tarbiyaviy ahamiyati ularning jamiyatdagi o‘rnini belgilash, mohiyatiga chuqur kirib borish, masalaning tub negizidagi ertangi kun uchun eng qimmatli, eng ilg‘or tomonlariga jamoatchilikning e’tiborini qaratish bilan belgilanadi. Jadid olimlari o‘zlarining oila va ayol qadriyatiga bo‘lgan munosabatlarida muqaddas Qur’oni Karimdagи huquqiy qarashlarni asos qilib oladilar. Ularning bir qator asarlari va davriy matbuotdagi maqolalarida, xususan Mahmudxo‘ja Bexbudiy tashkil etgan “Oyna” jurnalida oila masalalariga jiddiy e’tibor berilgan.

Atoqli jadidshunos olim B.Do‘stqorayevning fikricha, “Milliy zulmdan qutulish uchun ozodlik kurashi asosiy hodisa hisoblanadi. Ozodlik, mustaqillik, erkka feodal qoloqlik, jaholatdan qutulgandagina erishish mumkin bo‘lgan. Buning uchun jamiyatdagi mavjud tuzumni tubdan isloh qilish lozim bo‘lib, buni amalga oshiruvchilar qotib qolgan, daqqi kuchlarga, ya’ni “qadim” (eski)larga qarshi turuvchi

“jadid” (yangi)lar sifatida maydonga keldi. Shu bois jadidlar Misrda ham, Turkiyada ham, Turkistonda ham siyosiy oqim sifatida paydo bo‘ldi. To‘g‘ri, ularning shakllanganlik, taraqqiy topganlik darajasi bir xil emas edi.

Chor Rossiyasi tomonidan bosib olingan o‘lkalarda ham XIX asr oxiriga kelib milliy ozodlik harakatlari oxir-oqibatda jadidlarni tarix sahnasiga chiqardi. Milliy istibdod zanjiriga tushgan xalq va elatlar qudratli imperiya changalidan faqat birlashib harakat qilgandagina qutulishlari mumkin edi. Buning uchun, eng avvalo, milliy ongni uyg‘otish, millatning o‘zligini anglab yetishuviga erishish lozim edi” [5, 146].

Milliy ongni uyg‘otish ham, milliy o‘zlik tuyg‘usini singdirish ham oiladan boshlanadi. Oila – milliy qadriyatlarni asrab, avloddan-avlodga olib o‘tuvchi manba sifatida ham nihoyatda muhim ahamiyat kasb etadi. Oila qurish – insonlar orasidagi ijtimoiy munosabatdir. Bu munosabatlarning davomiyligi, mustahkamligi jamiyat mustahkamligini belgilaydi. Sharqda oila hamisha mustahkam bo‘lgan. Shuning uchun muqaddas qo‘rg‘on sanalgan. Oila sha’ni Vatan sha’ni kabi ulug‘langan. Ona maqomi esa Vatanga tenglashtirilgan. Sharq oilasida ayolning, onaning e’zozlanishi birinchi o‘rinda turadi.

Iste’dodli ijodkor, millat istiqboli qayg‘usida bo‘lgan Behbudiy ma’naviyat fidoyisi sifatida yoshlarni ilm olishga da’vat qilar ekan, bu maqsadlar amalga oshishi uchun onalar hissa qo‘sishi kerakligini qayta-qayta ta’kidlaydi. Olim “Bizni kemiruvchi illatlar”, “A’molimiz yoinki murodimiz” maqolalarida to‘y va ta’ziya ma’rakalari haqida fikr yuritib, isrofgarchilikni qoralaydi. Albatta, ayollar ishtirokisiz bu isrofgarchiliklarning oldini olishning iloji yo‘q edi. Oddiy kosibning mashaqqatli mehnati, bu mehnat ortidan topiladigan mablag‘ning nimalarga sarflanishi ham allomani o‘ylantiradi. “Bechora kosibning a’moli to‘ydur. O‘zi rohat yuzini ko‘rmaydir. Kecha – kunduzni, 18 balki 20 soatni mehnatga o‘tkaraturgon kosiblarimiz bordur... O’n va yigirma sanalar mehnat va mashaqqat etar va xudodan o‘g‘il tilar, to‘y qilmoq uchun. Ana bechorani a’moli. Yigirma sanalik mehnati uch kunda tamom” [6, 160]. Jadidshunos olim R.Sharipovning fikricha, “Behbudiy uch kunlik to‘y ba’zi oilalarni o‘n yil, hatto bir umrlik

tashvishlarga giriftor etishi, xonavayron qilib, bevatan aylashi mumkinligini ta'kidlaydi” [7, 105]. Demak, oilaning xonavayron bo‘lmasligi, farzandlari yaxshi tarbiya olishlari uchun uni ortiqcha chiqimlar va isrofgarchilikdan qutqarish kerak. Jumladan, ma’rifatparvar olim, “To‘y va ma’raka oqchasidan bolalarni hukumat maktablariga berilsun va bu oqchadan talabalarni Makka, Madina, Misr, Istanbulga va Rusiya dorilfunun va dorulsanoatlariga yuborilib diniy va dunyoviy va zamonaviy odamlar yetishdurmoqg‘a say qilinsun” [6, 160]. Behbudiylarning “Oyina” jurnali, “Samarqand” gazetasida bosilgan maqolalarida ham ma’rifatli oila g‘oyasini ilgari suradi.

Bolaga mustaqil fikrni, ijodiy erkinlikni, iste’dodni mae’rifatli oila beradi. Behbudiyning mashhur “Padarkush” asari faqat o‘zbek dramaturgiyasining ilk qaldirg‘ochi sifatidagina emas, balki bir oilaning fojiasi qalamga olinganligi bilan ham jamoatchilikning e’tiborini tortadi. Ota-onalar bilan bolalar o‘rtasidagi g‘oyat jiddiy, nozik, qaltis munosabatlar, ziddiyatlar, turlicha yondashuvlar ta’lim-tarbiyaning dolzarb masalasi tarzida talqin etiladi. Drama mavzusi millatning qalbiga chuqur iztirob soladi. Tarbiyasiz bola nafaqat oila, balki jamiyat uuchun ham og‘ir muammodir. Tarbiyasizlikning oxiri halokatga olib borishini ishonchli lavhalarda tasvirlaydi.

Jadidlar ijtimoiy tuzumni butunlay o‘zgartirish, jamiyatni tubdan yangilash g‘oyalarini ilgari surgan edilar. Bu maqsadga ma’rifiy-ma’naviy islohotlar orqali erishish mumkin ekanligiga ishondilar. Zero, milliy o‘zlik tuyg‘usi har bir ijodkor qalamga olgan davrning qiyofasida, xalqning xarakter xususiyatlarida ko‘rinadi. Vatan o‘tmishi, buguni va kelajagi bilan bog‘liq masalalarda bu ko‘zga yanada yaqqolroq tashlanadi. O‘tgan asr boshida jadidlar adabiyotini misol keltirish mumkin.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, millat oilasining intizomi uning farzandini ilmli, tafakkurli qilib o‘stirishida namoyon bo‘ladi. Istiqlol sharofati bilan tiklanib kelayotgan tariximiz, milliy an’analaramiz, milliy o‘zligimizni anglash ham oilaning jamiyatdagi nufuzi bilan belgilanadi. Jadid olimlarining ayollarni ma’rifatli qilish, oilaning tub negizini mustahkamlash, shu ezgu maqsad yo‘lida jamiyat a’zolarini yuksak ma’naviy zaminda tarbiyalashdek buyuk g‘oyalari

yangi O‘zbekistonda yangicha tamoyillar yaratilishiga asos bo‘lmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

- [1] – O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining o‘ttiz bir yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagি nutqi. O‘zA, 2022 yil, 1 sentabr.
- [2] – O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaati. “Yangi O‘zbekiston” gazetasi. 2022 y.
- [3] – Ma’naviyat. Asosiy tushunchalar lug‘ati.T.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyat” nashriyoti., 2021.
- [4] – Boltaboyev H. Jadidchilikning ma’naviy ildizlari. T.: “Akademiya” nashriyoti., 1998.
- [5] – Do‘stqorayev B. Turkiston jadidlarining yirik siyomosi. T.: “Jahon adabiyoti” jurnali, 1998. 3 son.
- [6] – Behbudiy M. A’molimiz yoinki murodimiz. Tanlangan asarlar. T. “Ma’naviyat” nashriyoti, 2020.
- [7] – Sharipov R. Jadid adabiyotida yangilanish, islohot va mustaqillik uchun kurash. T.: Toshkent Davlat yuridik instituti nashriyoti, 2005.



FITRATNING YOZUV VA IMLO MASALALARIGA MUNOSABATI

*F.f.d., professor Yoqubjon SAIDOV, Buxoro davlat universiteti
kafedra mudiri*

Annotatsiya. Maqolada Turkiston jadidchilik harakatining yirik vakili Fitratning alifbo va imlo masalalariga munosabati ochib berilgan, bu boradagi ilmiy-amaliy faoliyati ikki davriy bosqichga ajratib tavsiflangan: 1) arab alifbosiga asoslangan eski o‘zbek yozuvini isloh etishdagi faoliyati; 2) lotin yozuviga asoslangan yangi o‘zbek alifbosini yaratish yo‘lidagi faoliyati. Allomaning arab alifbosiga asoslangan yozuvni o‘zbek tili xususiyatlari va qonuniyatlarini hisobga olib soddalashtirish, mukammal yozuv tizimini shakllantirish hamda milliylashtirishga doir qarashlari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: til, alifbo, imlo, yozuv, arab alifbosi, lotin alifbosi, islohot.

O‘zbek tili tarixida XX asr boshlari alohida davrni tashkil etadi. Til, alifbo va imlo masalalariga bu davrdagidek o‘zbek tilining hech bir davrida bu qadar katta e’tibor berilmagan. O‘sha davrda nashr

etilgan milliy gazeta va jurnallarning deyarli barcha sonlarida nazarda tutilgan masalalarga doir maqolalar e'lon etilgan. Buni "Buxoro axbori" gazetasi misolida ham ko'rib o'tish mumkin. Ushbu gazetaning 1921-yil 18-sonida BXSR hukumati boshlig'i Fayzulla Xo'jaevning "Hukumat tili to'g'risidagi" maxsus buyrug'i e'lon qilingan. Unda quyidagilar yozilgan: "Xalq nozirlar sho'rosi ushbu buyrug'i bilan qat'iy suratda buyuradurkim, bir idoradan boshqa idoraga yozilaturg'on xatlar, loyihalar, murojaatnomalar va boshqa yozuvlar o'zbakcha yozilsun". Bu buyruq bo'yicha ishlamaganlar jarimaga tortilgan. "Buxoro axbori" gazetasining "Ochiq xatlar" rukni ostida "Til masalasi" mavzusida o'nlab maqolalar chop etilgan. Bunday maqolalar jumlasiga Abdulqodir Muhiddinovning "Tilimiz va maorif nazorati", Abu Bakrning "Til masalasi", "Yana til masalasi", Mahmud Subohning "Til masalasi" kabi maqolalarni aytib o'tish mumkin [7, 17]. Tilni davlatning eng muhim ijtimoiy-siyosiy masalasi darajasiga ko'tarilishida Fitratning alohida o'rni bor.

Ayonki, Abdurauf Fitrat 1909-1913-yillarda Turkiyada tahsilda bo'lib turganida Yosh turklar harakati ta'siriga beriladi. Shu ta'sir asosida Fitrat Turkiyadagi buxorolik yoshlar yordamida «Buxoro ta'limi maorif jamiyatini»ni tuzadi. Bu jamiyat maorifga doir muhim ishlarni amalga oshirdi. Allomaning milliy yozuvni yaratishga doir ilk qarashlari nazarda tutilgan davrda shakllangan, desak aslo xato qilmagan bo'lamiz. Fitrat o'z davrining ilg'or ziyolilari qatorida milliy yozuvni yaratish borasida faol ishtirok etdi. Uning bu sohadagi ilmiy-amaliy faoliyatini ikki davriy bosqichga ajratib ko'rsatish mumkin:

1) arab alifbosiga asoslangan eski o'zbek yozuvini isloh etish yo'lidagi faoliyati (1909-1923-yillar);

2) lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosini yaratish yo'lidagi faoliyati (1924-1929-yillar).

O'zbek tilining o'ziga xos xususiyatlarini mukammal bilgan Fitrat arab yozuvini isloh qilish muhimligini birinchilardan bo'lib tushinib yetdi. Malumki, o'zbek xalqi arab alifbosidan VIII asrning 20-yillaridan XX asrning boshlarigacha foydalanib keldi. Lekin shu uzoq tarixiy davr mobaynida unga aytarli biror bir jiddiy o'zgartirish kiritilmadi. Faqatgina bu borada Bobur ("Xatti Boburiy") risolasini qayd etish mumkin, xolos. Ushbu asar taxminan 1504-yillarda,

Boburning yigirma yoshlarida Qobulda bo‘lib turgan vaqtida yozilgan. Bobur biror o‘rinda mazkur xat turini qaysi maqsadda kashf etganligini yozmagan [8, 89].

“Milliy uyg‘onish” davriga kelib, arab alifbosiga muhim o‘zgartirish kiritish jarayoni boshlandi. Jadidchilar, chunonchi, Fitrat yozuv islohidan ko‘zlangan asosiy maqsadni aniq-tiniq ifodalashga harakat qildi: 1) o‘zbek xalqining savodlilik darajasini oshirish maqsadida arab alifbosini isloh etish kerak; 2) arab alifbosini o‘zbek tilining talaffuz me’yorlariga moslashtirish maqsadida uni o‘zgartirish shart; 3) eng muhimi, o‘zbek xalqining madaniyati va ma’rifati taraqqiyoti uchun xat turini isloh etish lozim.

Fitrat amalda bo‘lgan arab alifbosida xat-savod chiqarish qiyinligi va juda ko‘p vaqt hamda mehnatni talab etishini e’tiborga olib, aholining savodini osonroq va tez fursatda chiqarish, o‘qish va yozishni qulaylashtirish, o‘zbek tiliga xos xususiyatlarni yozuvda muayyan darajada aks ettirish, ushbu tilning talaffuz tabiatiga moslashtirish maqsadida bu yozuvni isloh etish kerakligini alohida ta’kidlaydi. Alloma ma’rifiy jasorat bilan yozuvni isloh etishga harakat qildi. Aynan XX asrning boshlarida bunday harakatning yuzaga kelishi quyidagi ijtimoiy-siyosiy sabablar bilan belgilanadi:

1. Bu davrga kelib, butun Turkiston xalqlarining ijtimoiy-siyosiy, manaviy va marifiy tafakkurida tub o‘zgarishlar yuzaga keldi. Jamiyatning eng ilg‘or fikrli qatlamlari shuurida milliy uyg‘onish tushunchalari shakllandi. Ularning qarashlarida milliy o‘zligini anglash mafkurasi eng asosiy o‘rin tutdi. Milliy mafkurani aholining barcha qatlamlariga singdirish zaruriyatini davr keltirib chirardi. Maqsadga erishish uchun esa maorif ishlarini keng ko‘lamda amalga oshirish kerak edi. Amaldagi arab yozushi o‘zbek tilining fonetik xususiyatlarini o‘zida to‘la ifodalay olmas va bu imloda, savod chiqarishda ko‘p qiyinchiliklar hamda murakkabliklar keltirib chiqarar edi. Bu xususda Fitrat shunday deydi: “Boshqalarning alifbolari, yozuvlari tartibli, intizomli, qulay. Bizniki tartibsiz, buzuq ham qiyin!” Savod chiqarishni yengillashtirish uchun esa arab grafikasiga ayrim fonetik o‘zgartirishlar kiritish lozim edi. Shunday qilib, keng omma uchun o‘zlashtirish va foydalanish oson, qulay bo‘lgan yozuvni yaratish masalasi kun tartibiga qo‘yildi.

2. Sobiq sho‘rolar hukumati o‘zining dastlabki davrida savodsizlikni tugatish ishlariga ayrim sabablarga ko‘ra etibor bilan qaradi, 1919-yil 26-dekabrdan savodsizlikni tugatish to‘g‘risida Dekret chiqardi. Shuningdek, Rusiya Sho‘rolarining Turkiston muxtor jumhuriyatida alifbo va imlo masalalarini tezroq hal qilish vazifalari belgilandi. Shundan so‘ng, “rasmiy ravishda arab alifbosini isloh qilish boshlandi: bu masala yuzasidan maxsus anjumanlar 1918-1923-yillarda Toshkent, Samarqand va Buxoro shaharlarida o‘tkazilgan” [1, 3].

Mazkur davrda o‘zbek ziylilari orasida arab yozuvining islohi masalasiga qarashlar turlicha edi. Munavvar qori Abdurashidxonov boshchiligidagi bir guruh ziylilar arab islohiga mutlaqo qarshi chiqdilar, alifboni hech bir o‘zgartirmay qo‘llashni davom ettirishni talab qilib chiqdilar. Ular “eski imlochilar” nomi bilan yuritildi. “O‘rta imlochilar” nomini olgan bir guruh ziylilar esa arab alifbosiga jiddiy o‘zgartirish kiritish shart emas, faqat o‘zbek tili fonemalariga harflar olish bilan cheklanish kifoya qiladi, degan fikrni ilgari surdilar. Fitrat boshchiligidagi “Chig‘atoy gurungi” qatnashchilari “Yangi imlochilar” guruhini tashkil etib, o‘zbek tilining fonetik xususiyatlaridan kelib chiqib, arab alifbosiga bir qator o‘zgartirishlar kiritishni va imlo qoidalarini shunga muvofiq o‘zgartirishni talab qilib chiqdilar. Ular masalaning mohiyatidan kelib chiqib, “Chig‘atoy gurungi” uyushmasi qoshida «Adabiyot to‘dasi», «San’at va teatr to‘dasi» kabilar bilan birga maxsus «Til va imlo to‘dasi»ni ham tashkil etdilar. Bunga dastlab Cho‘lpon, so‘ngra Elbek rahbarlik qilgan.

Fitrat arab yozuvining islohini amalga oshirish yo‘lida qatiy harakatlar qildi. Soha bo‘yicha o‘tkazilgan maxsus anjumanlarda o‘z fikr va qarashlarini maruzalarida bayon qilib o‘tdi. Uning 1921-yil yanvar oyi boshida o‘tkazilgan Turkiston Muxtor Jumhuriyati qurultoyidagi o‘zbek tilining imlosi xususidagi maruzasi, ayniqsa, katta ahamiyatga ega bo‘ldi. Fitrat arab yozuvini isloh qilish sabablari sifatida quyidagilarni ko‘rsatib o‘tadi:

1) arab yozushi o‘zbek tili nutq tovushlariga moslashtirilmay, arab alifbosida qanday bo‘lsa, o‘zbek tilida ham shunday holatda qo‘llanib kelinayotganligi. Malumki, arab alfaviti kam unlili va ko‘p

undoshli semit tillariga mo‘ljallangan. Arab yozuvi o‘zbek tilining fonetik xususiyatlarini to‘la ifodalay olmaydi. O‘zbek tilidagi unli tovushlarni yozuvda ifodalash uchun arab alifbosidagi belgi-shakllar etishmaydi;

2) arab tilida cho‘ziq va qisraligi bilan farqlanuvchi atigi uchta fonema bor: a, i, u. Yozuvda cho‘ziq unlilar ifodalanadi, qisra unlilar harakat bilan beriladi va yozuvda ular ko‘pincha ifodalanmaydi. Bu esa savod chiqarish ishlarida qiyinchilik tug‘diradi;

3) ayrim unli va undoshlar shaklining bir xilligi, ularning alohida belgi-shakllar asosida farqlanmasligi;

4) ayrim undoshlarning ikki xil (t, h,), uch xil (z) belgi-shakl bilan yozuvda ifodalanishi;

5) arab tiliga xos bo‘lgan chuqur bo‘g‘iz portlovchisi va sayoz bo‘g‘iz portlovchisini ifodalovchi ayn va hamza harflarining mavjud bo‘lishi;

6) turkiy tillar uchun, shu jumladan, o‘zbek tili uchun muhim ahamiyatga ega bo‘lgan unlilarning ingichkalik-yo‘g‘onlik, keng-torlik darajasini arab alifbosida berishning imkoniyati yo‘qligi.

7) arab alifbosidagi harflarning yozuvda to‘rt shaklda bo‘lishi.

8) arab yozuvi ko‘p undoshli va kam unlili semit tillariga moslashgan va shuning uchun ko‘p unlili turkiy (o‘zbek) tillar tizimiga mutlaqo mos emasligi.

Fitrat arab alifbosidagi bu kabi murakkabliklar, albatta, keng xalq ommasini ommaviy ravishda savodli qilish jarayoniga salbiy tasir ko‘rsatadi, deb o‘ylaydi. “Maorifimizni eski imlo va yozuv bilan kengaytmak mumkin emas. Maorifni kengaytmoq va savodsizlikni bitirmoq uchun imlomizni isloh etmak lozimdir” [4] – deb aytadi alloma. U arab yozuvini o‘zbek milliy tilining xususiyatlari va qonuniyatlarini hisobga olib soddalashtirish kerak, degan xulosaga keladi va masalaning yechimi sifatida o‘zining chuqur ilmiy asosga ega bo‘lgan taklif va mulohazalarini bayon qiladi. Ular quyidagicha:

1) arab yozuvini o‘zbek tilining tovush tizimiga moslashtirish, uni jonli talaffuz va so‘zlashuv tiliga yaqinlashtirish;

2) arab alifbosida oltita unli (o, a, u, o‘, i, e) bo‘lishi va yozuvda ularni alohida shakl-belgilari bilan ifodalash.

3) arab harflari ikki shaklda, yani alohida yozilish shaklida hamda so‘z boshida yozilishi shaklida bo‘lishi.

4) arab yozuvidagi bazi unli va undoshlar shakllari uchun alohida shakllar belgilash yoki hech bo‘lmaganda ularni farqlash uchun muayyan harakatlar orqali ifodalash.

Fitrat o‘zining ilgari surgan takliflarini har tomonlama izohlab, asoslab beradi. Arab yozuvidan xabardor bo‘lgan har bir kishi Fitrat mulohaza va fikrlarining naqadar to‘g‘riligiga iqror bo‘lishi turgan gap. Fitrat hamda boshqa taraqqiyparvar tilshunos olimlarning harakat va faoliyatları natijasi o‘laroq, 1922-yilda arab alifbosi rasman isloh qilindi. Shuni aytib o‘tish joizki, bu o‘zbek xalqining o‘n asrdan ortiqroq davr mobaynida foydalanib kelgan arab alifbosi bo‘yicha qilgan eng jiddiy islohoti edi.

Bu islohot o‘zbek adabiy tilining rivojiga katta ijobiy tasir ko‘rsatdi. Isloh etilgan yozuvdan harakatlar, se, zol, zod, itqi, izg‘i, ayn, hamza harflari chiqarib tashlandi, so‘zda unlilarning to‘liq yozilishi taminlandi. Arab grafikasining birinchi isloh qilinishi, o‘zbek adabiy tilini jonli talaffuz va so‘zlashuv tiliga yaqinlashtirish borasida birinchi qadam bo‘ldi. Fitrat takliflari alifbo islohotini joriylantirish jarayonida, asosan, inobatga olindi. Natijada arab yozuvi malum manoda milliylashtirildi. Olimning bu xizmatlari savod chiqarish jarayonida, maorif va mакtab ishida ancha qulayliklar yaratdi.

Jahon taraqqiyoti bilan hamnafas qadam tashlash va keng xalq ommasini ommaviy ravishda yana ham savodli qilish zaruriyatini ijtimoiy davr keltirib chiqardi. Shunga ko‘ra, arab alifbosi islohoti masalasi rasmiy hal qilinishi arafasida, ikkinchi tomonidan, o‘zbek ziyyolilari tomonidan 20-yillarning boshlarida lotin harflariga asoslangan yangi o‘zbek alifbosini yaratish g‘oyalari o‘rtaga tashlana boshlandi va bu yo‘nalishdagi harakatlar tezda jonlantirilib yuborildi. Turkiya va Ozarbayjondagi yozuvni o‘zgartirish jarayonlari bunga bevosita ijobiy tasir ko‘rsatdi. 1926-yil mart oyida Bokuda umumturkiyot imlo qurultoyi bo‘lib o‘tdi va unda mushtarak alifbo yaratish g‘oyasi ilgari surildi. O‘zbekistonda yangi alifboga o‘tish ishlari mahalliy jadidlarning xohish-istiklari va maqsadlariga to‘la mos kelganligi tufayli ular tomonidan bu ishlar jadal sur’atlar bilan amalga oshirib borildi. Mahalliy hukumat ham lotinlashtirish

jarayonlarini tezlatish, uni qisqa muddatda tugatish uchun harakat qildi.

Yuqorida qayd etilgan qurultoydan sal vaqt o'tmasdan, aniqroq qilib aytganda, O'zbekiston Markaziy qo'mitasi 1926-yil iyun oyida bo'lib o'tgan IV sessiyada o'zbek imlosini lotinlashtirish masalasini ko'rib chiqdi va Markaziy Ijroqo'm huzurida "Yangi o'zbek alifbosи qo'mitasi"ni tuzish to'g'risida qaror qabul qildi, lotinlashtirish ishlari bo'yicha Y.Oxunboboev raisligida yangi alifbo markaziy qo'mitasi tuzildi va uning hay'ati a'zoligiga Akmal Ikromov, Fayzulla Xo'jaev, Hoji Muin Shukrullaev, G'ozi Olim Yunusov, Otajon Hoshimov, Fitrat, Elbek, Botu kabi o'z davrining ko'zga ko'ringan davlat rahbarlari, til, adabiyot, tarix mutaxassislari va badiiy ijod namoyandalari saylandi.

Fitrat lotin alifbosiga ko'chish masalasi bo'yicha bo'lib o'tgan bir qator maxsus anjumanlarda qatnashib, ularda maruzalar qildi, matbuotda maqolalar bilan chiqdi. U o'z maruzalari va maqolalarida "arab harflarining turk tillariga yaramaganligi" to'g'risida fikr bildirib, lotin alifbosiga ko'chishning afzalligi va ahamiyatini ko'rsatib o'tdi. Yangi alifboni yaratish jarayoniga faol ishtirok etdi.

O'zbek yozuvini arab grafikasidan lotin grafikasiga o'tkazish haqidagi dastlabki qaror 1929-yil 15-23-may kunlari Samarqand shahrida bo'lib o'tgan respublika konferensiyasida qabul qilingan. Bu anjuman xulosalarida singarmonizm o'zbek adabiy tili uchun xos hodisa deb topildi, alifboga 9 ta unli uchun alohida harflar kiritildi va shu asosda imlo qoidalari ishlab chiqildi. Konferensiyaning faol ishtirokchisi Botu «Til va imlo konferensiyasi yakunlari» (1929) maqolasida bu to'g'rida quyidagilarni yozadi: «Imlo tuzishda savtiy va sarfiy prinsiplar qabul qilindi, o'zbek tilida singarmonizm birligini e'tirof etish bilan masalaning muhim qismi yechildi».

O'zbek xalqining yangi alifboga o'tish hodisasi madaniyat va maorif sohalarini ancha taraqqiy ettirishga sabab bo'lgan ijobjiy hodisadir. Albatta, bunda Fitratning o'z o'rni bor. U juda millatparvar edi, o'zbek tilining milliy til darajasiga ko'tarila olishi uchun jamiyatining barcha talablariga javob beruvchi mukammal yozuv tizimi bo'lishi lozimligini teran anglab yetgan. Allomani purist sifatida baholash mumkin, u butun umri davomida o'zbek tilining sofligi,

milliyligini saqlab qolish uchun, uni boshqa tillarning tazyiqidan himoya qilish uchun kurashib keldi. Uning bunday faoliyati yozuv masalasida ham o‘z ifodasini topgan edi. Fitrat yetuk tilshunos olim edi, uning maqsadi o‘zbek xalqi uchun mukammal alfavit yaratish edi. Mukammal alfavitda esa har bir harf faqat muayyan bir tovushni ifodalashi, bir tovush faqat muayyan bir harf bilan ifodalanishi lozim. U shunday alifbo tuzish yo‘lida tinmay harakat qildi.

Umuman, Fitrat o‘zbek tili alifbosi tarixida mazkur masalani hal etish yo‘lidagi hamda amalda joriylantirish borasidagi ishlari bilan munosib o‘ringa egadir. Alloma bir umr o‘zbek tilining ijtimoiy-siyosiy huquqini tiklash yo‘lida amaliy harakatlar qildi. U millatni g‘ururli va iftixonli qilib shakllantirishda til eng muhim vosita ekanligini yaxshi anglatdi. Fitrat til va yozuv masalalariga alohida e’tibor bilan munosabatda bo‘ldi, arab yozuvini o‘zbek tili tarixida ilk marta jiddiy isloh qilishda, lotin grafikasiga asoslangan yangi o‘zbek alifbosini joriy etish jarayonlarida faol ishtirok etdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

- [1] – Abdullayev U. Hamrohim. – Toshkent: Fan, 1996.
- [2] – Абу Бакр. Тил масаласи. // Бухоро ахбори. -№ 46. 1921 йил 20 июль.
- [3] – Жамолхонов X., Сапаев Қ. Имло муаммолари. –Т.: 2007. -198 б.
- [4] – Imlo haqida birinchi kengash o`ltirishi // Qizil bayroq. 1921 yil 1-yanvar.
- [5] – Маҳмуд Субоҳ. Тил масаласи. Ҳукумат тили – шу ҳукуматнинг хўжаси бўлган халқнинг она тилидир // Бухоро ахбори. -№ 107. 1922 йил 2 ноябрь.
- [6] – Муҳиддинов А. Тилимиз ва маориф назорати // Бухоро ахбори. - № 35. 1921 йил 10 май.
- [7] – Раҳмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари – Бухоро тарихини ўрганиш манбаси: Тарих ф. н. дисс. автореф. –Т.: 2009. – 32 б.
- [8] – Saidov Y. O`zbek adabiy tili tarixi (Darslik). -Buxoro: Durdona, 2021. -407 b.
- [9] – Фитрат. Тилимиз. Танланган асарлар. V жилдли. (нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев). –Т.: Маънавият, 2006. IV жилд. –Б. 124-129.
- [10] – Қурбонова М. Фитрат – тилшунос. –Т.: 1995.



“ABULFAYZXON” – BIRINCHI O‘ZBEK TRAGEDIYASI

F.f.d., professor Ilhom G‘ANIYEV, Xalqaro Yassaviy mukofoti laureati

Annotatsiya. Ushbu maqolada Sharq allomasi Abdurauf Fitratning “Abulfayzxon” piessasining birinchi o‘zbek tragediyasi ekanligi nazariy jihatdan isbotlab berilgan hamda undagi tarihiy haqiqat va badiiy to‘qima, obrazlar sestemasi tragik pafos ijodkor falsafiy konsepsiysi bilan bog‘liq holda tahlil talqin etilgan.

Kalit so‘zlar: dramatik tur, tragediya, pafos, janr, konsepsiya, obrazlar sestemasi, parda, remarka, ramziylik.

Agar A.S.Pushkinning “Boris Godunov”i Rossiya tarixidagi eng murakkab, qonli voqealarni yoritsa, Fitratning “Abulfayzxon” tragediyasida ashtarxoniyalar sulolasining (1597 – 1747) so‘nggi vakili Abulfayzxon davri (1711 – 1747) Buxoro o‘lkasining fojeaviy ahvoli tasvirlanadi.

O‘z ukasi Ubaydullaxonnni turli fitnalar vositasida qatl ettirib, Abulfayzxon Buxoro taxtini egallaydi. Taxt uchun shubha va ta‘qib vasvasasiga berilib, o‘z yaqinlari, hatto qarindosh-urug‘larini qirishdan, zindonband etishdan qaytmaydi. U o‘zining 37 yillik hukmronlik davrida Buxoroning qanchadan-qancha begunoh farzandlarining qonini to‘kadi. Oqibatda, mamlakat ichkarisida o‘zaro feodal urushlar, fisqu fujur urchib, nizolar keskin ko‘payib Buxoro o‘lkasi butunlay vayronagarchilikka yuz tutadi.

Mamlakatning ichki ixtiloflaridan Abulfayzxon hokimiyatining kuchsizlanganini sezgan, o‘ta makkor Eron hokimi Nodirshoh bunday “qulay” vaziyatdan foydalanib, Buxoroning o‘zidan Hakim biy va uning o‘g‘li Rahimxondek ayg‘oqchi topib, o‘lkaga bir necha marta hujum qiladi. Natijada, Buxoro tobe, vassal bir o‘lkaga aylanadi.

O‘zining shubhayu vasvasalariga o‘ralib, yaqinlarini qirg‘in qilish bilan qobig‘iga o‘ralib qolgan Abulfayzxon Eron bosqinchilariga qarshi kuch to‘play olmaydi. Elimizcha aytganda, birlashish o‘rniga hokimiyatni to‘rt tomonga tortish boshlanib ketadi.

Dramaturg Abulfayzxon obrazini tasvirlarkan, uning bunday holatga tushishi, qotillik ustiga qotillik yovuz bir kuchga aylanib borishini zo‘r psixologik tahlil vositasida ishonarli tasvirlaydi.

Abulfayzxon zamonida qotilliklar, siyosiy boshboshdoqliklar-ning bosh sababi deb Fitrat feodal istibdod jamiyati sistemasi va uning mafkurasini badiiy talqinlar oqrali ko'rsatadi.

Adabiyotshunos E.Karimov to‘g‘ri qayd etganidek, Abulfayzxonning asossiz qatlari undagi qandaydir hayvoniy shafqatsizlik bilan bog‘liq emas, u hatto yumshoq tabiatli, qat’iyatsiz, irodasiz kishi. Feodal hokimiyatining g‘ayriinsoniy mohiyati uni qonxo‘r va qattolga aylantiradi”.

“Hoqonimizga ma’lumdirkim, - deydi Abulfayzxonning nadim maslahatchisi Ulfat, - podshohlik qon bilan sug‘orilaturgan bir yog‘ochdir. Qon oqib turmag‘on yerda bu yog‘ochning qurib qolishi aniqdir”. Ulfatning bu so‘zlari Abulfayzxon hokimiyati va hayotining shioriga aylangan.

Alaloqibat, qotillik, kuch vositasida taxtni egallagan Abulfayzxon Rahimxon tomonidan o‘ldiriladi. Abulfayzxon o‘z qilmishlarining qurban ni bo‘ladi. Bu, V.G.Belinskiy aytmoqchi, tragediya uchun xos bo‘lgan, taqdirning shubhasiz qurban talab qilishidir.

Tragediya janrining o‘ziga xos xususiyati shundaki, voqealar rivoji pirovardida qahramonlarning halokatini tug‘diradi. Biroq, fojea-o‘lim bilan tugashlik tragediyaning bosh xususiyati emas. Bunda qahramonning o‘limi ziddiyatlarning keskinligidan, murosasiz kurash jarayonidan, xarakterlarning bir-biriga qarshiligidan kelib chiqadi. “Abulfayzxon”dagi konflikt ham ana shunday keskin, chuqur va kelishtirib bo‘lmaydigan tragik xarakterga ega. Abulfayzxon saltanatining inqirozi va halokatining bosh sababi ham uning ijtimoiy taraqqiyotning o‘zi inkor qilganligida. Demak, zamonning o‘zi bu hokimiyatni ham, uning sardorini ham yo‘qqa chiqarmoqda (o‘limga mahkum etmoqda!) Biroq Abulfayzxonning o‘limi faqat saltanatning intihosi bilan bog‘liq emas. Bu o‘limning sabablaridan biridir, xolos. Ayni paytda hukmdor qalbidagi keskin kurash, ichki ziddiyat, undagi qo‘rquv, ojizlik, vahima o‘limni keltirib chiqarmoqda. Belinskiy ta'biri bilan aytganda: “Tragediya mazmunining mohiyati va o‘sishi uning qahramonining o‘z-o‘zi bilan ichki kurashuvidir. Dramaturg Abulfayzxonning o‘z-o‘zi bilan ichki kurashuvi jarayonini shunday tasvirlaydi:

XON. (yolg‘uz) Shul tiriklikdan-da bezdirdilar meni (turib yuradir). Bir dushmanni qoni qurimoyin yana bittasi chiqib qoladir. Bu Ibrohim ahmoq meni tinch qo‘ymayturg‘ondek ko‘rinadir. Qachongacha o‘ldiraman bularni. Ortiq hech kimning menga ishonchi qolmadi... Bunlarning o‘zi yo‘lga kelib, menga dushmanlik qilmoqni tashlasa, nima bo‘lur! Yo‘q... yo‘q. Bunlarning o‘zi yo‘lga kelmaydir. O‘ldiraman, o‘ldiraman. Dunyoda bitta dushmanim qolmag‘oncha qon to‘kaman. Ulfatning so‘zi to‘g‘ri, podshohlik qon bilan sug‘orilaturgon bir og‘ochdir”.

Saltanatning halokati xon o‘limini tezlashtiradi. Agarda hokimiyati yashayverganida ham ichki kurash Abulfayzxonni, shubhasiz, halokatga olib borgan bo‘lurdi.

Lekin asar xonning o‘limi bilangina tugamaydi. Shohlik, feodal hokimiyat mafkurasi Abulfayzxonning 15 yashar o‘g‘li Abdulmo‘minxonning ham boshini yeydi. Qotilliklar, qon to‘kishlar uzliksiz davom etadi. Muallif bu bilan hokimiyat rahbarlari o‘zgarsada, sulolalar o‘zgarsa-da, feodal mafkura, kuchga asoslangan tuzumning mohiyati o‘zgarmasligini ta‘kidlaydi.

“Agarda qonxo‘rliklar, xanjar, zahar tragediyaning odatdagи sifatlari bo‘lmasa ham, - deydi V.G.Belinskiy, - lekin uning oqibati har vaqt qalbning eng qimmatli umidlarining yemirilishi, butun bir hayot saodatining yo‘qolivudir”. “Abulfayzxon”da qirg‘inlar, bosqinchiliklar, fisqu fujur oqibatida “butun bir hayot saodatining yo‘qolganligi” Xayol ramziy obrazi tilidan aytildi:

“Xayol. (taxtga qarab). Ey qora kuch, ey qurib ketgur taxt. Hech gunohi bo‘lmaq‘on bolalardan, tog‘ kabi yigitlardan milyonlari sen uchun qurban bo‘lib ketarlar. Insonlar tomonidan yaratilgan minglarcha tangrining – eng buzuqboshi, eng shumi. Ey, qop-qora saodat sensan...”

Voqealar shiddatli pardadan-pardaga avj olib borgan sari Abulfayzxonning xarakteri va ijtimoiy vaziyat konfliktni o‘tkirlashtirib boradi. Endi bunday konfliktning oldini olish mumkin emas, u halokatga mahkum etadi. Abulfayzxon uch tomonidan eziladi: birinchidan, nohaq qatl etilganlarning xayoli, ikkinchidan, mustabid siyosatga ko‘nikolmagan saroy ahllarining noroziligi oqibatida shubhakorlik, uchinchidan, Qarshidan qandaydir “sirli” qaytgan

Nodirshoh yana Buxoro ustiga qo'shin tortib, Amudaryodan o'tgan. Hakim biy boshchiligidagi bir hovuch shuhratparast, hokimiyatparastlar Nodirshoh bilan til biriktirib, Abulfayzxonning taxtiga hamla qilayotir. Konflikt keskinlashib, voqealar va xarakterlarni halokatga olib boradi. Chunki "konflikt – dramaning dialektikasi, qarama-qarshiliklar birligi va kurashidir".

Abdurauf Fitrat "Abulfayzxon"da tragik voqealarni oldindan puxta o'ylangan, aniq xotimaga qarab harakatlantiradi va qahramonlarning qalb, xarakteri ana shu harakatlardan ochila boradi. Tragediyada kompozisiya chuqur o'ylangan, pishiq, voqealar hayajonli va qo'rqinchli, bir zanjirga tizilgan, mantiqan bir sahna ikkinchisini to'ldirib boradi, dramatik to'qnashuvlar, kolliziyaga boy, intriga kuchli va original.

Lekin Fitratning "Abulfayzxon" tarixiy fojeasini tragediya janrining talablariga to'la javob bera olmaydi, deguvchilar ham bo'ldi.

Adabiyotshunos R.Mustafoqulov "O'zbek adabiyotida tragediya janrining taraqqiyoti" deb nomlangan kandidatlik dissertasiyasida yuqoridagi da'veni ilgari surib, yozadi. "Bizningcha bu asarda ("Abulfayzxon"da demoqchi – I.G'.) muallifning dramaturg sifatidagi mahorati so'nggi nuqtagacha (?), namoyon bo'limgan xususan, xarakterlarni gruppabay bilmaslik (?), syujet zanjirining yo'qligi (?) va kolliziyaning silliq, asta-sekin rivojlanishi (?) asarning tragediya namunasi bo'lishiga xalaqit bergen".

Bu da'vening tug'ilishiga sabab R.Mustafoqulov "Abulfayzxon"ni chuqur va atroficha tahlil qilmasligida va tragediyaning murakkab falsafiy mohiyatiga yuzaki qaraganligidadir. U "xarakterlarni gruppabay bilmaslik" deganda nimani ko'zda tutayotganligi noaniq, balki ijobiy obrazlarni bir qolipga, salbiylar va murakkab deb shartli atalguvchi obrazlarni toifaga ajratishni ko'zda tutgandir. Holbuki, Fitrat "Abulfayzxon"da har bir xakterning o'ziga xoslik tomonlarini personajlarning ichki, ruhiy dunyosini ochish bilan ko'rsatadi. Shuning uchun Nodirshoh Abulfayzxonga Ulfat Hakim biyga, Rizoquli Davlatga o'xshamaydi. "Syujet zanjirining yo'qligi ham asossiz. Fitrat tragediya uchun zarur shartlardan biri bo'lgan voqealarni bir-biriga mahorat bilan uyg'unlashtiradi. Aristotel' aytmoqchi, yaxlitligini ta'minlaydi.

“Abulfayzxon”, - deb fikrida davom etadi R. Mustafoqulov, - kuchli, mukammal, o‘z maqsadlarini oshirish yo‘lida (yovuz maqsadinimi? - I. G‘.) qo‘rmas kurashchi sifatida tasvirlanmagan, bu hol tragediya janri uchun xarakterlidir.

Buning bosh sababi – muallif tomonidan tarixiy faktlarda haddan ortiq nusxa olish (kopirovanie), voqealarini, jumladan, qahramonlarni qanday bo‘lsa, shundayligicha tasvirlashdir.

Tarixiy haqiqat badiiy haqiqat darajasiga ko‘tarilmaydi. Pyesa finalida u (Abulfayzxon - I. G‘.) oddiy, bo‘sh, mayda bo‘lib qoladi...

Shuning uchun ham Fitratning yuqorida aytib o‘tilgan asarlari (“Chin sevish”, “Hind ixtitolchilari”, “Abulfayzxon”- I. G‘.) tragediya yaratish yo‘lidagi bir urinish, tajriba sifatida qaralmoqda”.

R. Mustafoqulov Abulfayzxon obrazini “Qo‘rmas kurashchi sifatida tasvirlanmagan” degan da‘vosi tragediya janr xususiyatlari, spesifikasini hisobga olmaslik oqibatidir. Tragediyaning bosh qahramoni, albatta, “qo‘rmas kurashchi”, “kuchli” bo‘lishi shart emas. “Ba’zan kolliziya, insonning tabiat bilan taqdir unga belgilagan o‘rin munosib emasligi natijasida, insonning soxta vaziyatidan iborat bo‘lishi mumkin”. Tragediya inson hayotidagi eng qaltis, eng shiddatli, halokatli holatlarga e’tibor berar ekan (Izzat Sulton) bu “halokatli”, “qaltis” vaziyatni faqat “kuchli”, “qo‘rmas kurashchi” yaratmaydi. Abulfayzxonga o‘xshash irodasiz, qat’iyatsiz, shubhachi va lekin qattol shaxslar ham yaratishi mumkin.

“Tarixiy faktlardan haddan ortiq ko‘chirma olish”ga kelsak, Fitrat tarixiy hujjatlardan mahorat bilan foydalana olganki, hatto yuz sahifaga sig‘ishi mumkin bo‘lgan o‘tmishning real voqealarini bir gapda, goho bir abzasda, goh personajlarning monolog, dialoglari vositasida san’atkorlarcha tasvirlagan. Masalan, Abulfayzxoning o‘z akasini o‘ldirganligi voqeasi xonning o‘z og‘zidan chiqqan “akamni o‘ldirdim” – bir jumla bilan ifodalangan. Holbuki, Abulfayzxoning akasi Ubaydulloxonni o‘ldirish voqealari Mir Muhammad Amin Buxoriyning “Ubaydullonom”si, Abdurahmon Tole’ning “Abulfayzxon tarixi”da yuzlab sahifalarni tashkil qiladi .

Fitratning “Abulfayzxon”ini R.Mustafoqulov o‘zbek adabiyotida “tragediya yaratish yo‘lidagi bir urinish, tajriba” deb mazkur janrning birinchi mukammal namunasi sifatida Maqsud Shayxzodaning

“Jaloliddin”ini (1944) ko‘rsatadi. O‘rni kelganda shuni ham aytish joizki, M.Shayxzodaning “Mirzo Ulug‘bek” tragediyasidagi Piri Zindoniy bilan “Abulfayzxon”dagi Ibrohimbiy obrazlari o‘rtasida mushtaraklik bor. Ibrohimbiyning to‘g‘riso‘zligi, jur'atini o‘n yillab azobi yengolmagan bo‘lsa, Piri Zindoniyning adolatparvar, haqiqatgo‘yligini qirq yillik hibs bukolmaydi.

Demak, Fitratning “Abulfayzxon”i XX asrning 20-yillarida o‘zbek adabiyotida yaratilgan birinchi milliy tragediyadir.

Foydalangan adabiyotlar ro‘yxati:

[1] – Мустафоқулов Р.Развитие жанра трагедии в узбекской драматургии. Дисс. Канд.наук. Ташкент, 1990.

[2] – Каримов Э. “Абулфайзхон” тарихий фожеаси ҳақида. “Шарқ юлдузи”, 1989, 1-сон, 81-бет.

[3] – Фитрат. Абулфайзхон. “Шарқ юлдузи”, 1989, 1-сон (бундан кейинги мисоллар мазкур нашрдан олинади)

[4] – Белинский В.Г. Танланган асарлар. Тошкент; ЎзССР Давлат нашриёти, 1955, 149-бет.

[5] – Владимиров С. Драматург и современность. М.: Л., 1962. с.75

[6] – Мустафоқулов Р.Развитие жанра трагедии в узбекской драматургии. Дисс. Канд.наук. Ташкент, 1990. С.54-55.

[7] – Белинский В .Г. Танланган асарлар. Тошкент: ЎзССР Давлат нашриёти, 1955, 196-бет.

[8] – Мир Мухаммад Бухари. Убайдулла-наме. Перевод сперс.-тадж. С примечаниями. А.А.Семёнова. Ташкент, 1957; Абдурахман-и Талиъ. Истории Абулфайз-хана. Ташкент: Изд.АН УзССР, 1959.



ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ САНЬАТ ФАЛСАФАСИ ҲАҚИДА

*DSc., доцент Ҳулкар ҲАМРОЕВА, Ўзбекистон давлат
хореография академияси*

*PhD Тўмарис БУТУНБАЕВА, Ўзбекистон давлат хореография
академияси катта ўқитувчиси*

Аннотация. Мазкур мақолада жадид маърифатпарварларининг театр, мусиқа ва рақс санъатининг фалсафий – эстетик моҳияти ҳақидаги фикрлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: мусиқа, Беҳбудий, ўтмиш, анъана, театр, Фитрат, қадрият, тамойил, жадид, маданий мерос, санъат, рақс, маънавий тарбия.

Тафаккур ва туйғу уйғунлигининг абадият ҳамда узлуксизлик қонунияти сари интилишида ҳақиқий илмий кашфиётлар, бебаҳо санъат асарлари яратилади. Вақт ўтган сайин табиий равишда уларнинг янги-янги қирралари очилади, бекиёс имкониятлари янгича кўринишида намоён бўлади. Мухҳтарам Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисида тўғри таъкидлаганидек, “Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролиқ жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир” [1].

XX аср бошида Маҳмудхўжа Беҳбудий раҳнамолик қилган Туркистон жадидлари миллат тарихини англаш ва ёшларга Англатиш, маданий меросни, улуғ аждодларни, миллий қадриятларни билиш ва идрок этиш, миллат маънавияти ва маърифатини юксалтириш масалаларида инсоният тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир, бутунлай янгича ғояларни илгари сурдилар. Орадан 100 йилдан кўп вақт ўтган бўлса-да, бу ғоялар ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Бугунги кунда ҳам уларнинг янги-янги қирралари очилмоқда.

Р.Шариповнинг фикрича, “Жадид зиёлилари ўз олдида турган асосий вазифа келажакда ўзбек халқини фожиали оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган руслаштириш сиёсатига

қарши курашиш, ёш авлодда миллий тил, тарих ва маданиятга хурмат туйғусини тарбиялаш, миллий урф-одатлар ва санъат турларини сақлаб қолиш ва яқин келажакда амалга ошиши лозим бўлган мустақиллик ҳақидаги орзуларни ёшлар шуурига сингдириш эди” [10, 30]. Миллатни фожиадан асрарнинг ягона йўли сифатида жадидлар “ёш авлодда миллий тил, тарих ва маданиятга хурмат туйғусини тарбиялаш, миллий урф-одатлар ва санъат турларини сақлаб қолиш”га қаттиқ киришадилар.

Беҳбудий “Мұхтарам ёшларга мурожаат” мақоласида миллат истиқболи учун маданият ва маърифат қудратли куч эканлигини таъкидлайди: “барчамизга офтоб каби равshan ва аёндурки, макотиб – тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввал, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб қўпайтурмагунча тараққий йўлиға кируб маданиятдан фойдаланмас. Маданияти ҳозирадан маҳрум қолуб, саноэъ ва маориф салоҳи ила қуролланмаган миллат эса, дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас, “Муборизаи ҳаёт” майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур, диний, иқтисодий ишларда ўзгаларнинг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини ҳам қўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила охири маҳв ва нобуд бўлуб кетар” [4, 176].

Миллат тарихининг ғоят оғир ва мураккаб бир даврида яшаб, ижод қилган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “макотиб – тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур” деган сўзларининг замирида катта ҳаёт ҳақиқати мужассам. Улуг алломанинг “Падаркуш” драмасида ҳам маданият ва саодатнинг калити билим эканлиги таъкидланган. Унда инсон билан жамият, инсон билан муҳит, характерлар билан характерлар, инсоннинг ўзи билан ўзи ёхуд яшаш тарзи билан унинг хаёли, орзуси ўртасида кечган кураш ишонарли тасвирланган бўлсагина, у ҳақиқийсаҳна асарига айланади. Драма – инсон қалбида яширинган ҳиссиётлар, кечинмалар, гумонлар ва тушунчаларнинг жонли қиёфалардаги аксидир. Профессор Б.Қосимовнинг фикрича, “Падаркуш” – ўзбек драмачилигининг ҳамма яқдил эътироф этган биринчи намунасиdir. Мутахассислар уни ҳам жанр, ҳам мазмунига кўра янги ўзбек

адабиётини бошлаб берган бир асар сифатида баҳолайдилар.” [6, 220]

Таниқли немис олимаси Ингеборг Балдауф “Маҳмудхўжа Беҳбудий Фаластинда” мақоласида маърифатпарвар олимни миллат фидойиси сифатида улуғлайди: “Халқнинг илмга чанқоқлигини қондириш мақсадида Беҳбудий бир қанча илмий-оммабоп жуғрофий китоблар ва Туркистоннинг табиий харитасини чоп этди. Кўплаб ўқув материаллари, ўқиш китоби ва диний китоблар, мактуб ёзиш қўлланмасини яратди” [7, 260].

Маҳмудхўжа Беҳбудий наздида: “Мактаб – таълимнинг, театр тарбиянинг ўчоғидир”. Сўзни қисқаси, теётр хоналари масхарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур. Ва анда мушаххис бўлатургонлар “ўюнчи ва масхарабоз” бўлмай, балки мушаххис ва муалими ахлоқурлар. Тараққий қилган халойик орасинда мушаххислар ҳам кибор ва муҳтарам синфлар қаторинадур. Хусусан, ўз киссаси нафъиға мушаххислик қилмай, балки мактаб ва ўз миллати нафъиға мушаххислик қилганларни қадри дуболо зиёдадур” [4, 176], дейди. Дарҳақиқат, жамият янгиланаётган, миллий ва умуминсоний қадриятлар тикланаётган, Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган бизнинг кунларимизда илм-фан, маданият ва санъат таълим-тарбиянинг энг устувор воситасига айланди.

Реал борлиқни янгича идрок қилиш орқали маданият ва санъатнинг тарбиявий аҳамиятини англаш, бу борадаги мавжуд муаммолар илдизларини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “Илм-маърифатсиз ҳеч бир миллат... ҳаёт майдонида тура олмас. Хоҳ у миллат ҳоким ва хоҳ ул миллат маҳкум бўлсин, илм-маърифатдан маҳрумлиги у учун бошқа санъат ва ҳунар тожи бўлган миллатларнинг оёғи остида эзилурға мажбурдирлар. Бой бўлган миллат албатта дунёда яшай оладур. Ҳунарли ва бой бўлмоқ учун нима лозимдур? Албатта, илм ва маърифат лозимдур.” [4, 73]

Буюк маърифатпарвар жадидларнинг маънавий-маърифий гояларини ўсиб келаётган ёш авлод онгу-шуурига сингдириш орқали уларнинг она - Ватанга меҳри, садоқати, эртанги истиқболига ишончи мустаҳкамланади. Муҳтарам

Президентимиз тўғри таъкидлаганлариdek, «Улар “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-хунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар. Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрат домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашуралি Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна кўплаб улуғ инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турдилар. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараси ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этдилар. Минг афсуски, жадид боболаримиз ўз олдига кўйган эзгу мақсадларни тўла амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Маърифат фидойилари ўша даврдаги турли жоҳил кимсаларнинг тухмат-маломатларига дучор бўлдилар. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилди. Шу тариқа миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди” [3].

Инсон онгу-шуурида гўзаллик ва эзгуликка муҳаббат, нафоасатга ҳавас уйғонишида, илк болалик тасаввурларининг бадиий-эстетик қадриятларга айланишида, асосий маънавий-тарбиявий куч сифатида ривожланишида мусиқа маданиятининг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Руҳан юксалиш, маънавий комилликка эришишда ҳам мусиқанинг таъсир қурдатини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Маърифатпарвар жадид олимлари ўсиб келаётган ёш авлод камолоти учун таълим ва тарбияни уйғунликда олиб бориш шарт, деб ҳисоблашган. Зоро, уларнинг ибратли ҳаёти, кўп қиррали фаолияти бизнинг авлодларимиз учун мактаб вазифасини ўтамокда. Хусусан, профессор Абдурауф Фитратнинг мусиқа санъати ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамият касб этади.

Асрий анъаналарга эга ўзбек мусиқа санъатининг кўхна илдизларини, шакланиш босқичларини, ранг-баранг ижрочилик

услубларини ўрганишда, илмий нұқтаи назардан таҳлил қилишда Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек мусиқаси тўғрисида” номли рисоласи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Айниқса, маърифий-тарихийлик тамойилига эга ўзбек халқ қўшиқларининг куй, оҳанг ва тузилмалари ниҳоятда теран ва бетакрордир. Уларда миллат тарихи, қадриятлари мужассам. Буюк маърифатпарвар олим тўғри таъкидлаганидек, “Биз, ўзбеклар ўз мусиқамизнинг жудаям бой экани тўғрисида кўп гапирдик. Ҳам гапириб турамиз. Бу ишимиз ёмон эмас. Албатта, у бир мусиқаки, ёлғиз ўзининг классик қисмида уч юздан ортиқ куй сақлаган. Бир мусиқаки, бу кун ўн бешга яқин чолғунинг эгасидир. Бир мусиқаки, ўзининг текширишга лойик назарияси, усули бор. Уни мақтаганлар, албатта, тўғри сўзлайдилар” [5, 240].

Инсониятнинг соғлом яшаши, соғлом фикрлаши, эзгулик ва ва гўзалликка интилишида ҳам мусиқа маданияти ва рақс санъати пойдевор вазифасини ўтайди. Мусиқа оҳанг ва куйлар, рақс эса ҳаракатлар ва имо - ишоралар орқали инсоннинг макон ва замон, табиат, жамият ва ҳаётга, келажакка муносабатини, руҳий кечинмаларини, ору-умидларини бадиий ифодалайди. Бу ифодаларда юрт, табаррук тупроқ ва муҳит билан боғлиқ инсон умрининг турли-туман қирралари, ҳис-туйғулари ва ички изтироблари акс этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори маънавий-ижтимоий соҳада дастуриамалга айланди. Унда “ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъододларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш” [2] масаласига алоҳида эътибор берилган.

Миллий ўзлик, ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим восита ва мезонлар қаторида миллий мусиқа ва рақс тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида ўрин тутади. Профессор Абдурауф Фитратнинг фикрича, “Ўзбек мусиқасининг асосларини белгилаш, уни ташкил этган унсурларни аниқлаш, кечирган даврларни, бутун сабаблари билан очиқ тайин этиш ва натижада

объектив, илмий хулоса чиқариш, ўзимиздан олим мусиқашунослар етишмагунча мумкин эмас. Шу билан баравар, бизда олим мусиқашунослар йўқ деб, миллий мусиқа соҳасида илмий ва тарихий татаббуъотга киришмасдан туралмаймиз, мумкин бўлған даражада бу соҳада ишлаш, тўпланған ва ишланган маълумотларни матбуотға чиқариш лозимдир. Ҳозир тўпланған материалларда илмий усул ёғидан камчиликлар бўлса бўлур, лекин ўз вақтида тўпланған бу материаллар келгусидаги илмий ишлар учун қўп ёрдам берур, биз бунга ишонамиз” [5, 244].

Маънавият ҳар қандай мамлакат ва халқни юксакликка кўтаради, унинг тараққиёти учун асос бўлади, порлоқ истиқбол учун ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида ишонч уйғотади. Шунинг баробарида дунёни жаҳолатдан, уруш можароларидан, диний қарама-қаршиликлардан асрар, қутқариб келган, бундан кейин ҳам маънавият ўзининг энг асосий таъсир кучини сақлаб қолади. Ижодий-илмий изланишларга кенг йўл очилган, яъни илм ва ижод аҳлини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг ҳаёт синовидан ўтган воситаларини ишга сола олган давлат ва мамлакат истиқболи порлоқ бўлиши тарихдан маълум. Абдурауф Фитрат куйларнинг уйғунлиги, бир-бирига таъсири, ижро этиш усуллари ҳақида сўз юритади ҳамда мусиқа ижтимоий ҳодиса сифатида инсон дунёқарашини ўзгартиришда ҳам катта имкониятларга эга, деган фикрга келади. Унинг бу асари нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон мусиқашунослиги тарихида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Одатда, мусиқа санъатининг асл моҳиятини белгиловчи омиллар муайян шаклларда ўз ифодасини топади.

Худди мусиқа ва оҳанг каби рақс санъатининг ҳам инсон камолоти, руҳий ва ҳиссий оламига таъсири бекиёсdir. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг тасаввурлари, борлиқни онгли равишда идрок этишида, унинг маънавиятини юксалтиришда миллий рақс санъати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Профессор Фитратнинг фикрича, “Гўзал санъатлар” тарихини текширгучи олимларнинг кўплари гўзал санъатларнинг, шу жумладан мусикийни-да, “дин ҳам диний туйғуларнинг таъсири билан

майдонға чиқиб, күб вақтлар шул дин таъсирида, диний бир нарса бўлуб қолған” деб ўйлайдирлар. Бизга бу даъвони бирдан қабул этмак қулай бир иш бўлмаса керакдир. Биринчи йўла шуни қабул этишимиз керакким, гўзал санъатларнинг энг бурунгиси ўйун (рақс) нинг энг бошланғич, энг содда шакли бўлған сакраб ўйнамоқларни хайвонлар орасида кўрмак ҳам мумкиндири. Инсонларда гўзалликни севиш туйғуси кўтарила борған сари “рақс”нинг ҳам гўзаллашиб, кўтарилиб бормоғи табиийдир. “Рақс”нинг гўзаллашмаги, кўтаришмаги, ундағи ҳаракатларнинг тартиб, интизом, оҳангга бўйсунишидир” [5, 244].

“Гўзаллашмаги, кўтаришмаги, ҳаракатларнинг тартиб, интизом, оҳангга бўйсуниши” туфайли миллионлаб томошабинларни ўзига ром этадиган миллий рақсларимиздан бири “Хоразм Лазгиси”дир. Инсон қалбини яшин тезлигида ҳиссиётга буркаб, ўзи яратган ҳиссиёт мавжларида ғарқ бўлганча, бошқаларни ҳам ўз домига тортиб олади. Беихтиёр “Лазги” жўшқинлиги, эҳтироси, ундағи гўзал ҳаракатлар инсоният яратилиши, унинг ҳаётсеварлигини ўзида акс эттириши қаторида, умумбашарий ҳиссиётлар ифодаси ҳамдир. Рақснинг тадрижий ҳаракатлари инсониятнинг яратувчанлик қобилияти, ривожи, ҳис-туйғуларнинг жунбушга келиши орқали башарий туйғулар - севги, меҳр кабиларни қамраб олади. Рақснинг қайд этилган жиҳатлари умуминсоний туйғуларни ўзида тўлақонли акс эттиришига асос бўлган.

Унинг тарихий анъаналарни тиклаш, миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларнинг маънавий-маданий оламини бойитиши, уларнинг маданият соҳасидаги эришаётган ютуқларини қўллаб-куватлашда ўрни катта. “Лазги” нинг ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига киритилиши инсонларнинг, турли элатларнинг маданий яқинлашувига ҳамда рақс ижро чиларида ворислик ва фахр туйғусини шакллантиришга олиб келади. Олим ўз фикрларини давом эттириб, шундай дейди: “Маълум бир оҳанг, тартиб, интизом билан сакраб ўйнағанларнинг тенишлари, тинишлари мусиқийнинг бошланғич илдизларини ҳозирлайдирлар. Мусиқийнинг бу йўсунда ҳозирланған бошланғич илдизлари инсонларнинг гўзалликни севиш туйғулари

ёлғузлиги билан гўзаллашиб, кўтарила борғани табиийдир. Мусиқий қуролларини бурунги эл-улусларнинг диний йиғинларида, дин бошлиқларининг қўлларида кўрмак, мусиқийнинг дин туйгуларидан чиққанини кўрсатадир. Балки илдизларини (ракс)дан олиб майдонга чиққан, гўзалликни севиш туйгуларимиз билан кўтарилган мусиқийнинг дин бошлиқлари томонидан, дин йиғинларида, диний маъракаларда ишлатилгани исбот этилган бўладир. Биз ҳам турк мусиқийсининг тарихига қараганда, буни мана шу хилда кўрамиз.” [5, 244]

Серқирра истеъдод соҳиблари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат каби улуғ алломалар қолдирган мерос ҳозирги кунга келиб театр, мусиқа ва рақс санъати тарихий босқичларини изчил ўрганишда, ёш олимларнинг олиб бораётган изланишларида муҳим аҳамият касб этади. Бу санъатларни мукаммал ўрганиш ва унинг янги тарихини яратиш эса бизнинг олдимизда турган энг долзарб масалалардан биридир.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратा�ётган мамлакатимизда миллий мусиқий меросга муносабатда ворисий алоқадорлик тамойилларига давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Инсоннинг комилликка эришуви ҳақидаги тасаввурлар ҳар қандай даврдаги ғоялар, концепцияларнинг асосини ташкил этиши ҳисобига жамият ҳамиша юксак тараққиётга қараб интилади. Кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг устувор мақсади ҳам шундан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1] – Президент Ш.Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак. ЎЗА, 2023 йил, 23 декабрь.

[2] – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25 сон.

[3] – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган 2020 йил 30 сентябрдаги тантанали маросимдаги нутқи. <http://aza.uz/posts/3452>.

[4] – Беҳбудий М. Танланган асарлар. Т.: “Маънавият”, 2020.

[5] – Фитрат А. Ўзбек мусиқаси тўғрисида. Танланган асарлар. Тошкент.: “Маънавият”, 1998.

[6] – Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: “Маънавият”, 2020.

[7] – Балдауф И. Махмудхўжа Беҳбудий Фаластинда. Беҳбудий М. Танланган асарлар. Т. “Маънавият” нашриёти, 2020.

[8] – Кароматов Ф. Мақомат ва замонавийлик. Совет Ўзбекистони санъати” журнали, 1979.1-сон. Б. 26-27.

[9] – Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: Изд. Главная редакция восточной литературы, 1972.

[10] – Шарипов Р.Жадид адабиётида янгиланиш, ислохот ва мустақиллик учун кураш ғояларининг акс этиши. Т.: 2023.



ТУРКИЯДА ФИТРАТШУНОСЛИК

Ф.ф.н., профессор Адҳамбек АЛИМБЕКОВ, ТДШУ

Аннотация. Мақолада Туркияда жадид адабиётининг ўрганилиши борасида сўз юритилади. Хусусан Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши ва у ҳақида ёзилган илмий тадқиқотлар, мақолалар ҳақида маълумот берилади. Туркиялик адабиётшунос олим Юсуф Овчининг “Фитрат ва асарлари” монографияси ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилади.

Калит сўзлар: фитратшунослик, Юсуф Овчи, турк дунёси, Истанбул, миллатпарварлик, Муқимбек.

Ўзбек адабиётига, тарихига, маданиятига қизиқиши жаҳон миқёсида кундан кунга ортмоқда. Газета, журналларда мақолалар ёритилиши билан бирга йирик монографик асарлар-илмий тадқиқотлар вужудга келяпти.

Туркияда маданият вазирлиги томонидан нашр қилинган адабиётчи олим Юсуф Овчининг “Фитрат ва асарлари” китоби фикримиз исботидир. Бунгача Абдулҳамид Чўлпон ҳақида Ҳусайн Ўзбойнинг илмий тадқиқотларининг натижаси ўлароқ оташнафас шоиримиз ҳақидаги монографияси эълон қилинган эди. Ўзбек адиблари ҳақидаги иккинчи йирик илмий асар бўлган “Фитрат ва асарлари “нашр қилунгунга қадар ҳам Туркия матбуотида Фитрат ижоди ҳақида бир мунча илмий мақолалр чоп

этилган. Атоқли адабиётшунос, тарихчи олимлар Фуад Купрулузода, Закий Валидий Тўғон, Огоҳ Сирри Левенд, Камол Эраслан, н. Банарлиларнинг ўзбек адабиёти тарихи ,ўзбек жадидлари ҳақидаги асарлари бугун ҳам ўз аҳамиятни йўқотгани йўқ. Сўнги йилларда туркиялик ўзбек адабиёти тадқиқодчиларнинг, хусусан, фитратшуносларнинг сафи янада кўпаймокда. Асосий мақсади туркий халқлар адабиёти , маданиятини тарғиб қилиш бўлган. “Турк дунёси” тил ва адабиёти журналиниг 1996 йилги биринчи сонида олим Темур Хўжанинг “Замонавий ўзбек шеъри” мақоласи ва А. Чўлпон, А.Фитратларнинг бир неча шеърлари берилган эди. Бу журналнинг иккинчи сонида эса, ўзбек олими профессор И. Кўчқортов ва туркиялик тадқиқотчи Ойнур Ўзниг “Абдурауф Фитрат”, “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий”, “Абдулла Қахҳор”, “Сайд Аҳмад”лар ҳақида мақола ва асарлардан намуналар берилади. Бу сингари рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин.

Туркиядаги ўзбек адабиётининг ташвиқотчиларидан бири профессор Эртуғрил Ёмоннинг “Туркий дунё”си (ҳар икки асар Туркия Диёнат вақфи томонидан) 1993 йил нашр қилинган китобларида ҳам Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот ва асарларидан намуналар лотин алифбосида ўзбек тилидан туркча таржимаси билан биргаликда берилган.

“Фитрат ва асарлари” монографиясининг муаллифи Юсуф Овчи Фитрат ижоди билан анча вақтдан бери шуғулланиб келганлиги асардан кўриниб турибди. У Анқара Фози университетида “Фитрат ва тилчилиги” мавзусида докторлик диссертациясини ёклаган, умуман Фитрат ҳақидаги тадқиқотларни имкон даражасида кенг ўрганган. Ўзбекистонлик туркиялик олимларнинг жадид адабиётига оид илмий ишлари билан баробар, Париж, Лондан, Токиода нашр қилинган Эдвар Олворд, В.Каррен, Хисао Куматсуларнинг ҳам илмий изланишдарига суюнган. Монографияда 24 та ўзбекистонлик олимларнинг илмий ишлари тилга олинади. Айниқса, профессорлар – Бегали Қосимов, Ҳамидулла Болтабоев, Ботир Валихўжаев, Низомиддин Маҳмудов, Боқижон Тўхлиев, Эрик Каримов, фан номзодлари Аҳмад Алиев, Шерали Турдиевларнинг

илмий ишларидан фойдаланганлигини муаллиф алоҳида миннадорчилик билан ёзди. Бу ҳодиса ўзбек адабиётшуносаримизнинг асарлари жаҳон миқёсида аҳамият қозонаётганлигининг яққол намунасиdir. Юсуф Овчининг китоби сўзбоши ва илмий манбалардан ташқари асосан икки бўлимга бўлинади. Биринчи бўлими тўрт бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб ўз навбатида мавзусидан келиб чиқиб номланган ва қисмларга ажратилган.

Биринчи бобида Фитратнинг ҳаёти, болалигидан умрининг охиригача бўлган давр қамраб олинади. Иккинчи, учинчи бобида сиёсий фаолияти, ижоди, тўртинчи бобида илмий фаолияти ҳакида сўз юритилади. Иккинчи бўлимида асосан Фитратнинг асарларидан – шеърларидан, драмаларидан, ҳикояларидан, илмий асарларидан, сиёсий руҳдаги мақолаларидан намуналар ўзбек тилида лотин алифбосида ва турк тилида бериладики, бу китобхон учун қулайлик бўлиб, муаллифнинг фикр ва туйгулари тўлик етиб боришини таъминлайди. Асарда Абдурауф Фитратнинг Истанбулдаги фаолияти тўлалигича қамраб олинган ва бу Фитрат ижодидаги айrim ноъмалум нуқталарни тўлдириш учун хизмат қилган. Фитратнинг Истанбулга қандай келганлигининг икки варианти ҳакида сўз юритилади. Адабиётшунос Ҳ.Болтабоев Фитратнинг ёзганларидан келиб чиқиб шоир 1909 йилда Одесса орқали Истанбулга келганлигини ёзса, профессор Ботир Валихўжаев 1910 йилда Низомиддин Урганжийнинг жияни Муқимбек билан Эрон орқали Туркияга келганини ёзди. Муқимбек Фитратнинг яқин дўсти бўлган. Тоғаси Низомиддин Урганжий билан муносабатлари яхши бўлмаган Муқимбек Истанбулга қочиб келганди. Юсуф Овчи илмий далилларни қиёслаган ҳолда 1909-1913 йилларида Истанбулда бўлган Фитратнинг ижодий ва илмий фаолиятини фактлар билан тўлиқ ёритишга ҳаракат қиласи. Муҳими муаллиф шоир Фитратнинг асл мақсадини, ички дардларини тушиниб етган. Юсуф Овчи Фитрат изтиробларини шундай ёзди: “Унинг дарди, асл теран жароҳати, ватаннинг изтироблари, фалокати эди. Шоир ватаннинг хароблигидан, миллатнинг фақирлигидан фарёд этиб, халқнинг ҳаяжони, туғёнларининг таржимони бўлди.

Миллатга бўлган муҳаббатини куйлади. Миллат билан ифтихор етди, ва уни ҳар нарсадан муқаддас билди”.

Фитрат асарларидағи ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳини Юсуф Овчи Фитрат ҳақидаги асарлариға қўчира олган. Фитратнинг шеъларидан тортиб, мусиқа ҳақида ёзган рисоласигача тадқик қилишга ҳаракат қилган муаллиф Фитратнинг ижоди нақадар ранг-баранглиги ва миллат учун қайғурганини халқ, ватан меҳри билан яшаганини юксак билиб уни ҳазрат Алишер Навоийга қиёслайди. Юсуф Овчи ёзади:

“Ўзбекистонда етишиб чиққан жадидчи, инқиллобчи ёзувчи, тарихчи каби сифатлар соҳиби бўлган бир давлат одамидир. Фитратнинг турли мавзуларда асарлар ёзганлиги, ўзи мансуб бўлган ўзбек миллати ва кенг манода туркий халқларга хизмат қилгани учун асримизниг Алишер Навоийси дея оламиз”.

Ўн тўрт ёшида ижодини бошлиган Фитрат 250 босма табоқдан ортиқ ҳажмда асарлар нашр қилган. Тахминан юз босма табоқча асарлари қўлёзма ҳолида қолган. Ўзбекистонга келиб бу ердаги илмий манбаларни изчил ўрганган Юсуф Овчи, Фитрат асарларини турлариға кўра гуруҳлаб, адаб асарларининг библиографиясини ҳам монографиясида тўлиқ кўрсатишга ҳаракат қилган. Бу нарса Фитрат ижодини ўрганувчилар учун маълум бир қулайлик туғдиради. Миллатпарвар ижодкор – Фитрат ҳақида рисола ёзиб, ўзбек адабининг ижодини қардошлиқ кўзи билан таҳлил қилган муаллифга бу меҳнатлари учун миннатдор бўлиб, фикримизни хulosаласак Юусф Овчининг “Фитрат ва асарлари” китоби фитратшуносликка қўшилган муҳим ҳиссадир. Шунингдек халқимиз фахри бўлган адабларнинг ижоди дунё миқёсида илмий тадқиқодчиларни қизиқтираётгани кувонч бағишлайди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

[1] – Бегали Қосимов. Миллий уйғониш: Жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент: “Маънавият”, 2002.

[2] – Н. Каримов, С. Мамажонов, Б. Назаров, У. Норматов, О. Шарафиддинов. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.



FITRAT – YOSH AVLOD UCHUN CHINAKAM IBRAT NAMUNASI

***Filol.f.d., professor v.b. Xayrulla HAMIDOV, TDSHU
PhD., dotsent Nargiza ISMATULLAYEVA, TDSHU***

*Onam! Seni qutqarmoq uchun jonmi kerakdir?
Nomusmi, vijdon bila imonmi kerakdir?
(Abdurauf Fitrat)*

“Ma’lumki, XIX asrning oxiri va o’tgan XX asrning boshlarida “jadid”, “usuli jadid”, degan so‘z va iboralar qo’llanila boshladi. Keyinroq esa bu hodisa butun jamiyat hayotida o‘zgarishlar yasay boshlagach, “jadid, usuli jadid, ziyoli, taraqqiy” kabi so‘z va istilohlar ommalashib ketdi. Shunday bir davrda, g‘oyat murakkab tarixiy sharoitda milliy ozodlik, uyg‘onish va taraqqiyot g‘oyalari bilan maydonga chiqqan ma’rifatparvar ajdodlarimiz o‘zlarining Benazir salohiyati, noyob insoniy fazilatlari bilan fidoyilik va jasorat namunasini ko‘rsatdilar. Ularning tabarruk xotirasini e’zozlash, boy merosi, ibratli faoliyatini o‘rganish va targ‘ib etish bo‘yicha yurtimizda katta ishlarni amalga oshirmoqdamiz” [3, 1] – deya ta’kidlagan edi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev “Jadid” gazetasi jamoasi va mushtariylariga tabrigida. Darhaqiqat, dav-latimiz rahbarining tashabbusi bilan mamlakatimizda ma’rifatparvar jadid bobolarimizning ibratli hayoti va faoliyatlarini o‘rganish, ularning boy ilmiy va ijodiy merosini o‘rganish va ommalashtirishga katta e’tibor qaratilmoqda.

Davlatimiz rahbari 2023-yilning so‘nggi kunlarida Toshkent shahrida bo‘lib o’tgan “Jadidlar: milliy o‘zlik, istiqlol va davlatchilik g‘oyalari” mavzusidagi xalqaro konferensiya ishtirokchilariga yo‘llagan tabrigida esa “Buyuk ma’rifatparvar bobolarimiz tomonidan olg‘a surilgan ma’naviy-siyosiy, ijtimoiy-ma’rifiy va huquqiy-axloqiy qarashlar, turli millat va elatlar o‘rtasida bag‘rikenglik va hamjihatlik tamoyillarini qaror toptirish bilan birga, milliy manfaatlarni himoya qilishga qaratilgan intilishlar hozirgi murakkab va tahlikali zamonda barchamiz, avvalo, yoshlarimiz uchun chinakam ibrat namunasidir” [4, 1] – deya ta’kidlagan edi. Darhaqiqat, buyuk ma’rifatparvar

bobolarimiz tomonidan olg‘a surilgan ma’naviy-siyosiy, ijtimoiy-ma’rifiy va huquqiy-axloqiy qarashlar, turli millat va elatlar o‘rtasida bag‘rikenglik va hamjihatlik tamoyillarini qaror toptirish bilan birga, milliy manfaatlarni himoya qilishga qaratilgan intilishlar hozirgi murakkab va tahlikali zamonda barchamiz, avvalo, bugungi kunning yoshlari uchun chinakam ibrat namunasidir.

Ushbu maqola XX asrning 20-30-yillarda milliy ozodlik, mustaqillik va taraqqiyot g‘oyalarini ilgari surgan ma’rifatparvar aj-dodimiz, yangi o‘zbek adabiyotining asoschilaridan biri, dramaturg, nosir, shoir, zabardast olim Abdurauf Abdurahimboy o‘g‘li Fitratning pok xotirasini e’zozlash, buyuk adibimizning boy ijodiy va ilmiy merosi, ibratli faoliyatini o‘rganish va yoshlarimiz orasida targ‘ib etish maqsadida tayyorlandi.

Dunyoda hech bir xalq, millat o‘zining kelib chiqishi, kimligi va jahon hamjamiyatidagi o‘rnini yaxshi anglamas ekan, uning o‘zligini namoyon etish yo‘lidagi hech bir harakati samara bermaydi. “Shuning uchun ham Abdurauf Fitrat domla “Himmat va saboti bo‘lmagan millatning haqqi hayoti yo‘qdir” so‘zlarini sarlavhaga olib chiqadi. Himmat, avvalo o‘z yaqinlariga, millatdoshlariga va dindoshlariga nisbatan mehr-oqibat ko‘rsatishdir. Ularning tashvishi bilan yashash, dunyoda borligini namoyon qilish uchun kurash va dunyo jamiyatidan o‘z o‘rnini topish uchun qilingan harakatdir. Sabot esa mana shu ilmiy-adabiy-ma’rifiy harakatlarning izchillik bilan amalga oshuvi uchun tinim-siz mehnatdir. O‘zini, o‘zligini bilmagan millat hayotga, yashashga haqli emas” [2, 6] – deb yozadi taniqli fitratshunos olim Hamidulla Boltaboyev.

Fitrat asarlari u hali hayot chog‘ida o‘zining munosib yuksak bahosini olgan, boshqa tillarga tarjima qilingan. Uning ijodiy faoliyatini chuqur o‘rgangan taniqli o‘zbek jadidshunos olimi, professor Begali Qosimov jumladan shunday yozadi: “Uni (Fitrat – X.H.) qayta “tanitish”, asosan, 80-yillarning 2-yarmidan boshlandi. U haqdagi maxsus tadqiqotlar esa mustaqillik mevalaridir. Ular orasida Hamidulla Boltaboyev “XX asr o‘zbek adabiyotshunosligi va Fitratning ilmiy merosi” (T., 1996), I.G‘aniyevning “Fitrat dramalari poetikasi” (T., 1998) kabi doktorlik dissertatsiyalari bor. Uning ijodiy merosi faylasuflar, huquqshunoslari, tomonidan o‘rganilmoqda

(Б.Эргашев. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма, идеология младибухарцев, АДД философских наук, Т., 1993...) Adibning asarlari qayta chop etilmoqda [5, 538]. Jadidlar, jumladan Abdurauf Fitrat ijodi ham o‘rganilgan ilmiy tadqiqotlardan eng yangisi, shu yil filologiya fanlari doktori Rustam Sharipov tomonidan himoya qilingan “Jadid adabiyotida yangilanish, islohot va mustaqillik uchun kurash g‘oyalarining aks etishi” mavzuli doktorlik dissertatsiyasi hisoblanadi [6, 71].

Fitratning Turkiston muxtoriyatini so‘ngsiz quvonch va mehr bilan qarshi olganini ta’kidlagan jadidshunos olim, professor Begali Qosimov o‘z asarida adibning quyidagi otashin so‘zlarini keltiradi: “Ey ulug‘ Turon, arslonlar o‘lkasi! Senga ne bo‘ldi? – xitob qiladi u. – Dunyoni “urho”lari bilan titratgan yo‘lbars yurakli bolalaring qani? Nechun tovushlaring chiqmaydur?.. Nechun chekindilar? Nechun ketdilar? Kurash maydonlarin o‘zgalarga nechun qo‘ydilar?” (1917-yil 28-iyul) [5, 510]. Olim Fitratning boshqa bir maqolasida “sharafi talangan, nomus-e’tibori, imon-vijdoni oyoq osti bo‘lgan”, “yurti, ulog‘i, o‘chog‘i” yot qo‘llarga tushgan avlod nomidan buyuk bobokalon Temurga panoh izlab boradi (31 oktyabr), – deya ta’kidlaydi [5, 510].

Fitrat ijodida uning falsafiy mushohadalari, hayotiy tajribasi va xulosalari mujassam bo‘lgan hikmatli so‘zlar va aforizmlar alohida o‘rin tutadi. Toshkent davlat sharqshunoslik universitetining Tarjimashunoslik va xalqaro jurnalistika kafedrasida tayyorlangan ushbu to‘plamdan adib qalamiga mansub hikmatli so‘zlar, aforizmlar va ularning universitetda o‘rganilayotgan o‘ndan ortiq xorijiy Sharq tillariga, shuningdek ingliz, nemis hamda rus tillariga universitet professor-o‘qituvchilari, mutaxassislar, iqtidorli talaba, magistrantlar tomonidan amalga oshirilgan tarjimalar o‘rin olgan. Hikmatli so‘zlarning asli adibning hayot yo‘li, boy ijodiy faoliyati, ilmiy-adabiy merosi haqida Hamidulla Boltaboyev tomonidan “Yoshlar nashriyot uyi”da 2022-yil nashr qilingan “Jadidlar. Abdurauf Fitrat” nomli kitobdan olingan.

Kitob Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyevning quyidagi so‘zlari bilan boshlanadi: “Yosh avlod tarbiyasi haqida gapirganda,

Abdurauf Fitrat bobomizning mana bu fikrlariga har birimiz, ayniqsa, endi hayotga kirib kelayotgan o‘g‘il-qizlarimiz amal qilishlarini men juda-juda istardim: “Xalqning aniq maqsad sari harakat qilishi, davlatmand bo‘lishi, baxtli bo‘lib izzat-hurmat topishi, jahongir bo‘lishi yoki zaif bo‘lib xorlikka tushishi, baxtsizlik yukini tortishi, e’tibordan qolib, o‘zgalarga tobe va qul, asir bo‘lishi ularning o‘z ota-onalaridan bolalikda olgan tarbiyalariga bog‘liq” [1, 3].

Abdurauf Fitratning ijodida hikmatli so‘zlarining alohida o‘rnini bor. Ularda buyuk adibimizning ko‘p yillik hayotiy va ijodiy tajribasi, orzu-umidlari, hatto o‘z boshidan kechirgan mashaqqatlari, og‘ir qismati, chekkan haqsizliklari, turmushdagi turli voqeа-hodisalarga munosabati o‘z ifodasini topgan. Hikmatli so‘zlar ba’zan qisqa, ba’zida esa kengroq, ammo tugallangan ma’no va mazmunga ega bo‘lgan, muallifning falsafiy mushohadasi, aql-zakovatidan, hayotiy tajribasidan kelib chiqqan umumlashma, chuqur hikmatni ifodalovchi, oqilona, biroq qat’iy aytilgan, donishmandlikni namoyon qiluvchi nasihatomuz, ibratli jumlalar bo‘lib, ularda muallifning muayyan voqeа-hodisa haqidagi xulosasi mujassamdir.

Fitratning quyidagi “O‘gut” she’rining o‘zi ham hikmatga to‘la:

*Og‘ir yigit, sening go ‘zal, nurli ko ‘zungda
Bu millatning saodatin, baxtin o ‘qudim.
O‘ylashingda, turishingda ham o ‘zungda
Bu yurt uchun qutulishning borlig ‘in ko ‘rdim.
Turma – yugur, tinma – tirish, bukilma – yuksal,
Hurkma – kirish, qo ‘rqma – yopish, yo ‘rilma – qo ‘zg ‘al.
Yel yo ‘lini to ‘sib turgan eski bulutlarni
Yondirib qo ‘y, yirtib tashla, barchasin yo ‘q et.
Qilolmasang shu ishlarni,
Sening uchun xo ‘rlikdir bu...
Yiqil, yo ‘qol, ket!*

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash kerakki, bugungi kunda barcha jadid bobolarimiz, shu jumladan Abdurauf Fitratga bo‘lgan munosabat ham tubdan o‘zgardi. Ularning ilmiy va ijodiy faoliyatlarini o‘rganish dolzarb masalaga aylandi. Bunda jadid shoир, yozuvchi va mutafakkirlarimiz qalamiga mansub eng sara asarlarning sharq tillariga tarjima qilish va ular ilgari surgan ilg‘or g‘oyalarni xorijda

targ‘ib qilish biz sharqshunos-tarjimonlar oldiga ham sharaflı, ham mas’uliyatlı vazifalar qo‘yadi.

Foydalilanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

[1] – Boltaboyev Hamidulla. “Jadidlar. Abdurauf Fitrat”. – Toshkent: “Yoshlar nashriyot uyi”. – 2022. – B.3.

[2] – Boltaboyev Hamidulla. Uchinchi renessansning milliy poydevori. Maqola. “Jadid” adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta. – 2024-yil 1-yanvar. №1 (1). – B.6.

[3] – “Jadid” adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta. – 2024-1-yanvar. № 1 (1).

[4] – “Jadid” adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta. – 2024-5-yanvar. № 2 (2).

[5] – Қосимов Бегали. Танланган асарлар (3 жилдлик). Миллий уйғониш даври адабиёти, II жилд. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент: 2022. – Б.538.

[6] – Sharipov R.H. “Jadid adabiyotida yangilanish, islohot va mustaqillik uchun kurash g‘oyalarining aks etishi” mavzuli doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent: 2024. – 71 b.

[7] – Abdurauf Fitrat. Hikmatli so‘zlar (xorijiy tillarda). – Toshkent, TDSHU, 2024. – 80 bet.



ABDURAUF FITRATNING ADABIY-ESTETIK QARASHLARI

F.f.d., professor Bahodir RAHMONOV, Andijon davlat universiteti

Abdurauf Fitratning adabiy tanqidiy faoliyati nisbatan kech boshlanib, juda murakkab bir sharoitda kechdi. Bu murakkablik faqat davr ijtimoiy hayotidagi taloto‘plar, qirg‘inbarotu quvg‘inlar, fikrga mafkuraviy-siyosiy tazyiqning kuchayishi kabilar bilangina belgilanmaydi. Murakkablik, sanalganlarga qo‘srimcha o‘laroq, Fitrat adabiy tanqidiy faoliyatining o‘zbek adabiyotshunosligining alohida fan sohasi sifatida endigina shakllana boshlagan davriga to‘g‘ri kelishi bilan ham bog‘liqdir. Agar Fitratning maqola va ilmiy risolalariga bugungi kun nuqtai nazaridan qarasak, ular adabiyot nazariyasini va

adabiyot tarixi sohalariga oid, deb hukm chiqaramiz. Lekin ular yaratilgan davr nuqtai nazaridan yondashilsa, ularning “harakatdagi estetika” – adabiy tanqid namunasi sifatida ham namoyon bo‘lganini ko‘rish mumkin. Chunki Fitratning nazariy maqolalari davrining adabiy-estetik ehtiyojlaridan kelib chiqqan, uning adabiyot tarixiga oid asarlarida esa meros davr nuqtai nazaridan tahlil etilib baholangan va shu davr ijtimoiy-estetik ehtiyojlariga xizmat qildirilgan.

Fitratning adabiy nazariy xarakterdagi ilk maqolasi – “She’r va shoirlit”ni kuzatsak, yuqoridagi fikrlarimizning to‘g‘riligiga ishonch hosil qilish mumkin. Muallif maqolada muhim masalani o‘rtaga qo‘yadi: “She’r nima?” degan savolga javob beradi. Fitrat “vaznli, qofiyali gap”ning o‘zi she’r bo‘lmaydi, deb hisoblaydi: “Yetti-sakkiz so‘zni belgili bir “vazn”da tizib, ketindan belgili bir so‘zni “qofiya” qo‘ymoq bilan she’r orasinda yerdan ko‘kkacha ayirma bordir”. Fitratning bu fikrlari, albatta, XX asr boshidagi adabiyotda anchagina kuchaygan muvashshahbozlik, shaklbozlik, qofiyabozlik kabi illatlarga qarshi qaratilgan va o‘z davri uchun juda muhim edi. Uning ta’rifiga ko‘ra, “she’rda kishilarning qonini qaynatg‘uchi, singirlarini o‘ynatg‘uchi, miyasini titratguchi, sezgisini qo‘zg‘atg‘uchi bir kuch” bo‘lmog‘i kerak. Zero, “Chin she’r yurak sezgularini ko‘rsatmakdir. Vazn va qofiya esa so‘zning bezagidir”. Fitrat she’riyat oldiga qo‘yayotgan talab nazariy jihatdan asosli va to‘g‘ri. Biroq munaqqidning maqsadi she’riyat bilan she’rbozlikni nazariy jihatdan farqlab berish yoki lirikaga (garchi ushbu termin ishlatilmasa-da) tur sifatida ta’rif berish bilangina cheklanmaydi. Uning maqsadi, ko‘proq, ijodkor va o‘quvchilarning badiiy didini qayrash, chinakam she’rni she’rbozlikdan ajratishga o‘rgatishdir. Maqolaning “Ishtirokiyun” gazetasida (ommaviy nashr) e’lon qilingani, tilining nisbatan soddaligi ham tor mutaxassislarga emas, o‘quvchi ommaga mo‘ljallangani uni adabiy tanqidga aloqador etadi. Ya’ni, “She’r va shoirlit” mazmun-mundarijasи va maqsadiga ko‘ra muammoli xarakterdagi adabiy tanqidiy maqolaga yaqindir.

Yuqoridagiga o‘xshash hol “Adabiyot qoidalari”da ham kuzatiladi. Qo‘llanma “adabiyot muallimlari ham adabiyot havaslilari”ga mo‘ljallangan. Unda san’at va adabiyotning mohiyati, tur va janrlar, badiiy asar tuzilishi, she’rshunoslik masalalari bo‘yicha

boshlang‘ich ma’lumotlar beriladi. E’tiborli jihat shuki, qo‘llanma sof nazariy xarakterda emas, “adabiyot havaslilari” uchun mo‘ljallangani uning uslubi, mazmun-mundarijasini adabiy tanqidiy asarlarga yaqinlashtiradi. Boshqa bir muhim jihat shuki, unda nazariy masalalarni yoritish uchun Cho‘lpon, Botu, Elbek singari ijodkorlar asarlariga bot-bot murojaat qilinadi, bu asarlar o‘rni bilan tahlil qilinadi va baholanadi. Yana bir jihat, qo‘llanmada adabiyotning san’at ekanligiga ko‘proq e’tibor berilgan, o‘z davridagi «sinfiylik» talablaridan imkon qadar qochilgan. Shuning uchun ham Fitrat yosh Oybekning tanqidiga uchragan edi. Oybek Fitratning adabiyot va san’at haqidagi qarashlari «burjuaziya adib va shoirlarining “san’at san’at uchun» nazariyasiga o‘xshab ketadi», – deya tanqid qilarkan, “Durust, har san’at asari yurakni to‘lqinlantirsin, lekin san’atning ijtimoiy tomoni bundan ham muhimroqdir” [7, 40] deydi.

Fitrat “Tilimiz” (1919) nomli maqolasini: “Dunyoning eng boy, eng baxtsiz bir tili qaysi tildir? Bilasizmi?” degan savol bilan boshlaydi va bu savolga lo‘nda qilib “Turkcha”, – deya javob beradi. Masalaning nima uchun bunday qo‘ylganining sababi keyinroq “Yopishmagan gajjaklar” nomli maqolasida ochiq ifoda etilgan: “So‘ngralari hayot meni panturkizmda qotib qolishda qo‘ymadi. Men o‘zbek millatchisiga aylandim. 17-18 yillarda O‘rta Osiyoda panturkizm harakati kuchaymoqda edi. Ayniqsa, Toshkentda panturkizm fikri bilan sug‘orilgan turli to‘dalar tashkil bo‘ldi. Turk tillari, turk adabiyotini birlashtirish shiori ostida “ish” ko‘rildi. Maktablarda usmonli tili, usmonli adabiyotini ona tili darslari o‘rnida qabul qilindi. Mana shu harakatga qarshi o‘zbek tili, o‘zbek adabiyoti shiorlari ostida “Chig‘atoy gurungi” tashkil qilindi”. Bizningcha, Fitratning keyingi ilmiy faoliyatida ko‘proq o‘zbek adabiyoti tarixi masalalari bilan shug‘ullana boshlashi shu narsa bilan, ya’ni “o‘zbek millatchisi”ga aylangani bilan izohlansa bo‘ladi. Fitrat xalqimizning boy adabiy va madaniy merosini, ilm-fan va madaniyatimizning ulkan namoyandalarini elga tanitish yo‘li bilan o‘zbek xalqining jahon tamaddunida o‘ziga xos o‘rni borligi, u na rus va na usmonli turklarga “uka” bo‘lishga muhtoj emasligini ko‘rsatishga intildi.

20-yillar vaqtli nashrlarida Fitratning “Qutadg‘u bilik”, “Muqaddimatul adab”, “Ahmad Yassaviy”, “Hibatul haqoyiq”,

“O‘zbek shoiri Turdi”, “Farhodu Shirin” dostoni to‘g‘risida”, “Navoiyning forsiy shoirlig‘i ham uning forsiy devoni haqida”, “Muhammad Solih”, “XVI asrdan so‘ngra o‘zbek adabiyotiga bir nazar” singari o‘nlab maqolalari e’lon qilindi. Mazmun mohiyatiga ko‘ra bu maqolalar ham adabiy tanqidiy xarakterga ega edi. Chunki munaqqid ularda o‘tmish adabiyoti namunalarini o‘z davri nuqtai nazaridan tahlil qildi va baholadi, ularni zamonasining ijtimoiy-ma’naviy ehtiyojlariga xizmat qildirdi.

Fitratning maqolalari ilmda hali ma’lum bo‘lmagan faktlarni muomalaga kiritishi, adabiyotshunoslikning juda muhim masalalariga diqqatni tortishi, mavjud yanglish yoki noto‘g‘ri fikrlarga aniqlik kiritishi bilan o‘z davri uchun ham, adabiyot tarixi sohasining keyingi taraqqiyoti uchun ham muhim edi. Masalan, u birinchi bo‘lib buyuk vatandoshimiz Mahmud az-Zamahshariy shaxsi va merosiga e’tiborni tortib, “Muqaddimatul adab” nomli maqolasida: “Bu kungacha shu kitob to‘g‘risida jiddiy tekshirish yasab, ilmiy bir maqola yozg‘uchi kishi bo‘lmadi. Men o‘zimning kuchsizligimga qaramasdan mana shu maqolani maydonga chiqarmoqchi bo‘ldim. Mening bu maqolam ilmiy bir narsa bo‘lmasa ham ilmiy kishilarning diqqatini bu kitobga tortishga sabab bo‘lur, deb umid etaman”, – deb yozadi.

Fitrat Alisher Navoiy ijodining targ‘ib etilishi, uning munosib bahosini olishida o‘zining ilmiy asoslangan xulosalari bilan katta xizmat qildi. Jumladan, u ma’lum doiralarda mavjud Navoiyga fors adabiyoti klassiklarining taqlidchisi sifatida mensimayroq qarashlarga zarba berib, “Navoiyning forsiy shoirlig‘i ham uning forsiy devoni haqida» maqolasida Fitrat Navoiy “Chig‘atoj adabiyotining eng ulug‘ namoyandasasi” bo‘lish bilan birga “fors adabiyotining e’tiborlik kishilaridan” ekanligini ta’kidlaydi. Fitrat Boburnomadagi “Navoiyning forsiy she’rlari turkiy she’rlariga ko‘ra kuchsizdir” (Fitrat maqolada shu tarzda o‘zgartirib bergen - B.R.) degan fikrga qo‘silmaydi. U yozadi: “Mavlono Jomiyidan boshlab u zamonning eng katta fors shoirlari o‘z she’rlarini Navoiyga ko‘rsatarkan, tuzatib berishlarini so‘raganlar”. Eng muhimi, Fitrat bu da’volarni quruq aytmaydi, balki hazratga zamondosh forsigo‘y shoirlarining e’tiroflariga tayanib, fors adabiyotining buyuklari asarlarini Navoiy asarlariga qiyoslagan holda dalillaydi. Navoiyning forsiy asarlarini,

shoirning bu tilda yozish imkoniyatlarini yaxshi bilgani uchun ham Fitrat 1925-yilda topilgan Devon Navoiyga yanglish nisbat berilganini isbotlab beradi.

Fitrat asarlariga razm solinsa, uning adabiyotshunosligimiz diqqat markaziga XX asr oxiriga kelgachgina qo‘yilgan masalalarga ham e’tibor qilganini ko‘rish mumkin. Hozirda, masalan, mumtoz adabiyotni islom va tasavvuf ta’limotlaridan ajratib o‘rganib bo‘lmasligi umume’tirof etilgan haqiqatdir. Fitrat o‘zining qator asarlarida, jumladan, “Ahmad Yassaviy”, “Mashrab” maqolalarida tasavvuf masalasiga to‘xtaladi. Albatta, olimning bu masalaga yondashuvida davrning ta’siri bor, lekin ushbu masala qo‘yilganining o‘zi katta voqeа edi. Fitrat “Ahmad Yassaviy” nomli maqolasida to‘g‘ri ta’kidlashiga ko‘ra, “yassaviy va naqshbandiy tariqatlarining harakatlari O‘rta Osiyo tarixining muhim ham juda qiziq qismidir”. Fitrat shuning uchun ham mazkur maqolada “O‘rta Osiyoda tasavvuf oqimlari” nomi bilan turkum maqolalar e’lon qilish niyati borligini aytadi. Afsuski, olimning bu niyati ro‘yobga chiqmay qoldi.

Fitrat mumtoz adabiyotimiz namoyandalarining ilmiy biografiyasini yaratishga birinchilardan bo‘lib kirishgan olimdir. Ma’lumki, o‘tmish adabiyotimiz vakillaridan ko‘plarining hayoti va faoliyatiga oid materiallar juda kam. Shakllanayotgan yangi adabiyotshunoslik esa adabiyotni tarixiylik prinsipiغا tayangan holda o‘rganishi kerak. Buning uchun esa yozuvchi biografiyasiga oid ma’lumotlar juda zarur. Shu zaruratni anglagan holda Fitrat mumtoz adabiyotimiz namoyandalarining ilmiy biografiyasini yaratish tajribasini boshlab berdi. Olim Ahmad Yugnakiy, Turdi Farog‘iy kabi ijodkorlar biografiyasini tiklashga kirisharkan, bunda ularning o‘zлari qoldirgan asarlardagi ishoralar, boshqa ijodkorlarning asarlaridagi ayrim misralar, tazkiralardagi qisqa ma’lumotlarga tayandi. Fitrat shu kabi qisqa ma’lumotlarni chuqur ilmiy tahlil qilish orqali o‘tmishdagi ijodkorlar biografiyasini tiklash mumkinligini ko‘rsatib berdi. Boshqacha aytsak, u mumtoz adabiyotimiz namoyandalari ilmiy biografiyasini yaratish tamoyillarini ishlab chiqdi va amalda qo‘lladi.

Yuqoridagilardan tashqari, Fitrat Firdavsiy, Umar Hayyom, Mirzo Bedil singari forsigo‘y ijodkorlar haqida ham qator maqolalar yozdi. Uning tomonidan tuzilgan “Eng eski turkiy adabiyot

namunalari”, “O‘zbek adabiyoti namunalari” singari majmualar adabiyotimiz tarixini o‘rganishda muhim bo‘lgani shubhasiz. Zero, bu majmualarga Fitratning davr adabiyoti haqida ma’lumot beruvchi obzor maqolalari kiritilgan, majmuadan o‘rin olgan asarlar haqida ma’lumot berilgan, ular qisqacha tahlil qilingan. Xullas, bu majmualar adabiyotimiz tarixini sistemali tarzda izchil yoritishga qaratilgan ilk asarlar edi. Majmualarni ko‘zdan kechirganda o‘quvchi shunga amin bo‘ladi.

Abdurauf Fitrat serqirra ijodkor ekanligi, uning merosida nafaqat adabiyotshunoslik, balki tarix, tilshunoslik, musiqa, san’at sohalariga oid asarlar mavjudligi ma’lum. Biz olimning adabiyotshunoslik bobidagi faoliyatiga qisqacha to‘xtalib o’tdik. Holbuki, uning adabiyotshunoslik merosi haqida juda ko‘p gaplarni aytish, butun-butun kitoblar yozish ham mumkin. Keyingi yillarda Fitratning adabiyotshunoslik faoliyatini o‘rganishga bag‘ishlangan H.Boltaboyevning doktorlik, U.Jo‘raqulovning nomzodlik dissertatsiyalari yozilgani buning dalilidir. Ma’lumki, hozirgi kunga kelib Fitratning ko‘plab asarlari qayta nashr etilgan, ularni o‘qib, fikrimizning to‘riligiga shaxsan amin bo‘lish ham mumkin.

Foydalangan adabiyotlar ro‘yxati:

- [1] – Б.Қосимов. Маслакдошлар. –Т.: 1994.
- [2] – Ҳ.Болтабоев. Фитратнинг илмий мероси. –Т.: 1996.
- [3] – У.Жўрақулов. Фитратнинг уч йирик асари. // Шарқ юлдузи. - 1998. -№1.
- [4] – Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. –Т.: «Шарқ», 2004. 96-130 б.
- [5] – Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. –Т.: Маънавият, 2000. Б.208.
- [6] – Ҳамид Олимжон. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн томлик. Олтинчи том. –Т.: Фан, 1982,-Б.315.
- [7] – Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. 14-том.



ФИТРАТ – МУМТОЗ АДАБИЁТ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Ф.ф.д., профессор Муқаддас ТОЖИБОЕВА, Андижон давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

А.Фитрат ўзбек мумтоз адабиётига ворислик, маънавий меросни ўрганиш масаласида пешқадамлардан бўлганли тайин. Фитратшунос олим Х.Болтабоев Алишер Навоийнинг ижодий мероси хусусида маълумотлар берувчи “Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри” сарлавҳали рисолани асосли фактлар келтириш билан А.Фитратга нисбат беради [1, 151-156]. Мазкур рисола олимнинг мумтоз адабиётга оид қарашларининг бошланғич нуқтаси сифатида кўхна меросимизни ҳар томонлама чуқур ўрганишига йўл очиб берди. Хусусан, “Кутадғу билиг”, “Ҳибат ул-ҳақойик”, “Аҳмад Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар”, “Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида”, “Фарҳод ва Ширин” достони ҳақида, “XVI аср сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш”, “Форс шоири Умар Хайём” (1929), “Ўзбек шоир Турди”, “Муҳаммад Солих”, “Машраб” каби мақолалари, “Бедил” бадиҳасида мумтоз адиблар ижодини таҳлилга тортиш орқали шоир ва алломаларнинг яшаган даври, бу даврлардаги адабий жанрлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ илмий-назарий қарашларини баён этди. Олимнинг бу тадқиқлари адабий-маданий меросимизни чуқур ўрганишни бошлабгина қолмай, уларни қай тарзда ўрганиш йўлларини ҳам белгилаб беради. Аввало, унутилаёзган бир қанча шоирларимизнинг асарларини излаб топди, табдил қилди, уларга қайтадан ҳаёт бағишилади. Туркий адабиётнинг шаклланиши ва тараққиёти масаласида, салафлар ижодини тадқиқ этиш борасида усмонли олимлар ва Европа шарқшуносларининг қарашларини кузатди ва фикр-мулоҳазаларига таянди. Фитрат домла кўхна адабиёт тарихини ўзбек-тожик адабиётидаги туташган нуқталарга алоҳида эътибор қаратганлиги “Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида” мақоласида яққол кўзга ташланади. Мақолада Алишер Навоийнинг форсийдаги юксак маҳоратини Мавлоно Жомийдан тортиб, замонанинг бир қанча

шоирларини шеърларини синчковлик билан текширганлиги, керакли ўринда “танқид ва тасҳих” қилганлиги, Навоий Хисрав Дехлавийдек шоирнинг қасидасига битган назираси унидан қолишмаганлиги ҳақидаги фикри билан тасдиқлайди. Фитрат мумтоз поэтиканинг аruz, қофия, илми бадеъ бўлимлар ҳақидаги назарий қарашларни мукаммал ўрганган олим сифатида мазкур мақола таркибида “тарсиъ” шеърий санъати, айрим шоирларнинг поэтик услуби ҳақидаги қайдларни келтиради. Алишер Навоийнинг мумтоз шеъриятнинг барча сир-асорорларини мукаммал билганлигини Салмон Соважийнинг тарсиъ санъатига қурилган қасидасига муносабатини келтириш билан исботлайди. Навоийнинг форсий тилда битилган “тарсиъ санъатидаги бир қасида” ҳақидаги фикр-мулоҳазалари Фитрат учун ҳам мумтоз лирик жанр муаммолари, хусусиятлари, шунингдек, бадиий тасвирий воситаларни шеъриятда қўллаш усулларига доир илмий асарлар яратиш учун материал бўлиб хизмат қилганлиги тайин.

Шунингдек, Фитрат “Форс шоири Умар Хайём” рисоласида улуғ шоир ва аллома ҳақида гапириб, Хайём ижод билан машғул бўлган даврдаги адабий жанрлар, хусусан, маснавий, қасида, ғазал, рубоий каби жанрларнинг хос хусусиятларини аниқлайди. Маснавий ҳақида сўз юритар экан, Асадий, Фирдавсий, Дақиқий каби шоирлар бу жанрда “донг қозониб”, Низомий эса форс тилидаги достончиликни юқори босқичга кўтарганини айтади. Қасида жанри “сосоний, ғазнавий, хоразмшоҳий саройлари ҳукмдорларини” ҳимоя қилиш руҳида битилганини қайд этади.

Фитрат Саъдий Шерозийни ғазал ва маснавий шаклини ривожлантиришга ҳаракат қилган шоир сифатида эътироф этади, у ҳақда “қасидачиликқа қарши исён байроғини кўтарди... ғазалчилик ва маснавийчиликни илгари бостиromoқ истади”, деб ёзади. Кўринадики, қасида кўҳна адабий жанр сифатида мавжуд бўлса, ундан кейинги шеъриятда ғазал ва маснавийга мурожаат этиш орқали жанр имкониятлари кенгайгани ҳақида назарий хуносага келади.

Фитрат қарашларида рубоийнинг илдизлари миллий адабиётимизда пайдо бўлгани, форс адабиётидаги рубоийлар турк шеърларининг таъсирида шакллангани таъкидланади. Унсурий,

Асжадий, Фаррухий, Фирдавсий томонидан уларнинг ҳар бири бир мисрадан айтилган рубоийини келтириш орқали улар орасида Унсурийни рубоийнависликда бошқалардан юқори эканлигини эътироф этади. Фитрат домла форс шоирлари ва шеърий шакллар ҳақида ёзар экан, мусаммат, қитъа, мустаҳзод каби жанрларни ҳам эътибордан соқит қилмаган ҳолда шоирлар ҳар бир шеърий шаклда бирдай ижод қиласлиги, бирлари маснавийда, бирлари газалчиликда, айримлари қасидачиликда устун эканлигини айтиб, рубоийчиликни бутун дунёга танитган бирдан-бир шоир Умар Хайём бўлганига алоҳида ургу беради. Шу ўринда туркий шеъриятда рубоийнинг ўрни ҳақида сўзлаб, Бобур рубоийнависликда улуғ шоирга яқинлашган бирдан бир ижодкор эканини таъкидлайди.

Фитрат адабиётга “фикр, туйғуларимиздағи тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни ярат-моқдир” [2, 21-22] дея таъриф берган бўлса, шеърга алоҳида эътибор қаратиб, “вазн ва қофияси бўлған ҳар бир сўз тўдасини” шеър деб аташ янглиш эканлигини кўрсатади, форс-тожик адабиётшуносларининг бу борадаги “шеър қофияси, вазни бўлган гапдир” деган таърифига ҳам танқидий муносабатда бўлади.

Фитрат “ески ёзгучиларимиз асарнинг бирлигини сақламоқчи бўлиб, “ам-мо ровиёни ахбор ва нокилони осор андоқ ривоят қилурларким” деб ҳикоя қахрамонларининг туғилган кунидан бошлаб вафотига қадар бўлиб ўтган во-қеаларни бир йўсинда тизишлиқни оқламайди, бу ўқувчиларни “бездиради ва уларнинг миясига оғирлик қилади” деб ҳисоблайди. Чўлпоннинг “Кор қўйнида лола” ҳикояси эски шаклда “Андоқ ривоят қилурларким...” деб бош-ланмагани, муаллиф тўғридан-тўғри воқеалар ичига кириб боргани ўринли эканини тасдиқлайди. Демак, Фитрат талқинидаги шоир Чўлпон шеъриятда янгиланишлар тарафдори бўлгани каби насрда ҳам анъанавий ровийликни бевосита воқеалар тасвири билан алмаштириб реалистик услуб тамойилларига яқинлашди.

Фитрат ишқ мавзусида “эски-янги шоирлар” кўп ёзгани, “фикрларнинг бир-бирига ўхшағанлари очиқ кўринадур” дейиш

билан бирга бу мавзуда янги шаклда шеърлар ҳам пайдо бўлганлигини қайд этиб, Чўлпоннинг “Кетдингми мангуга ташлаб, Қолдимми қайғуларим-ла?” мисраси билан бошланувчи шеърини бунга мисол қилиб кўрсатади.

Фитрат “услубнинг хусусий ҳоллари” деб белгилаган бадиий санъат тур-ларидан жонлантириш ҳакида “инсондаги даражада тириклиги бўлмаган нар-саларга, жониворларга инсондаги тирикликнинг ҳолларини, сифатларини тақмокдир” деб таъриф беради. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги Мажнунга қайғудош бўлган гул, булбул, оғоч тасвирини жонлантириш санъатининг “жонли бир ўrnакидир” дея баҳолайди. Жадид шоирларидан Чўлпон ва Элбекдан мисоллар келтириш орқали уларни “жонлантириш санъатининг чиройлик ўrnаклари” эканини таъкидлайди.

“Адабиёт қоидалари”да муаллиф “Сўраш” деб номланган санъатга мумтоз шеъриятдан Лутфийнинг “Боқмас менга жанона, ажаб ҳолат эмасму?” деб бошланувчи ғазалини мисол келтириш билан “чинликни йўқотмасдан, кучли туйғуларни англатган”ини эътироф этади. Чўлпоннинг

*“Бир-ики яхши сўз айтдик,
Ҳолимни онглаганингми?”*

деб бошланувчи шеърини “бilmасликка солиш”, яъни тажохули орифонанинг “кучли ўrnаги” сифатида қайд этади. Демак, бу ўринда ҳам мумтоз поэтик санъатларга мурожаатда шоир Чўлпон самарали ижод қилаётгани таъкидланади. Фитрат “қаршилик” санъатига Бобур, Боту, Чўлпондан мисол келтиаркан, бу ўринда мумтоз ва замонавий деган айирмаларга бормайди. Балки ушбу санъат мумтоз шеъриятда ҳам, замонавий шеърларда ҳам бирдай қўлланила оладиган санъат тури эканлигини ёзади. Бобурнинг “Юз ёмонлиғ кўриб ондин телба бўлдунг, эй кўнгул, Яхшилиқни кўз тутарсан ул паривашдин яна” байтида ҳам, Ботунинг “Ёруғликни севатурған бизнинг тинук кўнглимиз, Қачонғача қоронғулар ичра қолар бўғулуб” мисраларида ҳам қаршилик санъати борлигини аниқлайди. Аммо олим “қаршиликнинг энг яхшиси “фикрлар”аро қаршиликдир” деб белгилайди ва бунга мисол қилиб, Чўлпоннинг “Мен ва

бошқалар” шеърини ҳамда Бобурнинг “Ел барча пушаймон бўлуру тавба қилур, Мен тавба қилибмену пушаймондурмен” байтини келтиради [2, 73]. “Қайтиш” (ружуъ) санъатининг “сўнграги фикрнинг бурунги фикрдан кучли бўлиши лозим” бўлишлик талаби билан Навоий шеъриятига юзланади. Бунинг давомчиси сифатида Ботунинг “Йиглаб турдим, йиглаб турдим эмас, унда тийрак ўлдим” мисрасини беради. Аммо биринчи мисрадаги фикрдан кейинги фикр кучсизроқ чиқса, “қайтишнинг маъноси қолмайди” дея таъкидлайди [2, 74].

“Аruz ҳақида” рисоласида “инқилобдан кейин ўзбек совет адабиётида аruz жуда оз ишлатила борди, бунга ижтимоий сабаблар бор эди” дейиш билан аruzга танқидий кўз билан қараганликларининг сабабини тушунтириб берди. “Аruz вазни шеър вазнларининг бой ва энг музикалиаридан биридир... аruz системаси шундай бир системаки, уни яхши ўргангандан шунга мувофиқ янги-янги вазнлар ҳам туза олади... Арузнинг энг жонли, ўйноқи ва энг музикали вазнлари шу қўл текизилмаган қисмда туради” деб замондош шоирлар шеърларидан намуна олади. “Булардан (яъни аruz вазнидан – Т.М.) фойдаланиш, албатта, фойдали иш. Букун ўзбек совет шоирларидан баъзилари аruz вазнларида муваффақият билан фойдаланмоқдалар” дея Faфур Ғулом мухаммаси ва Усмон Носирнинг маснавий вазни – мутақорибда ёзган шеърини мисол тариқасида келтиради. Бунинг натижасида Фитрат янги шеърият ҳар “иккала системадан фойдаланишга тиришса бўлур” тарзида хulosага келади [3, 230]. Бу билан “Аruz ҳақида” рисоласи замонавий шоирлар учун амалий дастур ҳам бўлиб хизмат қилиши мумкинлигига ишора қиласи. Демак, Фитрат XX аср бошлари жадид шеърияти мумтоз анъаналарни давом эттира олиш билан мумтоз адабий жанрлар, бадиий санъатлар, аruz вазнини қўллаш борасида фаоллик кўрсатганини таъкидлайди. Чўлпон, Боту, Faфур Ғулом ва Усмон Носир каби замонасининг пешқадам шоирлари ижодида бу анъаналар давом этаётганлигини асосли мисоллар билан исботлай олди.

А. Фитрат услубидаги ўзига хослик шундаки, ҳар қандай адабий ҳодиса ҳақида ёзмасин, аввало, шу давр ижтимоий-

сиёсий ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб боради, яъни тарихий жараённинг адабий ҳаётга таъсирини текширади. Адабий ҳодисаларни ижтимоий ҳаёт замирида талқин этишга киришади. Олимнинг “16 асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш” мақоласининг бошланмасидаёқ давр адабий ҳодисаларни пайдо бўлишига сабаб бўлган омил сифатида даврий ҳодисаларга юзланади. Яъни темурийлар инқирози, шайбонийлар, аштархонийлар замонидан кейинги йиллар хонликларигача бўлган тарихий воқеликлар, хусусан, “ўзбек ва чигатойларнинг узун муддат давом қилган курашлари, ўзбек хонларининг ўзаро доимий урушлари” туфайли “Ўрта Осиёда иқтисодий ҳаёт емирила бошлиған эди. Адабиётнинг, умуман, санъатнинг-да шул издан юруб кун сайин туша бориши табиий эди” [4, 56] дея шайбонийлар давридаги адабий ҳаёт темурийлар давридагидек юксалмаганлигини изоҳлайди. Шундай бўлса-да, Фитрат “бу даврнинг маълум шоирларини кўздан кечирав” экан, Шайбоний, Муҳаммад Солих, Пошшоҳўжалар ҳақида бирин-кетин маълумот беради. Мақолада қайд этилган тарихий-адабий даврни “Аштархонийлар замонида ўлканинг тинчсизлиғи, тартибсизлиғи, иқтисодий тушкунлиги кучайди, сарой қашшоқланди” [4, 58] дея таърифлайди. Бу тавсиф услубан бир-бирига яқин бўлган Сўфи Оллоҳёр, Машраб Наманганий, Турди ва Ҳувайдо, шунингдек, 19 асрда Хоразм, Фарғона адабий муҳитида яшаб ижод этган шоирлар яшаган муҳит ва унинг шоирлар ижодига таъсирини, асарлари қатъига сингтан ғояни англаб этишга ёрдам беради. 17-19 асрлар ўзбек адабий-тарихий ҳаёт манзараси, давр ижодкорлари ҳақида умумий маълумотлар берса-да, кейинроқ номлари зикр этилган шоирларнинг аксарияти ҳақида алоҳида мақолалари адабий майдонда бўй кўрсатди. “Ўзбек шоири Турди”, “Муҳаммад Солих”, “Машраб” каби.

Абдурауф Фитратнинг мумтоз адабиётга оид қарашлари хали хануз эскиргани йўқ, аксинча, янги фикрларни туғилишига доялик қилиш билан бирга ўзбек адабиётшунослиги учун зарурӣ бошланғич илмий манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1] – Болтабоев. Х. Фитратнинг номаълум рисоласи / Фитрат ва жадидчилик. – Тошкент: Алишер навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
- [2] – Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳавасслилари учун қўлланма.
- [3] – Фитрат, А. Аruz ҳакида / Танланган асарлар. 5-жилд.
- [4] – Фитрат, А. Танланган асарлар. - Тошкент: Маънавият, 2000.



МАHMUDXO‘JA BEHBUDIY VA ABDURAUF FITRAT. MILLIY VA MUSTAQIL DAVLATCHILIK ASOSLARINI BARPO ETISH YO‘LIDA

F.f.n., dotsent Rustam SHARIPOV, TDSHU

Annotatsiya. Ushbu maqola jadid adabiyotining yorqin namoyandalari Mahmudxo‘ja Behbudiy va Abdurauf Fitrat tomonidan badiiy ijod bilan bir qatorda tayyorlangan milliy va mustaqil davlat boshqaruvi islohotiga oid huquqiy hujjatlar tahliliga bag‘ishlangan. Ushbu asarlar yana bir bor ularning faoliyati serqirra va samarali bo‘lganligidan dalolat beradi.

Kalit so‘zlar: jadid adabiyoti, jadid ma’rifatparvarlari, siyosiy-huquqiy qarashlar, Mahmudxo‘ja Behbudiy va Abdurauf Fitrat ijodi, milliy-ozodlik harakati.

Bundan yuz yil muqaddam, to‘g‘rirog‘i XX asrning boshlarida Turkiston jadidlari faqat badiiy ijod, ilmiy faoliyat, mакtab va maorif islohoti masalalari bilangina emas, ayni paytda davlat qurilishiga oid siyosiy-huquqiy masalalar bilan ham shug‘llandilar. Buni o‘scha davrdagi tarixiy sharoit, xususan Turkiston aholisining hatto ilg‘or qismida ham huquqiy bilimning yo‘qligi yoki yetishmasligi taqozo etdi. Shu davrda maktab yoki biror uyushma (tashkilot) ochmoqchi bo‘lgan kishilar hatto buning uchun kimdan ruxsat olish va kimning nomiga ariza yozish masalasida ham qiynalib, murakkab vaziyatga tushib qoldilar. Maktab, yoki uyushma, yoxud jamiyat ochgan kishilar esa bu maktab, yoki uyushma, yoxud jamiyatning keyingi faoliyatini

tashkil etishda ojizlik qildilar. Vaziyatning ana shunday tus olganini ko‘rgan Munavvar qori Abdurashidxonov 1914-yili “Sadoi Turkiston” gazetasining 14-iyun sonida “Jamiyatlar qanday ochilur” degan maqola bilan chiqishga majbur bo‘ldi.

“Maktabni ochub qo‘ya qolg‘on ila ish bitmasligi, balki aning farqi va davomi uchun moddiy va ma’naviy yordam va ma’svanatlar, g‘ayrat va himmatlar lozim ekanligi ongleshilmishdir. Buning uchun eng yaxshi chora o‘laroq “jamiyat”ni tuzmishlar. Ya’ni rasmiy bir qonun doirasinda xalqdan iona yig‘ib, ochilmish va ochiladurg‘on maktab va dorululumlarning nuqson va ehtiyojlarni yengillik ila isloh qilmoq va ado qilmoq usulini ijod etmishlar...

... Binoanalayh hozirda bizim Turkiston taraqqiyatparvarona ko‘proq shul maktab va jamiyat atrofida aylanmakdalar. Lekin bu maktab, jamiyatlarni ochmak uchun qanday tadbirlar lozim? Hukumatdan qaysi yo‘l ila ijozat olinur? Qanday ustav va prog‘ramlar ila ochmak foydali bo‘lur?..” [1, 161].

Munavvar qori mazkur maqolasida, masalan, maktab yo jamiyatni ochish uchun ishni nimadan boshlash, maktab yo jamiyatning nizomini qanday tuzish va kimning nomiga ariza yozish hamda bu bilangina kifoyalanmay, tegishli idoralarga bir emas, bir necha marotalab qatnash lozimligini aytgan.

Tarixiy davrning o‘zgarishi bilan kishilarda ibtidoiy huquqiy bilimning yo‘qligi, ayniqsa, yaqqol sezildi va shunday bilimga xalq ommasida katta ehtiyoj paydo bo‘ldi.

Ana shunday sharoitda jadidlar xalqqa ibtidoiy huquqiy ma’lumotlar berish bilan birga jamiyatning huquqiy normalarini ishlab chiqishga ham alohida e’tibor berdilar.

XX asr boshlarida Turkiston xalqlarining milliy manfaatlarini chor hukumati oldida himoya etish uchun kamida Rossiya Davlat Dumasining yoki Toshkent shahri aholisining ijtimoiy-iqtisodiy muammolarini hal etish yoki ko‘tarish uchun esa kamida Toshkent shahar Dumasining a’zosi bo‘lish lozim edi. Chor hokimiysi yillarda markaziy va mahalliy Davlat Dumalariga a’zo bo‘lgan yerli xalq vakillarining hammasini ham o‘zlarining el-yurt oldidagi burchlarini bajargan, deb bo‘lmaydi. Lekin ular orasida Mahmudxo‘ja Behbudiy singari xalq va mamlakat dardi bilan yashagan siymolar bor ediki, ular Davlat Dumasining a’zosi sifatida samarali faoliyat olib bordilar.

2001-yili Haarlem (Gollandiya)da nashr etilgan “Turkistonda yangilik harakatlari va ixtilollar. 1900-1924” degan to‘plamdan

ma'lum bo'lishicha, Mahmudxo'ja Behbudiy 1907-yilda Rossiya 3-Davlat Dumasi yig'ilishida ko'rib chiqish uchun "Turkiston madaniy muxtoriyati loyihasi"ni tayyorlagan va bu "Loyiha"ni Davlat Dumasining Musulmon fraksiyasiga topshirgan ekan. Buxoro Xalq Sovet Respublikasining sobiq Markaziy Ijroiya Qo'mitasi raisi Usmon Xo'jaev (Usmon Xo'ja, 1878-1968) xotirasiga bag'ishlangan ushbu to'plam uning farzandi doktor Temur Xo'jao'g'li (Temur Xo'ja) tomonidan nashrga tayyorlangan.

Mazkur "Loyiha" Mahmudxo'ja Behbudiyning Rossiya Davlat Dumasiga taklifi sifatida yozilgani uchun Dumaning Musulmon fraksiyasi uni shu sohaga yaqin kishilarga fikr olish uchun bergen va u shunday yo'l bilan Turkiston masalalari bo'yicha taniqli mutaxassis Ismoilbek Gasparalining qo'liga tushgan. I.Gasparalining qizi Shafiqaxonim otasining arxivini Turkiyaga olib borib, Anqaradagi doktor Najip Hablemito'g'liga topshirgan. Doktor Najipbek XXI asr arafasida I.Gasparali arxividan Behbudiyning "Loyiha"sinı topib, uni Temur Xo'jao'g'liga bergen. Shu tarzda "Loyiha" Temurxo'janing tashabbusi va mehnati bilan dastlib Gollandiyada chop etilgan to'plamdan, keyin prof. Begali Qosimov vositasida O'zbekistonda "Jahon adabiyoti" jurnalining 2003-yil 8-sonida e'lon qilingan.

"Loyiha"ga yozilgan kirish so'zidan ma'lum bo'lishicha, Behbudiy 2-Davlat Dumasining Musulmon fraksiyasiga ham bir necha ma'ruzalar yozib bergen va ularda Turkiston muxtoriyati bilan bog'liq muhim masalalarni ko'targan. Bizningcha, zikr etilayotgan "Loyiha"da Behbudiyning o'sha ma'ruzalarda ilgari surgan ayrim fikr va mulohazalari ham muayyan huquqiy normalar sifatida o'zining yangicha talqinini topgan bo'lishi mumkin.

Loyiha to'qqiz bo'limdan iborat bo'lib, ular quyidagilardir:

1. Duma xususinda.
2. Rusiya musulmonlari raisi.
3. Turkiston Idorai ruhoniya va doxiliyasini asosining musavaddasi (qoralamasasi) Turkiston Idorai ruhoniya va doxiliyasini xususinda.
4. Idorai ruhoniya va doxiliya asoslарining xatti-harakati.
5. Idorai ruhoniya va doxiliya tasarrufindagi ishlar.
6. Idorai ruhoniya va doxiliya mas'uliyati.
7. Turkiston qozilari xususinda.
8. Joniy va badkorlar (jinoyatchi va bezorilar).
9. Turkiston yahudiylari va ajnabiylari.

“Loyiha”ning bu qismlari va ulardagи ayrim moddalarini sharhlashdan avval shuni aytish joizki, Behbudiy 18 yoshidan boshlab qozixonada mirzalik qilgan. U shu lavozimda ishlash jarayonida o‘zining katta iste’dodini, ruhoniya va doxiliya sohasidagi boy bilimini namoyish etib, qozi va mufti darajiga erishgan. Ammo, 1899-1900-yillarda haj safari munosabati bilan Arabiston, Misr va Turkiyada bo‘lishi hamda bu mamlakatlardagi maktab va madrasa ta’limi bilan tanishish uning hayotini mutlaqo o‘zgartirib yubordi. 1903-yildan boshlab Behbudiyning diqqat markazida faqat bir masala – yangi tipdagi maktab masalasi turdi va shu maktab yordamida Turkiston aholisini chirmab tashlagan bid’at va jaholatga qarshi kurashish va xalq ommasi o‘rtasida ma’rifat ziyoralarini tarqatishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ydi. Turkistonning ilg‘or kishilarini safidan o‘rin egallagan Behbudiy 1906-yili Nijniy Novgorodga borib, Rossiya musulmonlarining turmush va madaniyati muammolariga bag‘ishlangan qurultoyda ishtirok etdi. Uning mazkur qurultoyda Turkiston musulmonlari guruhiга rahbarlik qilishi va katta nutq so‘zlashi yig‘ilganlarda yaxshi taassurot qoldiradi. U Rossiya Davlat Dumasi Musulmonlar fraksiyasi a’zolari o‘rtasida obro‘-e’tibor qozonib, Turkiston muammolarini ular yordamida Davlat Dumasiga havola etmoqchi bo‘ladi.

Behbudiyning 3-Davlat Dumasi Musulmonlar fraksiyasiga yo‘llagan “Loyiha”sining Turkiston madaniy muxtoriyatiga bag‘ishlangani bejiz emas. Prof. B.Qosimovning “Jahon adabiyoti” jurnalining zikr etilgan sonida bosilgan kirish so‘zida yozishicha, 1- va 2-Davlat Dumalarida qizg‘in muhokama etilgan masalalardan biri ham muxtoriyat masalasi edi. Ammo muxtoriyat tushunchasi o‘sha vaqtida hali siyosiy-ijtimoiy va madaniy mustaqillik ma’nosini anglatmagan. Binobarin, Rossiya musulmonlari madaniy muxtoriyat tushunchasi ostida millat milliy-madaniy turmushining daxlsizligini nazarda tutganlar. Bu o‘sha davr uchun, shubhasiz, jasoratli harakat hisoblangan.

Endi bevosita “Loyiha”ning birinchi bo‘limiga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, unda asosan Turkiston aholisidan Davlat Dumasiga vakil saylanishining huquqiy normalari haqida bahs boradi. Behbudiy bu masalada Turkistondagi musulmon aholisining sonidan kelib chiqqan holda vakil saylanishini lozim, deb biladi. Bu moddaga eslatma sifatida aytish lozimki, o‘sha vaqtida Turkistonda o‘rnashib

olgan rus aholisining soni (322 ming), mahalliy xalq nufuzi (5 million 378 ming) dan qariyb yigirma marta kam bo‘lgan.

“Loyiha”dagi “Rusiya musulmonlari raisi” deb nomlangan ikkinchi bo‘limning ma’no-mohiyati quyidagi masalaga qaratilgan. Behbudiyning fikricha, Umumrossiya musulmonlarining diniy va hayotiy ishlarini bajarish hamda barcha ruhoniya va doxiliya idoralariga rahbarlik qilish uchun Peterburgda, ya’ni Rossiyaning poytaxtida mahkamai islomiya tashkil etilishi, ham diniy bilim, ham zamonaviy voqealardan yaxshi xabardor musulmonlardan birining bu mahkamaga ma’lum bir muddatga rais etib saylanishi lozim.

Turkiston idorai ruhoniya va doxiliyasi masalalariga bag‘ishlangan uchinchi bo‘lim “Loyiha”ning eng katta bo‘limi bo‘lib, o‘n moddadan iborat. Bu moddalarning asosiy mazmuni quyidagi masalalarni o‘z qamroviga olgan:

1. Sirdaryo, Farg‘ona, Samarcand, Yettisuv, Zakaspiysk viloyatlaridan iborat Turkiston uchun bir idorai ruhoniya va doxiliya (Diniy va ichki ishlar idorasi)ni tashkil etish va bu idorani Toshkent shahrida barpo etib, unga “birinchi darajali ulamo sinfidan shariat va zamondan xabardor kishi”ni saylov yo‘li bilan besh yillik muddatga shayxul-islom etib tayinlash.

2. Mazkur idorani quyidagi tartibda tashkil etish: 1 rais – shayxul islam, 5 diniy alloma – a’lam, 5 oliv va o‘rtalma ma’lumotli musulmon – chilon (a’zo), shuningdek, mirzo va sarkotib.

3. A’lam va chilon (a’zo)larni har bir viloyatdan besh yillik muddatga saylov yo‘li bilan tayinlash.

4. Idorai ruhoniya va doxiliya tarkibiga, yuqorida qayd etilgan a’lam va chilon (a’zo)lardan tashqari, barcha mahalliy yahudiylardan bir nafar yahudiy olimni saylov yo‘li bilan jalb etish.

5. Turkistonning har bir viloyatida Idorai ruhoniya va doxiliya sho‘balarini ochish va bu sho‘balarga viloyat shaharlarining musulmonlar yashaydigan qismidan joy berish.

6. Idorai ruhoniya va doxiliya sho‘basining tarkibini quyidagicha belgilash: 1 raislik qiluvchi – oxund, 3 diniy ulamo – viloyat a’لامи, 1 oliv ma’lumotli musulmon – viloyat chiloni (a’зоси) va, agar lozim topilsa, mirzo (sarkotib).

7. Har bir viloyatda Turkiston Idorai ruhoniya va doxiliyasi, uning sho‘balari va dorulqazo(qozixona) hukm va talablarini ijro etadigan ijroiya mahkamasini tuzish.

8. Mahkamaga ma'lumotli musulmonlardan saylov yo'li bilan rais etib tayinlash.

9. Turkistondagi musulmon volost yo'llar boshqaruvchilari, starshina va starshiy (katta) oqsoqollarini ijroiya mahkamaning amirligiga tobe deb hisoblash.

10. Bu idoralarning barchasi sho'bai ruhoniya va sho'bai hayotiyaga bo'linadilar. Behbudiy Turkiston Idorai ruhoniya va doxiliyaning rahbariyati va tarkibiy qismlariga keng to'xtabgina qolmay, uning faoliyat doirasini ham belgilab bergen. Umuman, "Loyiha"ning sharhlanayotgan bu birinchi qismida Idorai ruhoniya va doxiliya masalalari muallifning diqqat markazida turadi. Buning sababi shundaki, XX asr boshlarida Turkiston aholisi o'rtasida Islom dini katta mavqega ega bo'lib, uning ma'naviy va madaniy hayotiga, Behbudiy o'ylaganidek, yangi diniy tuzilma – Idorai ruhoniya va doxiliya orqali ta'sir ko'rsatish va aholining turmush tarzini shu tuzilma yordamida o'zgartirib borish mumkin edi. Shuning uchun ham mazkur "Loyiha"da Idorai ruhoniya va doxiliyaning faoliyat va mas'uliyat doirasi quyidagicha belgilangan:

4-bo'lim. Idorai ruhoniya va doxiliya a'zolarining xatti-harakati.

1. Shayxul-islom va oxund – ruhoniya va shar'iy ishlari, a'lamlar – qonun-qoidalar va zamonning zarur ishlari, a'zolar esa turli-tuman ishlari bilan shug'ullanadilar. Muhim ishlarga viloyat a'lamlari va a'zolari ham chaqirilib, majlis o'tkaziladi. Hatto lozim bo'lganda Rossiyadagi Idorai ruhoniya va muxtoriyat doiralaridan maslahat olinadi.

2. Turkiston Idorai ruhoniya va doxiliyasini sho'balari Rossiya Musulmonlari ittifoqi qarorlariga rioya qiladi.

3. Majlis va idoralarning har bir ishi, hukm va qarori shariat qonun va qoidalari doirasida bo'ladi.

4. Turkiston Idorai ruhoniya va doxiliyasini tasarrufidagi shia mazhabiga mansub musulmonlarning rusumi mazhabiyaga oid fatvolari Zakavkaziyadagi shia shayxul-islomi majlisining roziligi bilan kuchga kiradi.

5. Mahalliy aholi jamiyatlari bu idoralarning ruhoniylari va hayotiy sho'balari to'g'risida ma'lumot olish, taftish qilish va hisob so'rashga haqlidir.

5-bo'lim. Idorai ruhoniya va doxiliya tasarrufindagi ishlari.

Bu bo'limda Idoraning faoliyat doirasi o'n ikki moddada belgilangan va ularning asosiyllari quyidagilardir:

1. Idora o‘z sho‘balariga rahbarlik qilish bilan birga ular o‘rtasida aloqa o‘rnatadi va barcha mahalliy idoralarning ishlarini tartibga soladi.

2. Mahalliy rus mahkamalariga savol bilan murojaat etadi, bu ma’lumotlarning xatti-harakatlariga norozilik bildiradi va tegishli xalq huquqini mahalliy hukumat oldida himoya qiladi.

3. Meros-tug‘ilish, bola boqib olish va tarbiyalash, nikoh-taloq, bola saqlab olish, xullas, ro‘zg‘or va oila ishlari, turli xil ko‘chma va ko‘chmas mulk hamda nomus da’volari bilan shug‘ullanadi.

4. Masjid, madrasa, maktab, vaqf va xayr-sahovat, vasiyat ishlari bilan shug‘ullanuvchi mutavalli va nozirlar hamda diniy va dunyoviy tahsil dasturlari, shuningdek, maktab va madrasalar tuzilmasini tashkil etadi.

5. Turkiston qozilariga shar’iy, urfiy, tijoriy va zamoniy ishlarni so‘ramoqlari uchun hamda jazo uchun dasturulamal va qonunnomalar tasnif etadi.

6. Barcha ruhoniy va milliy, doxiliy maktab xizmatlariga kiradigan shaxslarni imtihon qilib, ular saviyasining yetukligi va haqligi haqida shahodatnoma beradi.

7. Yer va suv masalasini Turkistonning doxiliy maishat va ahvoli havoiya jug‘rofiyasiga muvofiq suratda xolisona va qonun asosida hal etadi va h.k.

Ko‘ramizki, Behbudiylar talqinidagi Idorai ruhoniya va doxiliya Turkiston aholisi hayotining qariyb barcha muammolari bilan shug‘ullanish va bu muammolarni shariat amallari asosida hal etish huquqiga ega. U hatto aholidan tushgan shikoyat va arizalar asosida mahalliy rus mahkamalariga murojaat etishi, ular xatti-harakatiga nisbatan norozilik bildirishi ham mumkinki, bu “Loyiha”ning qimmatini yanada oshirgan.

Nihoyat, Idorai ruhoniya va doxiliyaning javobgarligiga bag‘ishlangan so‘nggi 6-bo‘lim quyidagi masalalarni o‘z ichiga olgan:

1. Idorai ruhoniya va doxiliya sho‘balari, ijroiya mahkamasining, a’lam va a’zolari hamda qozixona xodimlarining xiyonat va jinoyatlari Idorai ruhoniya va doxiliya mahkamasi tomonidan tekshiriladi.

2. Turkiston Idorai ruxoniya va dohiliyaning rais, a’lam va a’zolarining jinoyatlari taftish komissiyasi tomonidan o‘rganiladi. Rossiyyadagi barcha Idorai ruhoniya va muxtoriyatlarni tekshirish Umumrossiya musulmonlari raisi mahkamasining vazifasiga kiradi.

Turkiston Idorai ruhoniya va doxiliyasining tuzilmasi, a'zolarining xatti-harakati, tasarrufidagi ishlar va mas'uliyati Behbudiylar tomonidan shunday mukammallik bilan ishlab chiqilganki, uning ham shariat qonun-qoidalari, ham zamonaviy huquqiy bilimlarni puxta egallaganligi yaqqol ko'rinish turadi.

7-bo'lim. Turkiston qozilarini xususinda.

Behbudiylar qozixonada ishlagani va bu sohani mukammal bilgani uchun Turkiston qozilarining huquqiy maqomi va qozilik tizimining huquqiy masalalarini o'n moddada ifodalagan va bu mliddalarning asosiyilari quyidagilardir:

1. Turkiston qozilarini hozirgi tartibda saylanishi, ammo ularning bu lavozimga loyiqliklari Idorai ruhoniya va doxiliya yoki sho'basining shahodatnomasi bilan tasdiqlanishi lozim. Ularni bo'shatish masalasi ham mazkur Idora ixtiyoridadir.

2. Turkiston muzofotidagi hukm chiqaradigan boshqa mansablar tugatilib, ular o'miga shar'iy qozilar mansabi joriy etilsin.

3. Har bir volostda bir qozixona, har bir qozixonada esa bir qozi va bir muovin mansabi belgilansin.

4. Qozi va muovinining vazifalari hozirgidek xalq tarafidan belgilanib, maoshi Idorai ruhoniya tomonidan berilsin.

5. Bir qozining hukmidan norozi bo'lgan kishi hozirgidek 4 qozidan iborat kengashga murojaat etsin.

6. Qozilar kengashining hukmi appelyatsiya uchun Idorai ruhoniya qozining hukmidan norozi bo'lgan kishi hozirgidek 4 qozidan iborat kengashga murojaat etsin.

7. Qozixonada yoziladigan barcha hujjatlar turkcha (o'zbekcha) yozilib, da'vo va hujjat summasi cheklanmasligi lozim.

8. Turkiston qozilarini tomonidan tasdiqlangan barcha vasiqalar, hukm va xatlar Rossiyyadagi adliya mahkamalari tomonidan e'tiborga olinishi maqsadga muvofiq va h.k.

"Loyiha"ning "Joniy va badkorlar" ("Jinoyatchi va bezorilar") degan sakkizinchilari hamda "Turkiston yahudiylari va ajnabiylari" degan to'qqizinchilari bo'limlari ham mazkur masalalarga oid ishlarni adolatli hal qilishga qaratilgan moddalardan tashkil topgan. Masalan, agar turkistonliklar 3 marta o'g'irlik qilgan yoki umumga zarar keltirgan bo'lsalar, ular Idorai ruhoniyaning xohishi bilan boshqa mahallaga vaqtincha yoki umrbod chiqarilib yuborilishi mumkin va h.k.

Behbudiylar Idorai ruhoniya va doxiliya faoliyati bilan bog'liq bu huquqiy qarashlari va takliflarini bayon etgach, hukumat idoralarining faoliyati bilan bog'liq "talab va modda"lardan iborat "Loyiha"ning

ikkinchi qismini ham Musulmon fraksiyasiga ma’ruza tarzida taqdim etgan. Bu qism quyidagi to‘rt bo‘limdan tashkil topgan:

1. Milliy mahkamalar xususinda.
2. Vaqflar xususinda.
3. Umumiylar maktablar.
4. Suv va yerlar xususinda.

“Mulkiy mahkamalar xususinda” deb nomlangan birinchi bo‘limdagi Behbudiyning huquqiy qarashlari mazkur mahkama ishini tubdan qayta qurishga qaratilgani bilan, ayniqsa, ahamiyatlidir. Behbudiyning bu masala bo‘yicha qarashlari va takliflari o‘n ikki moddadidan iborat bo‘lib, ularning asosiyлари quyidagilardir:

1. Turkiston o‘lkasining bosh mahkamasidagi mulkiy, moliy va ilmiy sho‘ba hamda majlis (kengash)lariga musulmonlardan idora xodimi, a’zo va maslahatchilar tayinlash.
2. Barcha viloyat mahkamalarining shu masaladagi sho‘ba va majlis (kengash)lariga musulmonlardan lozim qadar a’zo va maslahatchi tayinlash.
3. Har bir shahar va katta qasaba (shaharcha)da shahar Dumasi ochilib, a’zolari sonini aholining jinsi (turi)ga qarab taqsim qilish.
4. Rossiya adliya mahkamalari sayloviga va bu mahkamalardagi mansablarga saylanishga musulmonlarni haqli deb hisoblash.
5. Turkiston turmushidan xabarsiz yuristlarni Turkiston adliya mahkamalariga hokim etib tayinlamaslik.
6. Qozi yo sudyalar jazo tayin qilmaguncha hech kimni hibsga olmaslik.
7. Turkistonda Idorai ruhoniyan tezlik bilan ochish.
8. Qozilar hukmini prokuror nazoratidan chiqarilib, Idorai ruhoniya ixtiyoriga topshirish va h.k.

“Loyiha”dagi vaqf masalasiga bag‘ishlangan ikkinchi bo‘limning maqsad va mohiyati vaqf ishlarini butkul Idorai ruhoniya ixtiyoriga o‘tkazishga qaratilgan. Behbudiylar, “Loyiha”ning boshqa bo‘limlaridan ham ma’lum bo‘lganidek, o‘lkadagi asosiy ishlarga rahbarlikni amalgalash uchun Idorai ruhoniya va doxiliyani tuzish hamda hukumat mahkamalari tasarrufidagi bir qator vazifalarni shu Idora ixtiyoriga o‘tkazish yo‘li bilan Turkistonning “madaniy muxtoriyati”ga erishmoqchi bo‘lgan.

Endi “Loyiha” muallifining umumiylar maktablarga oid huquqiy takliflari bilan tanishaylik. Bu masalaga oid takliflar quyidagi to‘rt moddadidan iborat:

1. Rossiyadagi umumiylar ta’lim (o‘qituv) masalasi va moddasi Turkistonga ham baravar tegishli, deb hisoblansin.

2. Turkistondagi maktab va madrasalar hukumat (rus ma’muriyati nazarda tutilmoxda) nazoratidan ozod etilsin.

3. Umumiylar o‘rtalari va oliy maktablarga musulmonlardan komissiya tayinlansin. Rus harfi (yozuvi) musulmon maktablarida joriy etilmasin.

4. Musulmon bor bo‘lgan har xil korxona, hibsxona va askarxonaga musulmon ruhoniysi tayinlansin.

Yuqoridagi moddalardan shu narsa ayon bo‘ladiki, Behbudiylar bir tomonidan, Turkiston Rossiyaning tarkibiy qismiga kirgani holda bu yerda yashovchi musulmonlarning Rossiyyadagi ijtimoiy imtiyozlardan foydalana olmayotganlarini ko‘zda tutib, mahalliy xalqning Rossiyyadagi rus fuqarolari bilan teng huquqli bo‘lishi, ikkinchi tomonidan, Turkistondagi rus ma’muriyatining rahbarlik huquqlarini chegaralash. Turkistonning “madaniy muxtoriyat”iga erishish yo‘llarini axtargan. Behbudiyning bunday intilishlari “Loyiha”ning suv va yer haqidagi bo‘limida ham o‘z ifodasini topgan.

Hukumat idoralari tasarrufidagi masalalarga bag‘ishlangan so‘nggi bo‘lim “Suv va yerlar xususinda” deb atalgan bo‘lib, quyidagi moddalardan iborat:

1. Dunyoning qaysi mamlakatida yashashidan qat’iy nazar har bir musulmon Turkistondan yer sotib olishga haqlidir, xuddi shuningdek, turkistonliklar ham dunyoning boshqa mamlakatlaridan yer sotib olishlari mumkin.

2. Sahro-biyobon, tog‘li joylarda yashovchi va shahar xalqining maishiy turmush talabi bilan yayloq, chashma, o‘rmon, kon, ko‘l, o‘tloq va daryordan foydalanishini ta’qiqlovchi qonunlar bekor qilinsin.

3. Daryo va katta-kichik ariq suvlari taqsimi aholining ittifoqi va maslahati asosida kechsin.

4. Turkiston xalqi talab qilmaguncha Turkistonga muhojir yuborilmasin.

5. Turkiston shaharlaridagi yerlar tegishli qonun chiqmagunicha g‘ayrimusulmonlarga na vaqtincha, na abadiy foydalanish uchun berilmasin.

Behbudiyning 3-Rossiya Davlat Dumasi fraksiyasiga yo‘llagan “Turkiston madaniy muxtoriyati loyihasi” shundan iborat.

Behbudiylar 1907-yil noyabr oyida yozilgan bu hujjati bilan Rossiya mustamlakachilik siyosatining Turkistondagi kishanlarini bo'shashtirmoqchi bo'lganki, biz bu hujjatda oradan o'n yil o'tgach, 1917-yilda amalga oshgan Turkiston Muxtoriyati g'oyalarining dastlabki sadolarini ko'ramiz. Behbudiyning bu "Loyiha"si bilan Turkistondagi mustamlaka davlat tuzumini isloh etmoqchi bo'lgani shubhasiz. O'lkadagi bir qator hayotiy masalalarning davlat tasarrufida Idorai ruhoniya va doxiliya ixtiyoriga o'tkazilishi, shuningdek, maktab, suv va yer masalalari yuzasidan olg'a surilgan takliflar Behbudiyning o'z davridan kamida o'n yilga ilg'orlab ketganini ko'rsatadi.

Afsuski, shu davrda o'zbek jadidchilik harakatida Turkiston xalqlari taqdiri bilan bog'liq muhim huquqiy masalalarni Behbudiydek teran tushungan va bu masalalarni Rossiya Davlat Dumasi darajasiga olib chiqqan boshqa birorta kishi bo'lмаган.

Oradan o'n yil o'tgach, Rossiyada 1917-yil Fevral inqilobi g'alaba qozondi. Rossianing bevosita nazorati ostida yashayotgan Buxoro amirligidagi siyosiy va ijtimoiy vaziyat ham keskin o'zgarib, amirlikning metin devorlari nuray boshladi. Shunday sharoitda amirga birdan-bir muxolif kuch – "Yosh buxoroliklar" harakati o'z saflarini qayta qurishga kirishdi. Yangi Markaziy Qo'mita mavjud tarixiy sharoitidan kelib chiqib, tashkilotning amaliy dasturini ishlab chiqishni o'z oldiga birlamchi vazifa sifatida qo'ydi.

Dastur amir hukumatidan norozi bo'lgan va jadid tashkilotiga kelib qo'shilgan xilma-xil ijtimoiy guruahlarning manfaatini ifodalay oluvchi hujjat bo'lgani uchun dasturul amal ahamiyatiga ega bo'lgan siyosiy talablar unda bo'rtib turmasligi lozim edi. Shuning uchun ham davomli bahslardan keyin bu dasturni islohot loyihasi tarzida tuzish maqsadga muvofiq, deb topildi va loyihani tuzish ishi Fitratga topshirildi.

Oradan 2 oy o'tgandan so'ng, 1918-yil yanvarida Fitrat tomonidan tuzilgan "Buxoroda islohot loyihasi"ni "Yosh buxoroliklar" Markaziy Qo'mitasi muhokamasiga topshirdi. Loyiha ba'zi bir juz'iy tuzatishlar bilan Markaziy Qo'mita tomonidan qabul qilindi.

Fitrat ishlab chiqqan va Markaziy Qo'mita tomonidan qabul qilingan mazkur loyihada konstitutsiya masalasiga oydinlik kiritilmaganidek, amirlikdagi monarxiya tuzumini o'zgartirish masalasi ham chetlab o'tilgan. Xuddi shu hol tufayli keyinchalik bolsheviklar Fitrat sha'niga ozmuncha malomat toshlarini otmadilar.

Lekin bu loyihaning qimmati unda ikki muhim g‘oyaning ifodalanganida edi.

Bu g‘oyalarning birinchisi Buxoroda huquqiy davlatni barpo etish, o‘rta asrlardagi sharqona zulm va zo‘ravonlikka asoslangan tuzumni Yevropa tarzidagi ma’rifatli monarxiya bilan almashtirish, mehnatkash aholining farovonligi va madaniy darajasini oshirish yo‘li bilan Buxoroni siyosiy, iqtisodiy va harbiy jihatdan mustahkamlash edi.

Yuqoridagi sharhdan ma’lum bo‘lganidek, Fitrat Buxorodagi davlat tuzumini, bolsheviklar xohlaganidek, inqilobiy yo‘l bilan emas, balki islohotlar yo‘li bilan o‘zgartirishni to‘g‘ri, deb hisoblagan. Bu hol Fitratning nafaqat buyuk yozuvchi, balki donishmand siyosatchi bo‘lganini ham yaqqol ko‘rsatadi.

Fitrat shu davrda turli ijtimoiy guruqlar tomonidan tuzilgan dastur mualliflaridan farqli o‘laroq, siyosiy va ijtimoiy masalalarga katta ehtiyyotkorlik va xushyorlik bilan yondashgan bo‘lsa, madaniy va iqtisodiy masalalarga o‘tganda aniq-tayin va keskin fikrlarni ilgari surgan.

“Buxoro islohoti loyihasi”ni kuzatish shundan shahodat beradiki, Fitrat “Yosh buxoroliklar” harakatining dasturulamalini tuzish va Buxorodagi mavjud tuzumni isloh etish masalasiga birinchi navbatda xalq ommasi manfaatini ko‘zda tutgan holda kirishgan. U yozuvchi sifatida mehnatkash xalq ommasi hayotini, dard va tashvishlari, orzu va umidlarini yaxshi bilganligi uchun, birinchi navbatda, shu xalq ommasining hayotini o‘zgartirish va yaxshilash choralarini axtargan. Shuning uchun ham u o‘z loyihasida dehqonchilik masalalariga katta e’tibor bergen. Hatto loyihani ham davlat tuzilishi masalasidan emas, balki qishloq xo‘jaligi bilan bog‘liq islohotdan boshlab, barcha ekinzor yerlarni uch guruhsiga – vaqf yerlari, xususiy yerlar va davlat ixtiyoridagi yerlarga ajratgan.

Loyihaga ko‘ra, davlat yerlari (amlok) bilan davlat ixtiyoridagi (ma’lum shart bilan ijara beriladigan) yerlar o‘zaro birlashgan holda hiroj deb ataladi. Xususiy yerlar yer egasining to‘la-to‘kis ixtiyorida bo‘ladi. Vaqf yerlari esa maxsus boshqarma tomonidan idora etiladi.

Loyihadagi muhim ahamiyatga molik masalalardan biri soliq masalasidir. Xuddi shu narsa amirlikda xalq ommasining qashshoqlashishiga sabab bo‘lgani uchun Fitrat soliq masalasiga e’tibor berib, soliq olishning bir qator yangi qoidalarini ishlab chiqqan. Chunonchi, loyihaga ko‘ra, mehnatkashlar ommasi va davlatga

qarashli yerlardan kam soliq olinishi nazarda tutilgan. Va ayni paytda kafsan, uskuna puli, cho‘p puli singari sun’iy ravishda o‘ylab topilgan qator soliqlarning bekor qilinishi aytilgan. Loyihaning soliq masalasidagi yangiliklardan biri shunda ediki, Fitrat unda xususiy yer egalari bilan birga amir tomonidan ijaraga berilgan hiroj yerlardan olinadigan soliqni ham oshirishni lozim, deb hisoblagan. Bu Fitratning soliq masalasida, birinchi navbatda, xalq ommasiga ma’lum imtiyozlar yaratish, ikkinchi tomondan, shu vaqtgacha katta imtiyozlardan foydalanib yashayotgan kishilarga kelayotgan tekin foyda yo‘lini to‘sish va, uchinchidan, shu kimsalar hisobidan davlat xazinasini to‘ldirish istagidan kelib chiqqan.

Loyihadagi ikkinchi muhim g‘oya dehqonchilik va qishloq xo‘jaligi bilan bog‘liq. Fitrat xalq va mamlakatning iqtisodiy muammolarini bartaraf etish va farovonlikka erishishning asosiy yo‘lini qishloq xo‘jalik mahsulotlarini ko‘paytirishda ko‘rgan. Buning uchun u ekin maydonini kengaytirish va dehqonchilik ishlarini mukammallash-tirishni lozim, deb bilgan. U ekin ekilgan va ekilmagan yerlardan baravar soliq olishni taklif etgan. Toki yer egasi bu yerning bo‘sh, foydasiz, ishlamay, xalqni o‘z mahsulotlari bilan bahramand etmay turmasin, degan fikr uni shunday xalq va mamlakat manfaati yo‘lida dadil qadam tashlashga olib kelgan.

Fitratning yerdan foydalanish, qishloq xo‘jaligini rivojlantirishga qaratilgan takliflari bu bilangina cheklanmaydi. U irrigatsiya ishlarini ham e’tibordan qochirmay, Zarafshon sug‘orish tizimidan to‘g‘ri foydalanib, suvning Buxoro va Samarqand viloyatlarida to‘g‘ri taqsimplanishi, Amudaryodan irrigatsiya maqsadida foydalanish borasida ham katta amaliy ahamiyatga molik g‘oyalarni ilgari surgan.

Loyihadan katta o‘rin olgan vaqf masalasida Fitrat Buxoroda hukm surgan o‘zboshimchalik va suiste‘mol qilish holatlarini nazarda tutgan holda vaqfdan tushgan mablag‘ning sovrilib ketmasligi uchun maxsus komissarlik tuzishni, vaqf mulki, do‘konlari, oshxona va kutubxonalarini shu nozirlilik tasarrufiga o‘tkazish va barcha daromadni mazkur komissarlik qoshidagi xazinada markazlashtirish g‘oyasini olg‘a surgan. Shunda, uning nazarida, xazinadagi kapitaldan tushgan foyda hisobiga yangi maktab va madrasalar, kutubxona va yetimxonalar, kasalxona va kambag‘allar uchun oshxonalar ochish mumkin bo‘ladi.

Fitrat vaqf mol-mulkidan to‘g‘ri foydalanish haqidagi takliflarini bayon qilgandan so‘ng harbiy ishni tashkil etish masalasiga o‘tadi. Loyihaga ko‘ra, qo‘sishin sonini 12 ming kishiga ko‘paytirish, qo‘sishin to‘plashning yevropacha usulini qo‘llab, harbiy xizmatni hamma uchun majburiy qilish lozim; 22 yoshga yetgan yigitlar ikki yillik harbiy xizmatga chaqirilishi, bundan avval esa tibbiy ko‘rikdan o‘tishi shart; bundan tashqari, keng kazarmalar qurish, komandirlar uchun Buxoroda harbiy maktab ochish, qo‘shtinning kiyim-boshi va oziq-ovqati bepul bo‘lishi va askarlar, oz bo‘lsa-da, oylik maosh olishi zarur; buxoroliklar o‘rtasida harbiy tayyorgarlikka ega kishilar bo‘lmagani uchun rus armiyasida xizmat qilgan musulmonlardan komandir sifatida foydalanish maqsadga muvofiqdir. Eng muhimi, harbiy ish harbiy nozirlikda markazlashishi lozim.

Loyihada moliya, ma’muriy bo‘linish masalalari Fitrat e’tiboridan chetda qolmagan. Unda aytilishicha, adliya idoralari shariat qonunlari asosida ish olib boradi. Qozikalon ayni paytda adliya noziri vazifasini bajaradi. Buxoroda temir yo‘lni rivojlantirish maqsadida Temir yo‘l nozirligi tuziladi va bu nozirlik ayni vaqtda tog‘-kon sanoati bilan ham shug‘ullanadi.

Buxoro Xalq Sovet Respublikasining bo‘lajak maorif noziri loyihada maktab va ta’lim masalalariga ham maxsus e’tibor qaratgan. Loyihada keltirilishicha, aholi o‘rtasida maorif ishlarini rivojlantirish uchun Maorif nozirligini tashkil etib, barcha viloyatlarda xazina hisobidan ikki bosqichli xalq maktablari va oliy o‘quv yurtlarini ochish, bu maktablarni o‘quvchilar bilan ta’minlash, barcha turdagи maktablar uchun dasturlar ishlab chiqish va bu maktablar ustidan nazorat olib borish ishlari mazkur nozirlikka yuklanadi.

Nozirlar Kengashi, loyihaga ko‘ra, quyidagi o‘nta nozirlikdan tashkil topadi:

1. Yer ishlari nozirligi.
2. Vaqf ishlari nozirligi.
3. Harbiy ishlari nozirligi.
4. Moliya nozirligi.
5. Ichki ishlari nozirligi.
6. Adliya nozirligi.
7. Militsiya nozirligi.
8. Temir yo‘l va tog‘-kon sanoati nozirligi.
9. Maorif nozirligi.
10. Tashqi ishlari nozirligi.

Har bir nozir huzurida maslahatchi bo‘ladi.

Buxoroliklar orasidan mutaxassislar tayyorlanguniga qadar Rossiya, Ozarbayjon va Turkiyadan taklif etilgan musulmon millatlariga mansub bilimdon kishilar Buxoro nozirlari huzurida maslahatchi bo‘lib xizmat etadilar.

Loyihada qayd etilishicha, Rossiya va boshqa davlatlar bilan tashqi aloqaga doir masalalar bilan Nozirlar Kengashi raisining o‘zi shaxsan shug‘ullanadi.

Loyihaning muxtasar bayoni shulardan iborat.

Afsuski, “Yosh buxoroliklar” amirni taxtdan ag‘darib, “sharqona zulm va zo‘ravonlikka asoslangan tuzum”ni bartaraf etishda Frunze qo‘shinlari madadiga suyanmoqchi bo‘ldilar. Lekin natijada amir ham, “yosh buxoroliklar”ning o‘zлari ham quvg‘inga uchrab, Fitratning Buxoroni isloh etish loyihasi amalga oshmadi. Oradan bir necha yil o‘tib, Sovet davlati Buxoro Xalq Sovet respublikasini “yutib yuborgach”, Fitratning Markaziy Qo‘mita tomonidan ma’qullangan mazkur dasturida xatolar zanjirini axtarish va loyiha muallifini anarxiya tuzumiga moyillikda ayblastishlari avj olib ketdi.

Fitrat, Behbudiy singari, Buxoro amirlik tuzumini ag‘darish va uning o‘rnida ma’rifatli demokratik davlatni barpo etish tarafdoi edi. Buni hozirgina ko‘rib o‘tganimiz loyiha ham to‘la tasdiqlaydi. Lekin Fitrat fantast yozuvchi bo‘limgani, o‘tgan asrning 20-yillari arafasidagi Buxoro va buxoroliklarni yaxshi bilgani uchun o‘z oldiga real bajarish mumkin bo‘lgan vazifani qo‘ygan.

Bugun, oradan shuncha yil o‘tganidan keyin ham “Buxoro islohoti loyihasi” bilan yaqindan tanishgan kishi loyiada bir qator ajoyib g‘oyalar ilgari surilganini hamda bu g‘oyalar amalga oshgan taqdirda Buxoro va buxoroliklar hayoti Fitrat tasavvur etgan darajada yaxshi, madaniy va farovon bo‘lishiga ishonch hosil qilish mumkin.

Fitrat ushbu loyihami tuzganidan keyin ko‘p o‘tmay, bolsheviklar Qo‘qonda barpo etilgan Turkiston Muxtoriyat hukumatini qonga botirdilar. Fitrat, agar Turkiston aholisi ulug‘ maqsad yo‘lida birlashmasa, uni shunday fofia kutishini bilardi. Shuning uchun ham u 1917-yil fevral-oktabr oylari orasida o‘zining “Yurt qayg‘usi” degan sochmalarini yaratib, xalqni birlashish, erk va hurriyat yo‘lida kurashishga chorlagan edi.

Uning va umuman jadidlarning siyosiy-huquqiy qarashlari deganda, ular qalamiga mansub shunday asarlarni ham ko‘z oldimizga keltirib, jadid ma’rifatparvarlarining ijtimoiy qarashlari zaminida xalq

va Vatan ozodligi hamda milliy taraqqiyot g‘oyalari yotadi, desak, adolatdan bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

- [1] – Abdurashidxonov, M. Tanlangan asarlar. – T., Ma’naviyat, 2003.
- [2] – Fitrat Abdurauf. Oila yoki oila boshqarish tartiblari. – T.: Ma’naviyat, 2000.
- [3] – Беҳбудий М. Таңланган асарлар / Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б.Қосимов. – Т.: Маънавият, 1999.
- [4] – Jadidchilik: islohot, yangilanish, mustaqillik va taraqqiyot uchun kurash. Davriy to‘plam. №1. – T.: Universitet, 1999.
- [5] – Mo‘minov I. O‘zbekiston ijtimoiy-falsafiy tafakkuri tarixidan. – T.: 1960.
- [6] – Qosimov B. Milliy uyg‘onish. – T.: Ma’naviyat, 2002.
- [7] – Boltaboev H. Qatag‘on qilingan ilm. –T.: Xazina, 1996.
- [8] – Boltaboev H. Fitratning ilmiy merosi. – T.: Fan, 1996.
- [9] – Boltaboev H. Fitrat – adabiyotshunos. – T.: Yozuvchi, 1996.
- [10] – Turkistonda yangilik harakatlari va ixtilollar. 1900-1924 (To‘plam). Haarlem (Gollandiya), 2001.
- [11] – Faniev I. Fitratshunoslik. – T.: Fan, 2005.



ABDURAUF FITRAT IJODIDA OILA MAVZUSI

F.f.n., dotsent Rustam SHARIPOV, TDSHU

Annotatsiya. Ushbu maqola jadid adabiyotining yorqin namoyandasini Abdurauf Fitratning “Oila” asari tahliliga bag‘ishlangan. 1914-yilda yozilgan ushbu asar misolida yozuvchining ijodiy laboratoriysi bilan bir qatorda zamonasining eng dolzarb ijtimoiy masalalariga nisbatan shaxsiy munosabatini ko‘rsatib berishga harakat qilingan. Fitrat ijodida yetakchilik qilgan millatparvarlik, erkparvarlik, taraqqiyparvarlik, ilmparvarlik g‘oyalari uning siyosiy-huquqiy qarashlarining o‘zagini tashkil etib, adibni jadid adabiyotining yirik namoyandalari qatoridan o‘rin olishiga zamin yaratgan. Maqolada publisist Fitrat nikoh masalasiga, ayollarning jamiyatda tutgan o‘rni masalasiga yondashuvida o‘zi yashagan davr ruhidan kelib chiqib, Qur’on oyatlari bilan qiyoslagani holda ilgari surilgani va uning bu kuzatishlari ijtimoiy ahamiyat kasb etgani alohida ta’kidlanadi. Adib tomonidan ilgari surilgan oila komponentlari, oilani boshqarishda milliy an'analar va udumlar, oila sifatini

ta'minlovchi tartib-intizom va ularning millat kelajagiga ta'siri kabi masalalar ham tadqiqotda e'tibordan chetda qolmagan.

Kalit so'zlar: jadid adabiyoti, jadid ma'rifatparvarlari, siyosiy-huquqiy qarashlar, Fitrat publitsistikasi, milliy-ozodlik harakati, oila, millat, ota-onas tarbiyasi.

Musulmon xalqlarining oilaga munosabati bilan bog'liq masalalar Qur'onda o'zining mukammal ifodasini topgan. Shuningdek, bu xalqlarga xos oila tizimining huquqiy asoslari ham ayni shu kitobda aniq belgilab berilgan. Shunga qaramay, musulmon xalqlari, shu jumladan, o'zbek xalqidan yetishib chiqqan olimlar oila va uning huquqiy asoslari to'g'risida ko'plab ilmiy-ommabop asarlar yaratganlar. Jadid ma'rifatparvarlari ham bu masalani chetlab o'tmadilar. Ularning jamiyat hayoti, xalq hayoti uchun g'oyat muhim bo'lgan bu masalani chetlab o'tishlari mumkin ham emas edi.

"Ma'naviyat" nashriyoti tomonidan 2000 yili bosib chiqarilgan nashriga yozilgan muqaddimada Fitratning "Oila" asari xususida bunday haqqoniy so'zlar aytilgan: "Jadidlarning fikri bo'yicha, oila asosini to'g'ri qurmasdan va yosh avlodni to'laqonli to'g'ri yo'lda tarbiyalamasdan turib, jamiyatni isloh qilish, uning rivojini taraqqiyot sari yo'naltirish mumkin emas va oxir-oqibatda millat taqdiri uning oilasining holatiga bog'liq. Bu g'oya Fitrat asarida o'z ifodasini topgan: "Har bir millatning saodati va izzati, albatta, shu xalqning ichki intizomi va totuvligiga bog'liq. Tinchlik va totuvlik esa shu millat oilalarining intizomiga tayanadi. Qaerda oila munosabati kuchli intizomga tayansa, mamlakat va millat ham shuncha kuchli va muazzam bo'ladi", - deb yozadi u. Fitrat asarda chuqur va keng bilimlarga asoslangani bois, o'tkir mutaxassis sifatida fikr yuritadi" [1, 4].

Shubhasiz, Fitratni oila masalalari bo'yicha mutaxassis, deb atash mahol. Chunki, u huquqshunos ham, ma'naviyat masalalari bilan maxsus shug'ullangan shaxs ham emas. Ammo bu masala bo'yicha o'zigacha yaratilgan tadqiqotlarni qomusiy bilim sohibi sifatida puxta o'rganib chiqqani uchun ham u benazir olim va publitsist edi.

Oila, Fitratning talqinida, uch muhim komponentdan iborat: er, xotin va farzand (farzandlar). Ana shu uch komponentning har biri nozik, spesifik jihatlariga ega. Chuninchchi, er va xotin uchun uylanish (turmushga chiqish) asosiy muammo bo'lishi bilan birga o'zining muhim qirralariga ham ega. Fitrat oilaning huquqiy asoslarini yoritib berishdan avval "Uylanish va uylanmaslik xususida", "Nechta xotinga

uylanish mumkin?”, “Uylanmoq zarur bo‘lganda qanday xotinni tanlash lozim?” singari fasllarni o‘quvchiga havola etib, masalaning huquqiy tomonlaridan tashqari, ijtimoiy g‘oyat muhim tomonlarini ham yoddan chiqarmaydi. Gap shundaki, muayyan ijtimoiy, iqtisodiy va ma’naviy omillar tufayli tariximizning turli davrlarida ayrim yigitlar uylanmay, ayrim qizlar esa turmush qurmaj o‘tganlar. Fitrat shu masala haqida iztirob bilan yozadi:

“Faraz qilaylik, siz yeringizni biron bir dehqonga berdingiz. Ish asbob-anjomlarini ham berib, bug‘doy ekishni buyurasiz. Agarda o‘sha dehqon yerni olib, ekish asboblarini ham egallab, o‘z uyida bemalol o‘tirsa. Ekin ekmasa, bir yil yeringizni o‘z holiga tashlab qo‘ysa, uning bu harakatini siz xiyonatdan boshqa narsa deb bilmaysiz, albatta. Uylanmaydigan odam ham jinsiy aloqa uchun berilgan kuch-quvvatidan foydalanmasa, yoki lutqavmining amalini qilsa, nafsi o‘zi qondirsa, bilib qo‘ysinki, Alloh qonuniga xiyonat qilibdi.

Xotinlaringiz sizlarning ekinzor yerlaringiz bo‘ladi. Ziroat yerlari urug‘ sepganda samara beradi. Xotin ham ekinzordir va hosili – farzand. Bas, o‘z xotinlaringiz bilan farzand niyatida aloqa qiling va kelajakda o‘zlarining uchun farzand tarbiyalang. Xudodan qo‘rqing, uning nazariga ilinmangiz. Bas, tug‘ilish uchun visol bergen quvvatni qoldirmang va zoe qilmang. Ey Muhammad, saodat mujdasini iyomonlilarga bergin!” [1, 11]

Bu satrlarni sharhlashdan avval shuni eslatib o‘tish kerakki, Fitrat oila va nikoh masalasiga, ayollarning jamiyatda tutgan o‘rnini masalasiga o‘zi yashagan va shu satrlarni yozgan davr ruhidan kelib chiqqan holda munosabatda bo‘lgan. Bugungi kun uchun uning mazkur qarashlarida eskirgan jihatlarning bo‘lishi tabiiy. Ammo u masalaga Qur’on harflari va mohiyatidan kelib chiqqan holda yondashgan. Qur’on va shariatga ko‘ra esa, erkak ayolga nisbatan birlamchi ahamiyat kasb etgan. Uzoq davom etgan feodal tuzum sharoitida ayolning erkak bilan teng huquqli bo‘lishi mumkin emas edi. “Oila” maydonga kelgan 1914-1915 yillarda ham jamiyatda shu taraqqiyot tamoyili ustuvorlik qilgan. Binobarin, Fitratning yuqoridagi so‘zlarini ayollarni kamsitish deb idrok etish xatodir.

Erkak yo ayolning, qanday sabab bilan turmush qurmasligidan qat’iy nazar, birining uylanmasligi, ikkinchisining erga chiqmasligi tabiat qonuniga mutlaqo zid. Zero, har bir inson Ollohnning xohish-irodasi bilan dunyoga kelar ekan, u o‘z ichki va tashqi imkoniyatlari

bilan hayotning, hayotiy jarayonning davom etishiga hissa qo'shishi lozim. U qoldirajak farzand esa hayotning davom etajagini anglatadi. Agar u o'z umri davomida hayotning ana shu qonuniga amal qilmasa, hayot daraxtining kichik bir tomiriga bolta urgan bo'ladi. Farzand qoldirish esa, Fitrat nazarida, serhosil yerga urug' sepish va hosil olishdir. Bu hosildan esa faqat dehqon(ya'ni ota)ning o'zi emas, balki boshqalar ham, ya'ni jamoa yoxud jamiyat ham bahramand bo'ladi.

Hayotning farzandlar shaklida davom etishi, Fitrat nazarida, faqat oila emas, balki millatning ham kuch-qudrati va sha'n-shavkatini belgilovchi omildir. "Masalan, - deb yozadi u, - bolsheviklar va inglizlarni olamiz. Har ikkala millat a'zolari ishchan va harakatchandir. Lekin ko'z oldimizga ularni keltirib muhokama qilsak, ko'ramizki, ingliz millati Belgiya xalqidan yuz barobar ko'proq kuch va shavkatu e'tiborga egadir. Qizig'i shundaki, ingliz va belgiyalik millatlar o'rtasida ilmu amal va sa'y-harakatda farq yo'q. Unda shavkatu shon va izzat bobida shuncha farq qaerdan? Bu savolning javobini har ikkala millatning umumiyligi sonidan topsa bo'ladi, ya'ni ingliz millatining aholisi 44 mln va belgiyaliklar esa 7,5 mln ga yetadi. Shuning uchun ham ingliz millatining umumiyligi sa'y-harakati va amali belgiyaliklarning sa'y va harakatlaridan bir necha marotaba unumlidir. Ingliz millatining kuchi va izzat-e'tibori ham ana shu sa'y va amallarning natijasidir. Shundan kelib chiqib, Ovro'po hukmdorlari o'z millatlarining sonini ko'paytirishga harakat qiladilar. Ovro'po olimi o'z xalqining nufuziga putur yetsa: "Ey! Mamlakatimizning sharafi va e'tibori qolmayapti. Millatimiz nest-nobud bo'ladi. Sharafimizni, vatan va millatimizni himoya qilish uchun farzand yetishtiringlar," - deya dod soladi" [1, 13].

Ko'ramizki, oila va farzand masalasi erkak yo ayolning xususiy masalasi emas. Farzand nafaqat ota-onada hayotining davomi, balki ayni paytda millatning ham iqtidori, obro' va e'tiborini belgilaydigan zanjir halqasidir. Millat esa vatan, mamlakatning yuragi, demak. Millat son jihatidan qanchalik ko'p bo'lsa, u yashayotgan vatanning ham kuch-quvvati shu qadar ziyod bo'ladi. Binobarin, oila masalasi millat-mamlakat-kishilik jamiyati degan uchlikni ta'minlab turuvchi muhim bir halqadir.

Fitrat "Oila" asarini yozgan paytida bor-yo'g'i 28 yoshda bo'lgan. 1914- yilda shu yoshda bo'lgan buxorolik bir yigitni ko'z oldimizga keltirsak, uning nafaqat dunyodagi demografik vaziyat, balki oilaning falsafiy, huquqiy va shar'iy tomonlarini ham shu qadar

puxta bilganidan hayratga tushamiz. Pol Demar degan fransuz sotsiologi, Fitratning shahodat berishiga ko‘ra, fransuz aholisining oxirgi 100 yil mobaynidagi son-salmog‘ini tadqiq etib, uni Yevropadagi boshqa xalqlar soni bilan muqoyasa qilgan. Uning tekshirishlariga ko‘ra, XIX asrning boshlarida, aniqrog‘i, 1810 yilda Fransiya aholisi 28 mln., Angliya aholisi 10 mln., olmonlarning soni esa 18 mln. bo‘lgan. XX asrning 10-yillariga kelib, olmonlar soni 59 mln. ga, inglizlar hisobi 62 mln. ga yetibdi. Ammo Fransiya aholisi 39 mln.ga yetibdi, xolos. Ya’ni 80-90 yil davomida olmonliklar 41 mln., inglizlar 52 mln.ga oshgan bo‘lsalar, fransuzlar 11 mln.gagina oshganlar. Pol Demar bu manzarani ko‘rib: “Agar ahvol shunday davom etaversa, nafaqat biz vatan muhofazasidan, balki hayot orzusidan ham mahrum bo‘lamiz,- deya qayg‘uradi. - Bugun biz, fransuzlarning mamlakati va millati jar labiga kelib qolgan. Bu chuqurga tushib ketishimizga oz qolibdi” [1, 14].

Agar ana shu mavzu atrofida mulohaza yuritadigan bo‘lsak, masalan, inglizlarning 80-90 yil ichida 10 mln.dan 52 mln.ga oshishi Buyuk Britaniyaning shu davrdagi mustamlakachilik siyosati bilan ham bevosita bog‘liq. Buyuk Britaniya xuddi shu davrda ko‘plab mamlakatlarni o‘ziga tobe qilibgina qolmay, o‘z xalqining son jihatdan o‘sishi ustida ham jon kuydirdi, uning har tomonlama o‘sib, kamol topishi uchun barcha shart-sharoitni yaratib berdi. Xuddi shu davrda Rossiya ham o‘z chegaralarini kengaytirib, Kavkaz va O‘rta Osiyo kabi zabit etgan hududlariga rus millatiga mansub kishilarni ko‘chirib, ular sonining oshishiga imkon tug‘dirdi. Sovet davlati esa Chor hokimiyatining mustamlakachilik siyosatini davom ettirib, bu hududlardagi ruslar sonini yanada oshirish bilan kifoyalanibgina qolmay, yerli xalqni ham muntazam ravishda ruslashtirib bordi. Natijada, o‘zining milliy tilini unutgan ruszabon o‘zbeklar, qozoqlar va boshqalar paydo bo‘ldi hamda ko‘paydi. Ayni paytda O‘rta Osiyodan minglab oilalar “qulqoq” qilinib, boshqa o‘lkalarga yuborildi, o‘n minglab “millatchi va aksilinqilobiy tashkilotlar”ning a’zosi deb taxmin qilingan kishilar abadiy muzliklar maskaniga yuborilib, qirib tashlandi. Bu faktlar ham Sovet davlatining o‘zak millati bo‘lgan ruslarning, aniqrog‘i, kommunizm g‘oyasiga xayrixoh ruslarning jahon miqyosidagi salmog‘ini oshirishga qaratilgan tadbirlar natijasidir.

Xullas, oila masalasi ana shunday jahonshumul oqibatlar bilan bog‘liq masala sifatida Fitratning diqqat-e’tiborini o‘ziga qaratdi.

Ammo son, miqdor hali sifat emas. Xalqning soni ko‘p bo‘lishi, ammo uni tashkil etuvchi kishilar ishyoqmas, temsa tebranmas kimsalar bo‘lishi ham mumkin. Bu dunyo esa, Fitrat talqinida, “bir umumiy sinov maydoni”dir.

“Odam, - deb yozadi Fitrat, - ota-oni tarbiyasi doirasidan chiqar ekan, hayotini davom ettirib, izzat va sharafga ega bo‘lish uchun majburan shu maydonga kiradi, sa’y-harakat qiladi, yo o‘z maqsadiga erishadi yoki sharafsiz va xor bo‘lib qoladi. Qaysi millatning namoyandalari sa’y-harakat egasi bo‘lsalar, qo‘l-oyog‘i kuchli va chaqqon, hamma a’zolari sog‘ va faol, izzat va e’tibor sohibi bo‘ladilar... Uylanish sunnatini qabul qilgan kishi xotin va bola-chaqasini tarbiyalab boqish uchun o‘zini kasb-korga uradi, harakat va amal yo‘liga qadam qo‘yadi... Qaysi millatning namoyandalari shu yil bilan tinchlik va totuvlikka erishgan bo‘lsalar, o‘sha millat hurmat va xotirjamlikda bo‘ladi” [1, 14-15].

Fitrat yuqorida zikr etilgan mulohazalardan keyin yana o‘sha fikrga – “uylanish - odamlarning zaruriy va tabiiy amri”, degan xulosaga keladi.

Fitrat tasnifiga ko‘ra, oila – millatning kichik bir tarmog‘i, yacheykasi. Bir necha oila bir qavmni tashkil etadi. Agar bir qavmning har bir oilasi saodatli bo‘lmasa, - deydi Fitrat, - o‘sha qavmni baxtiyor, deb atash mumkin emas. Agar bir oilaning har bir a’zosi baxtli bo‘lmasa, bu oilani baxtli hisoblash xatodir. Binobarin, millatning saodati, har bir qavmning saodati har bir oilaning saodatiga, har bir oilaning saodati esa, uning har bir a’zosiga bog‘liq. Modomiki, shunday ekan, oilaning har bir a’zosi to‘g‘risida qayg‘irish ham qarz, ham farzdir.

Fitrat masalaning xuddi shu nuqtasiga kelganda erkak nechta xotinga uylanishi mumkin, degan masalaga javob berishga urinadi. Modomiki, Fitrat uchun millat, keyin qavm, keyin oila, keyin oilaning har bir a’zosining saodatli bo‘lishi muhim ekan, demak, necha xotinga uylanish mumkinligi masalasi ham ana shu masala doirasida, shu masala bilan uzviy munosabatda hal etilishi lozim. Ya’ni, er necha xotinga uylanmasin, bundan hech kim zarar ko‘rmasligi, hech kimning saodati soya ostida qolmasligi lozim. Ammo, modomiki, necha marta uylanish mumkinligi masalasi o‘rtaga tushar ekan, bu masaladan kimningdir nasibasi qirqilmay iloj yo‘q. Shuning uchun Fitrat masalaga quyidagicha aniqlik kiritib, kim qanday sharoitda ikkinchi, uchinchi yo to‘rtinchi marotaba uylanishi mumkinligini aytadi:

“Ikkixotinlilik (ko‘p xotinlilik) zarar keltiradigan hamma yo‘llari yopilsa to‘g‘ridir, ya’ni shunday tartib o‘rnatilsinki, ko‘p xotinlilikka ijozat bo‘lib, birinchi muqaddimada zikr etilgan zararlar oldi olinsin. Bunday tartib yo qonunni bizlarga kim tayin etadi? Islom dini. Haqiqatda ham, Islom dini bisyor barkamol din bo‘lib, tabiat qonuniga muvofiqdir. Foydani zarardanadolat bilan kam-ko‘stsiz ajratadi. Odamlarga nimaiki foyda keltirsa, ijozat berib, zarar keltiradigan narsalarni man qiladi” [1, 18]. Demak, Fitrat uchun oilaning ma’naviy va huquqiy asoslari Islom dini talablari doirasida hal etiladi va shu narsaadolatdan.

Yuqorida keltirilgan ko‘chirmada “birinchi muqaddima” degan kalima tilga olingan. Shu muqaddimada Fitrat birinchi nikohdagi ayol to‘g‘risida bir-ikki so‘z aytgach, quyidagilarni yozadi:

“Ayolning tarovati va yoshligi sizning muhabbattingiz va mehringiz yo‘lida sarf bo‘lgandan so‘ng sizning hayvonlik shahvatingiz uyg‘onib, harakatga keladi. Nafsingiz orom topishi uchun u xotin sizga kifoya qilmaydi. Boshqacha qilib aytganda, saodat va baxtiyorlik umidi bilan yoshlik ayyomini sizning orzu-havaslaringizga ado qilib, ikki-uch farzand ko‘rgan xotinni qo‘yib yuborib, “so‘fi” nomini olib, yangi xotin olasiz. Bu – va’daga xilof va xiyonatdir.

Yangi xotinga butunlay berilib ketasiz, birinchi xotinni va hayotingiz mevalari bo‘lgan farzandlaringizni shuuringizdan chetlashtirasiz. Tabiiyki, o‘sha xotin farzandlari bilan birga sizga bo‘lgan muhabbatini yo‘qotadi. Sizdan va yangi xotiningizdan nafrathanadi. Vaqt o‘tishi bilan yangi xotindan ham bir-ikki farzand tug‘ilgach, bu o‘zaro nafrat yanada kuchayadi... Shunday ekan, oila a’zolari orasida muhabbat ko‘tarilsa, vayronlik, tarqoqlik va intizomsizlik kelib chiqadi...” [1, 16]

Fitrat vayronlik, tarqoqlik va intizomsizlik deb aytgan narsalar oilani kemiradi, bir otaning ikki xotindan bo‘lgan farzandlari onalari boshchiligida dushmanga aylanadi, urush-janjal, isitish-sovitish va munofiqlik ilonlari oilani chirmab tashlaydi. Fitrat ana shunday zararlarning oldi olingan taqdirdagina qayta uylanishni mumkin, deb tushunadi.

Ko‘ramizki, Fitrat nikoh va oila singari huquqiy hodisalarga yondashganida ham o‘zining inson qalbini tushunuvchi, shu qalb orzu va armonlarining kuychisi bo‘lgan inson ekanligini yoddan chiqarmaydi va masalaga insonparvar millatparvar va yurtparvar yozuvchi sifatida yondoshadi.

Oila va nikoh to‘g‘risida so‘z borar ekan, shak-shubhasiz, oilaning buzilish sabablarini va uni mustahkamlash yo‘llarini ham bilish zarur. O‘zbekchilik urf-odatlariga ko‘ra, ayniqsa, kitob yozilgan paytda, oila va nikoh taqdiri qisman sovchilarning qo‘lida bo‘lgan. Ular kelin tomonning o‘zlariga bo‘lgan munosabatlari, ko‘rgan izzat-hurmatlari yo nazar-e’tiborga olinmaganlaridan kelib chiqib, kelin, uning ota-onasi va uy-joyini ta’rif va tavsif qilib kelganlar. Uylanish uchun tanlangan yo‘l shundan iborat bo‘lgan. Ammo bu yo‘l hamisha ham yaxshi natija beravermagan. Shuning uchun ham Fitrat uylanish uchun to‘rt narsaga e’tibor berishni talab etadi: mol, nasab, husn va imonu e’tiqod. Buni quyidagicha tushunish lozim:

1. Uylanish orzusida bo‘lgan er bilan xotinning mol(boylik)lari va nasablari taxminan bir xil bo‘lishi lozim. Aks holda ular hayoti azobda o‘tadi.

2. Husn garchand tashqi fazilat bo‘lsa ham, kishi qalbini o‘ziga moyil qilish xususiyatiga ega; agar ana shu qalbiy moyillik paydo bo‘lmasa, er bilan xotin saodatli umr kechirmaydi.

3. Er va xotin dindor bo‘lishi lozim. Dindorlik – xudoni tanish, bilish va Haqdan qo‘rqishdir. Husni ahloqning asosi va mezoni Xudodan qo‘rqish va Haqni bilishda, ya’ni dindorlikdadir.

Har bir oila poydevorining mustahkam bo‘lishi turli ijtimoiy, ma’naviy, iqtisodiy va maishiy omillarga bog‘liq. Shuning uchun ham risola muallifi baxtli va, ayniqsa, baxtsiz oilalar hayotiga nazar tashlab, kitobxonga ibrat bo‘lishga arziyidigan hayotiy misollarni keltiradi va ularning oilani yemirishdagi faol ishtirokini chuqur tahlil etib beradi.

Oilaning mustahkam bo‘lishi, Fitrat nazarida, quyidagi omillarga bog‘liq:

1. Iffat va mo‘minlik. Qur’oni Karim erkak va ayollarga diyonatli va nomusli bo‘lishni buyuradi: “Ey, Muhammad! Ahli islom erkaklariga aytgin: oshkor va yashirin ko‘zlarini haromdan yopsinlar va nafslarini haromdan tiysinlar... Ayollarga ham aytgin: ko‘zlarini va o‘z nafslarini haromdan saqlasinlar”.

2. G‘ayrat. “Modomiki, iffat va nomusning himoyasi erkak va xotinlar bo‘ynida farz ekan, bas, ulardan har qaysilari ikkinchi tomonni haromdan qaytarish huquqlari bordir. Ularning ana shu ishlarini “g‘ayrat” deydilar.

3. Visol. Er-xotinlikning birinchi maqsadi farzand, bu maqsadga erishishning vositasi va sababi visoldir.

4. Murosai madora. Er-xotin uzoq yillar birga bo‘lib, shodlik va g‘amni birga baham ko‘radilar. Ammo shunday ham bo‘ladiki, bir tomon xato harakati yo qo‘pol muomalasi bilan oila imoratini shikastlantirib qo‘yadi. Shunda ikkinchi tomon undan o‘ch olmay, murosai madora yo‘lini tanlasa, shikastlangan imorat qulab tushmaydi.

Ana shunday chora va tadbirlar ijobiy natija bilan tugamasa, Islom dini erga xotinni taloq qilish huquqini beradi.

“Oila” – ikki qismdan iborat risola. Agar yuqorida qayd etilgan masalalar risolaning birinchi qismini tashkil etsa, ikkinchi qismi tarbiya va huquq masalalariga bag‘ishlangan.

Fitratning nazarida, maktabgacha bo‘lgan yoshlar tarbiyasi to‘rt masalani o‘z ichiga oladi. Bular:

- 1.Farzand tarbiyasi.
- 2.Badan tarbiyasi.
- 3.Aqliy tarbiya.
- 4.Axloqiy tarbiyadir.

Ana shu tarbiya turlari asosida parvarish topgan bola kelajakda o‘zidagi yaxshi fazilatlarga oziq berish imkonini topishi va ota-onaning obro‘siga obro‘ qo‘sha oluvchi kishilar bo‘lib o‘sishi mumkin.

Ayni vaqtida Fitrat ota-onas, yetim-yesirlar va xizmatkorlarning oiladagi mavqelaridan kelib chiqqan haq-huquqlari ustida ham to‘xtalib o‘tadi. Risolada zikr etilgan tarbiya turlari singari, bu haq-huquqlarni tushuntirishda ham islom dini qonun-qoidalariga tayanadi.

“Oila”, bir qarashda, Qur’onning shu masalaga doir oyat va suralari talqini bo‘lib ko‘rinsa-da, muallif unda islomiy aqidalarni bir nuqtaga jalb etibgina qolmay, o‘ziga zamondosh bo‘lgan jamiyat e’tiborini har qanday millat taraqqiyotini belgilovchi oila masalasiga qaratgan, shu oilaning jamiyat hayotidagi rolini oshirishga intilib, ko‘p xotinlikni zararli an’ana sifatida qoralash, qizlarni o‘qitish, maktabgacha bo‘lgan yoshlarning o‘z oilalarida to‘g‘ri tarbiya olishiga ko‘maklashishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ygan va bu maqsadga erishgan.

Fitratning oila bilan bog‘liq qarashlariga yakun yasar ekanmiz, uning o‘z risolasiga yozgan muqaddimasidagi mana bu so‘zlarni yodda tutishimiz lozim:

“Oila er, xotin va farzandlardan iborat. Boshqacha qilib aytganda, oila bir shaxs boshchiligidagi bir uyda yashovchilardir. Shu ta’riflardan ma’lum bo‘ladiki, oila ham bir necha odamlardan iborat

bo‘lgan jamoa ekan. Ularning har biri insonga xos narsaga, ya’ni o‘z manfaatlariga asir bo‘ladi. Biri ikkinchisining huquqini tasarruf qilib bosib olishi mumkin. Ana shu tajovuz oldini olish uchun oila a’zolari o‘rtasida ham bir qonun lozim” [1, 8].

Fitratning e’tirof etishicha, o’tgan olimlar-u hakimlar shu masalada g‘ayrat qilib qonunlar ishlab chiqishgan. Lekin davrlar o‘tishi bilan muayyan qonunlar eskirgani va o‘z kuchini yo‘qotganidek oila va oila a’zolarining huquq va burchlari masalasiga ham yangicha yondashuv, yangicha munosabat taqozo etiladi. Zero, oila oxir-oqibatda millat va davlatning mavqeini belgilab beradi. Millat va davlat esa uzoq yillar va davrlar mobaynida shakllanadi va shu davrlarda yangilanib boradi.

“Xalqning harakat qilishi, davlatmand bo‘lishi, baxtli bo‘lib izzat-hurmat topishi, jahongir bo‘lishi, zaif bo‘lib xorlikka tushishi, faqirlik jomasini kiyib, baxtsizlik yukini tortib e’tibordan qolishi, o‘zgalarga tobe, qul va asir bo‘lishi bolalikdan o‘z ota-onalaridan olgan tarbiyalariga bog‘liq...”

Fitrat ana shu fikrni rivojlantirib, bunday xulosaga keladi:

“Bu dunyo kurash maydonidir. Bu maydonning quroli sog‘lom jismu tan, aql va axloqdir...”

Sharq odatda o‘z farzandlarining axloqi bilan Farb oldida g‘ururlanadi. Ammo Fitrat bu borada boshqa fikrga ega. U yozadi: “...Lekin ana shu qurol-aslahasi sinib, zang bosib, chirib ketgan. Shunday qurollar bilan bu dunyoda bizga na saodat va na rohat bor. Balki... Ha, bizga ana shu quruq hayotga ham yo‘l bermaydilar. Agar saodat, izzat, osoyishtalik, rohat, sharaf, nomus va e’tibor kerak bo‘lsa, tezroq avlod tarbiyasi usullarini bilib olib, bolalarimizni shu usul va qoidalar asosida tarbiya etishimiz lozim” [1, 60].

Aytib o‘tilganidek, “Oila” 1914 yili yozilgan. Bu vaqtida hozirgi O‘zbekiston Chor Rossiyasining mustamlakasiga aylanib bo‘lgan, xalqning Fitrat singari mutafakkir yoshlari el-yurtini ana shu botqoqlikdan olib chiqish, uni ma’rifatlashtirish va hurriyat ne’matlaridan bahramand etish maqsadida jadidchilik harakatini yuzaga keltirgan edilar. Xuddi shu davrda ularning, binobarin, millatning ham asosiy vazifasi nafaqat islomiy g‘oyalar, balki, millatparvarlik, erkparvarlik, taraqqiyatparvarlik, ilmparvarlik g‘oyalari asosida ham shakllangan avlodni tarbiyalash edi. Fitratning “Oila” risolasi ana shu avlodni tarbiyalashga qaratilgan, o‘zigacha o’tgan olimlar-u hakimlarning asarlari umumiylay ‘ay’ati – “manzil tadbiri”, -

ya’ni “ro‘zg‘or tebratish tadbiri”dan farq qilgan asardir. Shuning uchun ham unda huquqiy mezonlarga qaraganda ma’naviy-falsafiy masalalar talqini ustuvorlik qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

- [1] – Fitrat Abdurauf. Oila yoki oila boshqarish tartiblari. – T.: Ma’naviyat, 2000.
- [2] – Jadidchilik: islohot, yangilanish, mustaqillik va taraqqiyot uchun kurash. Davriy to‘plam. №1. – T.: Universitet, 1999.
- [3] – Mo‘minov I. O‘zbekiston ijtimoiy-falsafiy tafakkuri tarixidan. – T.: 1960.
- [4] – Qosimov B. Milliy uyg‘onish. – T.: Ma’naviyat, 2002.
- [5] – Boltaboev H. Qatag‘on qilingan ilm. –T.: Xazina, 1996.
- [6] – Boltaboev H. Fitratning ilmiy merosi. – T.: Fan, 1996.
- [7] – Boltaboev H. Fitrat – adabiyotshunos. – T.: Yozuvchi, 1996.
- [8] – Faniev I. Fitratshunoslik. – T.: Fan, 2005.
- [9] – Karimov B. Yangilanish sog‘inchi. –T.: 2004.
- [10] – Quronov D. Ruhiy dunyo tadqiqi. T., 1995.
- [11] – Boltaboev h. XX asr o‘zbek adabiyotshunosligi va Fitratning ilmiy merosi. Filol. fanlari doktori... diss. -T.: 1996.
- [12] – Rahim Gulshan Muhiddin qizi. Abdurauf Fitrat va jadid adabiyoti. Filol. fanlari nomzodi diss.-T.: 1998.
- [13] – Jo‘raqulov U. Fitratning tadqiqotchilik mahorati. Filol. fanlari nomzodi diss. –T.: 1999.
- [14] – Dovurboeva N.A. Fitrat dramalarida milliy ozodlik g‘oyasining talqini. Filol. fanlari nomzodi diss. -T.: 1999.
- [15] – Ergasheva M.Z. Abdurauf Fitratning siyosiy va huquqiy qarashlari. Yurid. fanlari nomzodi diss. T.: 2002.



АЛЛОМА АБДУРАУФ ФИТРАТ

**Ф.ф.н., профессор Абдулла УЛУГОВ, Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Абдурауф Фитрат (1886-1938) шоир, адиб, драматург, адабиётшунос, тилшунос, мусиқашунос, диншунос, тарихчи, таржимон, педагог, давлат ва ажамоат арбоби, мутафаккир-файласуф сифатида ғоят самарали хаёт кечиргани турли манбаларда кўп таъкидланади. Масалан, Озод Шарафиддинов

(1929-2005): “Бир ўзида шунча сифатларни жам этган Фитрат маданиятимиз ривожида ўчмас из қолдирди” деб қайд қилса [4, 96], Наим Каримов (1932-2023): “Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида XX аср адабиёти алоҳида аҳамиятга эга. “Миллий уйғониш адабиёти” ёки “жадид адабиёти” атамалари билан тилга олиб келинаётган бу давр, аввало, Махмудхўжа Беҳбудий (1875-1938), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Ҳамза (1889-1929), Абдулла Қодирий (1894-1938), Чўлпон (1898-1938) сингари ўлмас ижодкорларнинг номлари билан боғлиқ. Бу улуғ зотлар, биринчи навбатда, шоир ёки ёзувчи бўлганлари ҳолда, XIX аср охири-XX аср бошларида вужудга келган янги таълим тизими, миллий матбуот ва театр санъатига асос солдилар. Тилга олинган даврда нафақат янги миллий маданиятимизнинг яратилиши, балки ўзбек халқининг миллий уйғонишига ҳам шу улуғ зотлар улкан ҳисса қўшдилар. Ана шу унутилмас сиймолар орасида Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат қомусий билими, ижодий диапазонининг кенглиги, адабиёт, санъат ва илм-фаннинг турли соҳаларида чуқур из қолдирганлиги билан алоҳида ажralиб туради” деб эътироф этади [1, 104]. Бундан Абдурауф Фитрат худди Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари инсоният тарихидаги қомусий сиймолар қаторида туриши аёнлашади. Алломанинг адабиёт, санъат, тарих, дин, мусиқа, педагогика, фалсафа ва бошқа йўналишдаги асарлари шу даражада теран мазмунга эгаки, уларнинг улкан салмоғи ва бекиёс аҳамиятини шу соҳаларнинг энг машҳур, синчи мутахассислари ҳам баралла эътироф этади. Ваҳоланки, ёзувчи шеър тўғрисида мулоҳаза билдиrsa, шоирларнинг ғаши келади. Шоир дин тўғрисида гапирса, имом хатиблар, муллаларнинг диққати ошади. Дин аҳллари дунёда, мамлакат ҳаётида кечайётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, одамларнинг кундалик майший турмуши тўғрисида фикр айтса, албатта, раҳбарлар, мансабдорларнинг тазиқига учрайди. Раҳбарлар, мансабдорлар мусиқа санъати ёки шахмат хусусида нимадир деса, хонандалар, спортчилар атрофига муҳлис, шинавандалари “армия”сини ҳаракатга келтириб, Интернет тармоқлари, оммавий ахборот воситаларининг барча турида дарҳол аюҳаннос қўтаради. Чунки ҳамма соҳа вакиллари: “Бу ишни фақат ўзимиз биламиз. Бошқалар асло аралашмасин” деган ақида билан яшайди. Хореограф: “Шоир шеърини ёзсин, балет санъати, рақсга тумшуғини тиқмасин. Боғбон ҳам, дурадгор ҳам,

тикувчи ҳам, шофёр ҳам билиб-билиб, ўзининг ишини қилсин” деб жиғибийрон бўлади. Агар математик Навоий шеърлари тўғрисида мақола эълон қилса, матбуотда номи бир йилда бир марта кўринмайдиган сустқадам, ланж адабиётшунос ҳам, албатта, эътиroz билдириб, майдонга чиқади. Абдурауф Фитрат яшаган даврда ҳам, ундан аввалги замонларда ҳам барча соҳа, йўналиш, тармоқ бошқалар бўйлаб қараёлмайдиган, ўзгалар bemalol ўтиб чиқолмайдиган Хитой деворидан ҳам минг марта мастиҳкам ва беҳад баланд кўзга кўринмас девор билан ўраб қўйилган. Ammo алломалар, хусусан, Абдурауф Фитрат сингари даҳолар Оллоҳ унга берган ноёб қобилият туфайли ўз қалами билан ана шу муҳташам тўсиқдан ошиб ўтиб, адабиёт, санъатнинг ҳар хил соҳалари, илм-фаннинг турли тармоқлари вакилларига жуда манзур бўладиган, қойил қолдирадиган, улар ёза олмайдиган асарлар битади. Айтиш мумкинки, бекиёс ақл-заковат соҳиби Абдурауф Фитратнинг адабиёт ва санъат, тарих, фалсафа, педагогики ва бошқа йўналишдаги асарлари шу соҳанинг ўзига хос кўзгуси бўла олади. Улар бу аллома шеърият, наср, драматургия, тарих, мусиқа, фалсафа, дин, сиёsat бобида инсон ақл-тафақури эришиши мумкин бўлган чўққини зabit этганини билдиради. Адабиётшунос Бегали Қосимов (1942-2004) нинг қуидаги фикри бу холосамизни тасдиқлашга хизмат қиласди. У шундай дейди: “Фитрат” сўзининг луғавий маъносини “Ўзбек тилнинг изоҳли луғати”дан тополмайсиз. “Навоий асарлари луғати”да бу сўз “табиат, түгма табиат, яратилиш” деб изоҳланган. Гарчи бу сўз тилимизнинг бугунги “Изоҳли луғати”га кирмаган бўлса-да, уни эшитмаган киши кам. Бу ном бир вақтлар зиёлилар даврасида бениҳоя иззат ва шараф билан тилга олинган. Унинг ақлу заковатини Кавказ ва Волга бўйидаги ҳамкасабаларигина эмас, Москва, Ленинград (хозирги Санкт-Петербург)даги шарқшунослар ҳам юксак даражада қадрлаганлар. 1924 йилда у Москвада Шарқ тиллари институтида дарс берган, профессор бўлган. Афғонистон, Туркия, Эрон илмий-адабий доираларида ҳам унинг мавқе-маргабаси баланд эди. Мамлакатда “ички душманлар”ни foш қилиш васвасаси авж олиб, халқнинг асл фарзандлари бир четдан териб, қатағон қилинаётган бир пайтда хориждаги илм-маърифатнинг қадрига етувчи ишбилармон ҳомийлар даъватномалар ёзиб, уни ишга таклиф этганларида бормади. Ҳар қандай ҳолда, ватани, халқи билан бўлишни лозим

билди. Ҳолбуки, у инқилобдан кейинги икки миллион муҳожирнинг бири бўлиши мумкин эди. Сўнг 20-йилларда, ҳатто, 30-йилларда ҳам шундай имкон бор эди. Бироқ Ватан туйғуси бунга йўл бермади. Мавжуд тузум – ҳукмрон ҳарбий маҳкамачилик маъмурияти эса уни ўзи муқаддас тутган ҳалқи, ватани номидан қатл этди. Ва салқам эллик йил бу ном уни вояга етказган эли, юрти хотирасидан қувиб чиқарилди. Бироқ унинг шуҳрати четда зарра қадар камайган эмас. Аксинча илгари уни Яқин Шарқ мамлакатларида гина билган бўлсалар, ҳозир Европада, ҳатто, Америкада ўрганмоқдалар. Жумладан, америкалик таниқли турколог Эдуард Олвортнинг қилаётган ишлари бунга далил” [2, 3].

Бу каби эътибору эҳтиромлар Абдурауф Фитрат нафақат ўзбек, балки мусулмон Шарқ ҳалқлари тарихининг порлоқ сиймоларидан бир эканини исботлайди. Адабиёт, санъат ва илм-фаннинг турли соҳаларида юксак чўққиларга кўтарилиган бу беназир қалам соҳиби ёзиб қолдирган бебаҳо асарлар жаҳон маданияти хазинасида муносиб ўрин эгаллайди. У дастлабки асарларидан бири “Сайҳа” шеърлар тўплами билан шеъриятга янги замон нафасини олиб кирди. Абдурауф Фитрат 1911-йилда Истанбул (Туркия)да босилиб чиқсан форс тилидаги ушбу шеърлар тўплами билан узоқ замонлар ҳукм суреб келган анъанавий шеъриятдан тамоман фарқли янги шеъриятни бошлаб берди. Ватан мавзусидаги шеърларга кенг ўрин берилган мазкур тўплам ҳаётга яқинлиги, ҳалқ ижтимоий турмушки билан бевосита боғлиқлиги, юртнинг ҳароблиги, ундаги ҳалқнинг аянчли аҳволи дикқат марказига қўйилгани, Ватан инсон учун барча нарсадан муқаддаслиги, унинг ҳурлиги, озодлиги, равнақи учун курашиш унда яшайдиган ҳар бир одам учун фарз ва қарз экани таъкидлангани билан эътиборни тортади. “Сайҳа”даги шеърлар муаллифнинг қалб қони билан битилгани яққол билиниб туради. Улар кучли эҳтиросга йўғрилгани, маъно-мазмунига кўра мағзи тўклиги билан “ахборот бўрони” кучайиб бораётган XXI асрда яшаётган одамларнинг ҳам ватанпарварлик, миллатсеварлик туйғуларини жунбушга келтиради. Чунки шоир Ватанини “Менинг жону таним саждагоҳидир. У менинг осмондаги ойим, осойишим, иззатим, шарафим. Менинг каъбам, менинг қиблам, менинг чаманимдир” деб шарафлайди [2, 8]. “Сайҳа” форсча сўз бўлиб, “бонг, даҳшатли фарёд, наъра” деган маънони билдиради.

Мазкур тўплам жуда катта таъсир кучига эга бўлгани хусусида эса: “Шоирнинг бу ўтли шеърлари 1914 йилда “Садойи Туркистон” рўзномасида ҳам босилди. “Ватанпарварлик шеърлари тўплами бўлган “Сайҳа”ни ўқиган кишиларни Бухоро ҳукуматигина эмас, шу билан бирга, рус ҳукумати ҳам таъқиб қила бошлади. Чунки бу шеърларда Бухоро мустақиллиги ғояси биринчи марта жуда ёрқин шаклда ифодалаб берилди”, – деб ёзган эди Файзулла Хўжаев” дейилади [2, 9]. Файзулла Убайдуллаевич Хўжаев (1896-1938) эса 1924-йилдан мустабид шўро давлати қатағони қурбонига айланганига қадар Ўзбекистонга раҳбарлик қилган атоқли давлат ва сиёsat арбобидир.

“Чин севиш” китобидан жой олган “Ким деяй сени?”, “Бир оз кул!”, “Аччиғланма!” деган эдинг”, “Миррих юлдузига”, “Овунчоқ”, “Ишқимнинг тарихи”, “Яна ёндим”, “Не бўйла?”, “Шоир”, “Парча”, “Беҳбудийнинг соғонасини изладим”, “Шарқ”, “Ўгут”, “Ўқитғувчилар юртига”, “Гўзалим, бевафо гулистоним...” шеърлари Абдурауф Фитрат чиндан-да истеъдодли шоир эканлигига ёрқин исбот бўла олади. Унинг “Шоир” шеъри мисол сифатида тақдим қилинса, ўқувчи, албатта, бу айни ҳақиқат эканига аниқ ишонч ҳосил қиласи. Чунки унда шеър қандай туғилиши, шоир қандай қилиб ижод этиши, у аслида ким, қандай одам эканлиги: “Бу кун йиғлаб ўтурмишдим, сен келдинг, // Бир шоирнинг бир “сўзи”ини сўзладинг. // Мен у сўзнинг руҳингдағи изларин // Сенинг гўзал кўзларингда ўқудим. // Ўқидукча у издан // Ўзим учун кўп умидлар тўқудим. // – Умидсизча яшай олмам, нетайин, // Эмиш... шоир севгилисига ёзғон // Бир ёзувда қайғуларини тўкмиш, // Сўзларининг энг охирида ондан // Руҳи учун бир оз кўмак истамиш. // Биласанми, шоир ишқнинг энг нозли, // Эрка, инжиқ ёвдусидир, туролмас – // Маъшуқидан кўрмагунча кулушли, // Марҳаматли, чин сезгули бир кўмак, // Мана шудир унинг учун бир тилак. // Шоир // Табиатдан сирли, теран маънолар, // Тириклик-чун очиқ, тўғри, чин йўллар // Излар, топар, ўзи учун сақламас // унларни // Ёз гулининг япроғидан тўқулғон // Сўзлар билан ўраб бизга топшурад. // Шоир // Ишқ боғининг тентак сингирли, ёнғон // Булбулидур, башарият дунёсин // Кичик, нозли қаноати узра қўяр; // Кўклар узра юксалтиргани тирпинар. // Мана шунинг ўксуз, йўқсил кўнглини // Кўтармак-чун гўзалларга тегишир, // Ким озғина қарағайлар,

кулгайлар, // Инграб турғон жонини // Кўллағайлар, бир оз кўмак этгайлар” тарзида очиб берилади [2, 31]. Ўз-ўзидан аёнки, “Шоир”нинг маъно-мазмуни “шеър”, “шоир” тўғрисида адабиётшуносликдаги энг эътиборли манбаларда қайд қилиб келинган таъриф-тавсифлар ҳар жихатдан мос, мувофиқ келади.

Чўлпон (1898-1938)нинг: “У вақтларда биз, ҳамма ўзбек ёзувчилари, Фитрат таъсирида эдик” деб эътироф қилиши ҳам “Сайҳа” муаллифининг илмий-ижодий изланишлари, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолияти жуда кўп зиёлилар, шоир, адиблар учун ўрнак, ибрат, намунага айлангани, Файзулла Хўжаевнинг ушбу шеърий тўплам ижодкори хусусида билдирган фикрлари эса Абдурауф Фитратнинг фаолияти мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнга, ватандошларининг онг-тафаккури, дунёқарашига жуда кучли таъсир кўрсатганини тасдиқлайди [2, 9].

Абдурауф Фитрат “Мунозара” (“Ҳиндистонда бир фарангни или бухороли бир муддариснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилғон мунозараси”), “Ҳинд сайёҳи” (“Баёноти сайёҳи ҳинди”), “Қиёмат” сингари асарлари билан Марказий Осиё ҳалқлари адабиётида ҳам ҳаёт ҳодисаларини ҳаққоний акс этирадиган, Европа адабиёти андозаларига мос келадиган бадиий баркамол насрий асарлар яратилиши мумкинлиги ва замонавий янги адабиёт учун бундай асарлар жуда зарур эканлигини исботлайди. Аллома “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Абулфайзхон”, “Арслон” асарлари билан эса ўзбек адабиёти учун янги адабий тур – драманинг мустаҳкам пойдеворини қўйди. У адабиётшунослик, тилшунослик, диншунослик, тарих, фалсафа, мусиқа, педагогика йўналишидаги тадқиқотлари билан қомусий ижодкорларга хос ноёб хусусиятларни ўзида жамлаган, замондошлари орасида тенгсиз, беназир сиймо эканини намойиш қилган. Алломанинг барча асарлари юксак маҳорат билан битилгани, ўзида теран маъно-мазмунни мужассам этгани боис шу йўналишдаги асарларнинг энг ёрқин намуналари билан бир қаторда туради.

Аксарият шоирларнинг ижодий фаолияти шеър, достон, қасида, рубоий, муаммо битиш доирасида кечади. Кўпгина ёзувчилар ҳикоя, қисса, роман ёзиш билан кифояланади. Албатта, улар таржима иши билан ҳам шуғулланишади, драма, комедия, киносценарийлар ёзишда ҳам қаламини синаб кўришади. Ажойиб

шеърлар, адабиёт тарихини безаб турадиган насрий асарлар, чуқур ижтимоий салмоққа эга трагедия, драмалар яратган Абдурауф Фитратнинг изланишлари миқёси эса кенг тарқалган ушбу ҳолатдан фарқли тарзда адабиёт, санъат ва илм-фаннинг жуда кўп соҳаларини қамраб олади. Унинг шеърларидағи лирик қаҳрамон, наср ва драма асарларидаги персонажларнинг ўй-кечинмалари, орзу-интилишларида нафақат мусулмонларнинг, балки бошқа динларга эътиқод қилувчи дунёдаги турли миллатга мансуб кишиларниг мақсад-муддаоси, ғам-изтироби, дардли олами акс этади. Алломанинг ҳаётсеварлик, инсонпарварликка асосланган, ҳақиқат ва адолатни улуғлаган асарлари ўзининг теран мазмуни, юксак даражадаги таъсирчанлиги, ғоят баланд ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий салмоқдорлиги билан ўз замонида бўлгани сингари ҳозир ҳам, келгуси асрларда ҳам адабий-бадиий ижод ва илм-фан аҳли учун ўrnак, ибрат намунаси бўла олади. Абдурауф Фитратнинг шахсига, унинг ижодий-илмий фаолиятига қизиқиши, хурмат-эҳтиром у ҳаётлик чоғида ҳам кучли бўлгани, кейинги даврда ҳам айни ҳолат заррача ўзгаришсиз сақланиб қолгани, мустабид шўро сиёсатининг халқни улуғ аллома меросидан маҳрум этишга, унинг номини қоралашга зўр бериб уринишлари самарасиз чиққанлиги, бефойда бўлгани бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган мастаҳкам далил, инкор қилиб бўлмайдиган ишончли исбот бўлиб турибди.

Албатта, инсоният тарихи ҳам, унинг ҳозирги ҳаёти ҳам “улуғ шоир”, “буюк ёзувчи” сингари сифатлар жуда кўп ижодкорларга нисбатан қўлланганидан гувоҳлик беради. Аммо ўша шоир, ёзувчиларнинг асарлари мутолаа қилинса, уларга берилган таъриф-тавсифлар муболаға, бўрттирма ва ноўрин эканлиги, чунки уларнинг асарларида мақташга муносиб ўринлар жуда оз, эътироф қилишга лойик хусусиятлар анча кам эканлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Абдурауф Фитрат ва сафдошларининг алоҳида эътироф этиш жоиз хизматларидан бири шундаки, улар асрлар давомида аruz тизими қолипида бўғилиб келган ўзбек шеъриятини тамоман янгилаб, уни мавжуд ҳаёт билан боғлашди, ундаги ўзбек тилининг оҳанглари, жилоларини мустаҳкамлашди. Уларнинг мана шу хизматининг ўзиёқ ғоятда бебаҳо бўлиб, биргина шунинг учун ҳам улар ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга лойикдир. “Жадид” деб аталадиган Абдурауф Фитрат ва унинг сафдошлари

тариҳимизнинг кир, чиркин даврида – мустамлакачилар зулми исканжаси, замона тараққиётидан ниҳоятда орқада қолиш оқибатида ўлкада ижтимоий-иқтисодий таназзул ҳукм сурган бир даврда яшагани эътиборга олинса, улар ижтимоий турмушнинг барча соҳасида чинакам фидойи ислоҳотчи бўлгани, уларнинг ватанпарварлиги, маллатпарварлиги дунёда мувозанат бузилган, Ер юзи алғов-далғов бўлиб турган ҳозирги пайтда ҳам ҳаммамиз учун асл ўrnак, ҳақиқий ибрат бўлиши ўз-ўзидан ойдинлашади. Тариҳимизда рус босқини арафаси, Нодира (1792-1842), Увайсий (1781-1845), Турди Фароғий (XVII аср боши-1701), Махмур (XVIII аср боши-1844), Гулханий (XVIII иккинчи ярми-XIX аср боши), Муқими (1850 – 1903), Фурқат (1859-1909), Аваз Ўтар (1884-1919) яшаган замондек иқтисодий ночор, ижтимоий аянчли, маънавий-ахлоқий тубан давр кўринмайди. Жадидларнинг саъй-ҳаракати, фаолияти ана шу қолоқликдан кутулишга, бундай хунук ҳолатга барҳам беришга қаратилади. Абдурауф Фитрат каби ватанпарвар, миллатпарварларнинг интилиши, амалга оширган ишлари ўлканинг зулматда қолган турмушига нур олиб кириб, тараққиёт сари одимлаш йўлини кўрсатади. Улар халқимиз учун ҳар жиҳатдан бамисоли йўлчи юлдузга ўхшайди. Ўзбек халқининг XX аср ва ундан кейинги ҳаёти Абдурауф Фитрат ана шу юлдузларнинг энг ёрқини, энг порлоғи бўлганини кўрсатади. Унинг фаолияти, биринчи навбатда, ҳар жиҳатдан теран ва чуқур ижтимоий дардга йўғрилгани билан ажralиб туради. Алломанинг шеърий, насрый, драма асарларидаги эҳтирос, ҳаяжон, танқид, нолиш, фарёдлар ясама, сунъий эмас. Абдурауф Фитратнинг адабий-бадиий, илмий асарлари, ижтимоий-сиёсий фаолияти миллатпарварликка, ҳаётсеварликка асосланади. У шеърларида, “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи”да, драмаларида ижтимоий воқеликка кўзгу тутиб, адабиётни одамлар учун фойдали ҳаёт дарслигига айлантиради. “Мунозара” муаллифи ва сафдошларининг шеърлари, драма, ҳикоя, қисса, романлари шоирларнинг маъшуқа қадди-басти, юз-кўзи, сочи, зулфи, холи, бармоқлари, тирноқлари, киприклари таъриф-тавсиф этилган шеърлари билан қиёсланса, мумтоз адабиётимиз манзараси бирдан хира тортиб, жуда нурсиз кўриниб қолади. Унинг маъно-мазмуни тузсиз, саёз эканлиги яққол аён бўлади. Жадидларнинг, хусусан, Абдурауф Фитратнинг асарлари XX аср боши Туркистон ижтимоий турмуши, аҳолининг майший ҳаёти, миллатнинг маданият даражаси, одамларнинг

дунёқараши, диди, адабиёт аҳволининг ўзига хос акси, манзараси бўла олади.

“Мунозара” муаллифининг бенихоя жўшқин ва ғоят самарали фаолияти чин ҳурмат, самимий эҳтиром, илтифотга сазовор бўлганидек, турли танқид, маломатларга ҳам нишон бўлганки, айни ҳолат ҳам у доим одамларнинг дикқат марказида тургани, эл эътиборидан асло қолмаганини тасдиқлайди.

Аллома Абдурауф Фитрат ва сафдошларининг таржимаи ҳоли ҳамда уларнинг асарларини XX аср боши Туркистон ҳаёти манзараси акс этган ойна, ўлканинг ўша пайтдаги ҳолати, аҳволи мухрланган қомус дейиш мумкин. Унга қараб, аҳолининг аянчли турмуши, одамларнинг ночор аҳволи, хотин-қизлар қанчалик таҳқирлангани, инсон қадри топталгани, миллатпарвар зиёлилар эл-юрт равнақи йўлида мислсиз жонбозлик, фидойилик кўрсатгани, ижтимоий тазийқ, зулм беҳад кучайганини кўриш, тасаввур этиш мумкин. “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи”, “Сайҳа” муаллифи ва у билан маслақдош бўлганлар ватанини, халқини чин дилдан севишади. Улар, айни чоғда элдошлари, миллатдошлари ҳам уларнинг хизмати, меҳнатини қадрлаши, эъзозлашини исташади. Аммо миллатдошларининг онг-тафаккурини эгаллаб олган жаҳолат, замона тараққиётига тўсқинлик қилаётган қолоқ ижтимоий турмуш, мустабид шўро давлатининг зўравонликка асосланган мустамлакачилик сиёсати бунга йўл бермайди. “Сайҳа” тўпламида ифодаланган изтиробга тўла ҳис-кечинмалар, “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи”да баён қилинган оғриқ, азобдан иборат фикр-мулоҳазалар аслида эл-юрт дарди, ташвиши билан ёниб яшаган жафокаш инсоннинг дил дафтари саҳифаларидағи битиклардир. Биргина “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асаридаги: “Оила эр-хотин ва фарзандлардан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, оила бир шахс бошчилигига бир уйда яшовчилардир... Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оиласарининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча қучли ва тартибли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларини заифлаштириб қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади... Имоним комилки, оила

саодати ва баҳти учун қабул қилинган энг мақбул қонун исломий қонунлар бўлади. Лекин оламда энг бадбаҳт оиласалар ҳам биз мусулмонларнинг ўртасида бўлади. Чунки биз илоҳий қонунларнинг бирортасига риоя қилмаймиз. Баҳтсизлигимизнинг сабаби, оиладорлик хусусидаги ҳар бир ҳаракатимиз сароб орзуларимиз ва хато фикрларимизнинг натижаси бўлиб, аксарияти “Куръон” ҳукмларига зиддир. Шунинг учун зулм ва тажовуз кўрмаган оиласалар бизда ниҳоятда кам кўринади” каби ўринлар аллома Абдурауф Фитрат мусулмонларнинг аянчли аҳволидан изтироб чекиб, Туркистон аҳолисининг noctor, ғарибона турмуши учун қайғуриб, азобланиб яшаганини аён этади [3, 215].

Ана шундай миллатсевар, ҳақиқатгўй алломанинг айборд этмоқчи бўлишгани Абдурауф Фитрат ва маслакдошлари ҳамма ҳаммани ич-ичидан ёмон кўрган, зимдан пойлаб, хатога йўл қўйишини кутган зулмат замонда яшаганидан дарак беради. Шу боис у биз мусулмонлар, хусусан, биз, туркистонликлар, “илоҳий қонунларнинг бирортасига риоя қилмаймиз” деб фарёд этади. Аллома мусулмонлар ўлкасида ҳукм суроётган ана шу ачинарли аҳволни туркистонликлар ижтимоий-маишӣ турмушида қўп кузатиладиган аниқ мисоллар орқали очиб беради. Масалан, Бойбўлатовга очиқ хат тарзида ёзилган “Ёпишмаган гажаклар” мақоласида уни танқид қилмоқчи бўлганларга: “1908-йил Бухоро хонлигига ҳукм сурган диний таассубни ва шунга таянган идора усулини эслайсизми? У вақтда Бухорода бир калла икки тийин эди. Ҳибс қилиш, ўлдириш, сангсор қилиш кундаги одатлардан эди. У замонларда китоб ёзишнинг ўзи “кофир”лик эди. Мен шу вақтларда биринчи асаримни ёздим. Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир кўп расмий идораларини танқид қилдим” деб эътиroz билдиради [2, 248]. “Бир калла икки тийин эди” дегани “бир одамни ўлдириш” деган маънони англатади.

“Сайҳа” тўпламидаги шеърларнинг маъно-мазмунидан, “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи” ва бошқа асарларда эътибор қаратилган мавзулар ва улар хусусида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан асосий мақсад Туркистон ўлкаси ижтимоий турмушини таҳлил этиш, ўлка ҳар жиҳатдан инқирозга юз тутганини кўрсатиш ва замона тараққиётидан орқада қолиб, ғоят аянчли аҳволда умргузаронлик қилаётган туркистонликлар, умуман, мустамлакачилар зулми остида эзилаётган мусулмонлар

қалбида инсонлик ғууруини, ўз қадри, эрки учун кураш ҳиссини уйғотиш экани очиқ-ошкора билиниб турат. Аллома ана шу эзгу ниятини урғуланган муаммоларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида аник-равшан ифода қиласы.

Абдурауф Фитратнинг айни асарлари XX аср нафақат ўзбек халқи, балки инсоният тарихидаги энг мураккаб давр эканлигин кўрсатиб беради ва шу юз йилликда бир эмас, икки бора жаҳон уруши рўй бергани, давлатлар ўртасида, мамлакатлар ичкарисида сон-саноқсиз қонли тўқнашувлар юз бергани, айни чоғда фантехникада мислсиз кашфиётларга эришилгани, адабиёт ва санъат соҳасида бир-биридан ажойиб бебаҳо асарлар яратилгани тўғрисида ўйлантириб қўяди. Чунки улуғ аллома ўз асарларида жамият ижтимоий турмушининг зиддиятларга тўла ҳаққоний манзарасини чизиб, инсоният ҳаёти аянчли аҳволга келиб қолгани тўғрисида теран умумлашма хulosалар чиқаради ҳамда ачинарли ҳолатдан кутулиш, таназзулдан чиқиш йўллари хусусида аник ва салмоқли тавсияларини тақдим қиласы. “Мунозара” муаллифининг изтироб, дардга тўла мулоҳазалари, қиёслаш, таққослашларида у турмуш воқелигини синчковлик билан қузатгани, ҳар хил тоифадаги кишилар ҳаётини яхши билгани, замон ўзгаришларига сергаклик билан қараганлиги ва шу асосда фикр юритганлиги яққол билиниб турат. Шу боис “Хинд сайёхи”, “Шарқ сиёсати”, “Чин севиш”, “Хинд ихтилолчилари”, “Бедил”ни мутолаа қилганда, ижодкорнинг бошқа асарлари билан танишганда уларда илгари сурилган ғоялар, персонажлар тилида баён қилинган мулоҳазалар ва улар асосида чиқарилган мантиқий хulosаларда аллома ички оламининг ранг-баранг манзараси, дунёқарашининг сарҳадсиз кенгликлари акс этади. Абдурауф Фитрат ва унинг Ҳамза, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари сафдошлари асарларини синчиклаб ўқиб, хаёлан яқин ўтмишдаги ҳаётни бугунги турмушга қиёслаб, солиштириб кўрган киши кўнглидан, албатта, миллатпарвар, ватансевар жадидлар фидойиларча жонбозлик кўрсатиб, Туркистон заминида янги ҳаёт бошланиши учун чинакам асос, мустаҳкам пойдевор қўйган, деган некбин фикр кечади.

Ҳаётсеварлик руҳига йўғрилган жарангдор шеърлари билан минг-минглаб адабиёт ихлосмандлари қалбидан жой олиб келаётган Ҳамид Олимжоннинг “Фитратнинг адабий ижодий ўли” мақоласидаги мулоҳазалар эса кишини қўп дикқат қиласы.

Чунки у мазкур мақоласида жон-жаҳди билан “Мунозара”, “Сайҳа” муаллифини айблашга уринади. Ваҳоланки, шеър ва достонлари, “Муқанна” драмаси Ҳамид Олимжон жуда нозик табиатли инсон бўлгани, у борлик гўзаллигини, ижтимоий ҳаёт ўзгаришлари мураккаблигини, одамларнинг ўзаро муомала-муносабати зиддиятларга тўлалигини чуқур ҳис қилган инсон бўлганини аён этади. Баҳор мадҳияси – гимни дейишга лойиқ “Ўрик гуллаганда” сингари шеърлари, севги-муҳаббат ҳисси тўғрисидаги оташин сатрлари, Ватан таърифидаги ҳароратли ташбеҳлари “Зайнаб ва Омон” достони муаллифи сўзларнинг жилvasи, жозибаси, тarovatini ruҳи титраб ҳис қиладиган ва қалбидаги жўшқин эҳтиросни тўлиб-тошиб одамларга улашадиган улуғ шоир эканини тасдиқлайди. У барча асарларида замондошларининг, аввалги давр одамларининг ҳис-ҳаяжонга йўғрилган қувонч, шодлиги, алам, изтироб силқиб турган дарди, ташвиши, кўз ёшларини саҳифаларга муҳрланган сўzlари саҳнасига олиб чиқади. Оташнафас шоирнинг биргина “Ўзбекистон” ёки “Шодликни куйлаганимнинг сабаби” шеърини ўқиб чиққанлар бу ҳақиқатга, албатта, ишонч ҳосил қилади. Чунки айни шеърларни ёзган шоир ҳис қилган ҳаяжон, эҳтирос ўқувчининг қалбига, руҳига ҳам кўчиб ўтади. Ҳамид Олимжон, аксарият бошқа ижодкорлардан фарқли ҳолда, шеър ва достонларининг ҳар бир сўзида, қувонч, шодлик, дард ва изтироб ҳиссига тўла ҳар бир мисрада ўзининг жўшқин қалбини ҳадя этади.

Жадидларнинг фожиали қисмати, улар яшаган зулмат замоннинг алғов-далғовларидан ҳаёт ҳамиша ғалва, можаролар билан кечиши, унда доим эзгулик билан ёвузлик тўқнашиши, “Дунё – посангиси бузук тарози” дейилиши бежиз эмаслиги, ёвузликка якка ҳолда қарши туриб бўлмаслиги, уни ҳамжиҳатлик билан курашиб енгиш мумкинлиги, лекин ҳаёт ҳеч қачон ҳаракатдан тўхтамаслиги, чунки Ер шари тинмасдан айланиб туриши, тарихнинг айрим ҳодисалари гоҳида одамларга қўрқинчли туш бўлиб кўриниши, негадир инсоният ўз ўтмишидан керакли, зарур хulosса чиқара олмаслиги, аввалги хатолар, фожиалар бир оз ўзгарган, янгиланган тарзда яна такрорланиши бунинг исботи эканлиги англашилади. Хусусан, “Фитратнинг адабий ижодий йўли” билан танишганда Ҳамид Олимжоннинг замондошларимизга маълум бўлмаган, лекин шу мақоланинг

қатларига яширинган, кишини ваҳимага соладиган сирли, қўрқинчли кечмиш-кечинмалари хаёлдан бир-бир ўтади. Чунки мазкур мақолада Ҳамид Олимжон теварак-атрофида кечаётган нохуш воқеалардан изтиробга тушгани, мустабид шўро тузуми тарафдорлари уни қаттиқ сиқувга олиб азоблагани, бундай ноҳақликка нисбатан норозилик билдиrolmasдан қийналиб кетгани яққол билиниб туради.

“Фитратнинг адабий ижодий йўли” дан у бир муаллиф қаламига мансуб эмаслиги, мазкур айлов-мақола маҳсус қатъий топшириқ асосида кўпчилик томонидан тайёрлангани аниқ сезилади. Чунки у фактларга тўла эканлиги ва барча далиллар шўро мағкураси мезонларига мос тарзда талқин қилингани шундай хулоса чиқариш учун тўла асос беради. “Мунозара” муаллифини “халқ душмани” сифатида айблаш асосий мақсад қилиб қўйилган “Фитратнинг адабий ижодий йўли” олдиндан қатъий белгилангандай режага мувофиқ Ҳамид Олимжон номидан эълон қилингандай таассурот туғдиради.

Мақоладаги “Мунозара”, “Ҳинд сайёхи”, “Бедил” ва бошқа асарлар хусусидаги мулоҳазалардан жадидчилик ҳаракати иштирокчилари ҳам, Ҳамид Олимжоннинг тенгдошлари ҳам Абдурауф Фитратга замона алломаси сифатида қарашгани, унга эътиқод қўйишгани, унинг қарашларига бутун қалби билан ишонгани, “Мунозара” муаллифидан зуккороқ киши йўқ, деб унга эргашишгани, уни ўzlари учун ўrnак, ибрат деб билишгани, айни шу ҳолат эса шўро давлати тарафдорларига маъқул келмагани, уларни ғазаблантиргани яққол билинади.

“Фитратнинг адабий ижодий йўли”да “Мунозара” муаллифи шўро давлати сиёсатига мувофиқ “халқ душмани” сифатида кўрсатилади. Ер шарининг энг катта ҳудудини эгаллаган шўро салтанати барҳам топиб, унинг ғайриинсоний сиёсати инкор этилган ҳозирги даврда Ҳамид Олимжон имзоси билан эълон қилинган мақоладаги айловлар кўздан кечирилса, Абдурауф Фитрат “халқ душмани” эмас, аксинча “халқ қаҳрамони” бўлиб кўринади. Чунки бугунги кунга келиб, шўро давлати сиёсати зўрликка, зўравонликка асосланган ғайриинсоний ҳодиса экани аниқ аён бўлиб қолди. Унинг мағкураси белгилаган айловларга муносабат ҳам тамоман ўзгарди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

- [1] – Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари (биринчи китоб). – Тошкент: “O’zbekiston”, 2008. – 536 б.
- [2] – Фитрат. Чин севиш. Шеърлар, драмалар, мақолалар. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 256 б.
- [3] – Фитрат А. Танланган асарлар: – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – 336 б.
- [4] – Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. – Тошкент: “Шарқ”, 2004. – 640 б.



АБДУРАУФ ФИТРАТ АСАРЛАРИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ

*PhD. Шаҳло НАРАЛИЕВА, Қозогистон Республикаси Ж. Ташенев
номли университет халқаро ҳамкорлик департаменти директори*

Аннотация. Мазкур мақолада Қозогистонда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида буюк маърифатпарвар олим Абдурауф асарларининг ўрганилиши масалалари тадқиқ қилинди.

Калит сўзлар: миллий озодлик, тафаккур тарбияси, аньана, ватанпарварлик, садоқат, маънавий тарбия.

Марказий Осиёning ўқ илдизи бўлган Қозогистон ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши туфайли буюк аждодларимизнинг бизга қолдирган маънавий меросларини ўрганиш ва уларни ёш авлодга ўргатиш имконияти туғилди. Жадидчилик ҳаракати қандай мураккаб тарихий вазиятда пайдо бўлгани, унинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳам шундай ўта зиддиятли, мураккаб жараёнлардан иборат эканлиги тўғрисида ўқувчиларга маълумот берар эканмиз, ҳар бир воқеликка холис ёндашув зарур.

Она тилининг соғлиги, миллий қадриятларнинг устувор қолиши учун кураш, миллат фарзандларини жаҳолатдан қутқариш, илмга даъват этиш Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдулла Қодирий каби жадид адабиёти намояндлари ижоди ва амалий фаолиятида аниқ кўринади. Қозогистондаги таълим ўзбек тилида олиб

бориладиган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ўзбек адабиётининг ватанпарварлик, миллий озодлик мавзулари ёритилган энг ноёб асарлари билан яқиндан таништириш мақсадида 5-синфдан бошлаб “Ўзбек адабиёти”, “Ўзбек тили” ҳамда табиий-математик ва ижтимоий-гуманитар йўналишлари 10-11-синфларининг “Ўзбек адабиёти” дарсликларига серқирра истеъдод соҳиблари бўлмиш жадид адабиёти вакилларининг асарларидан намуналар киритилган.

Серқирра истеъдод соҳиби Абдурауф Фитрат чин маънодаги халқчил, миллатпарвар адабиётни орзу қилган эди. Унинг кўп қиррали илмий - ижодий фаолияти янгидан қаддини ростлаётган ўзбек адабиёти учун ноёб ҳодиса эди. Зеро, ҳар бир инсон борлиғида рух, тафаккур, тил ва нутқ ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бундай боғлиқликнинг воқеланиши ижодий ва мустақил фикрли шахсни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Атоқли адабиётшунос олим О.Шарафиддинов таъкидлаганидек, “XX асрда Ўрта Осиёда етишиб чиқсан ижодкорлар орасида энг сараларидан бири, энг мумтози Абдурауф Фитратdir десам хато бўлмаса керак. Шоир, адиб, драматург, муаррих, мунаққид, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос, мутаржим, мутафаккир-файласуф, жамоат арбоби, сиёsatчи, педагог-бир ўзида шунча сифатларни жам этган Фитрат маданиятимиз ривожида ўчмас из қолдирди. Бироқ гап ижодкор билимларининг қомусийлигию шахсиятининг серқирралигида эмас. Муҳими шундаки, Фитрат Ватанини улуғ бир муҳаббат билан севарди ва шу муҳаббат унинг бутун фаолиятини ёрқин нур билан ёритиб турарди” [3, 137].

Абдурауф Фитрат асарларида ота макон, она юрт миллатнинг ўзлигини белгиловчи уйтuvор тамойиллар сифатида намоён бўлади. Шоир Ватан тимсолида онани, она тимсолида Ватанин кўради. Унинг машҳур “Юрт қайғуси” сарлавҳали сочма шеърларида она – Ватан, Ватан – она уйғунлигида замонасининг энг оғрикли муаммолари кўтарилиган.

Қозогистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 8-синф “Ўзбек адабиёти” [9] дарслигига шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги автобиографик маълумотлар ва “Миррих юлдузига”, “Гўзалим, бевафо гулистоним”, “Яна ёндим” каби машҳур шеърлари киритилган.

Ўқитувчи адибнинг таржимаи ҳолини XX аср бошларидағи Туркистан билан боғлайды.

*Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тувгони,
Нега биздан қочиб мунча узокларга тушибсан?
Тувгонингга нечун сира гапурмасдан турибсан,
Сўйла, юлдуз, ҳолинг надир, нечук топдинг дунёни?¹
Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар,
Сўйла, юлдуз, сенинг даги қучогингда бўлурми?*

*Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар,
Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,
Қардош этин қўймай еган қоплонлар?
Борми сенда ўксуз² йўқсулнинг қонин
Гурунглашиб, чоғир³ каби ичканлар?*

*Борми сенда бутун дунё тузугин⁴
Ўз қопчиғин тўлдиргани бузганлар?
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатгувчи ҳоқонлар?
Борми сенда қорин-қурсоқ йўлида
Элин, юртин, борин-йўгин сотқонлар?*

Бу шеърнинг тарихий-ижтимоий аҳамияти шундаки, уларда миллат озодлиги, инсон ҳуқуқи каби буюк ғоялар илгари сурилди. Ўтмиши унutilган, ўзи ғафлат уйқусида ётган, эрки, миллий қадриятлари оёқ ости қилинган, ор-номуси, маънавияти хўрланган, топталган миллатнинг қалб изтироби, юрак нидоси бўлиб янграйди. “Гўзал юлдуз” – шоир учун армон, алам ва дард. Улар унинг юрагини куйдириб, олов парчалариdek тўрт томонга сачрайди.

Ўқувчилар биринчи шеърни ифодали ўқигач, гурухларга бўлинниб, мавзу хотимасида берилган савол ва топшириқларни бажарадилар. Бу жараёнда гуруҳ иштирокчилари ўз фикрларини далиллаб, мунозарага киришадилар.

¹ Нечук топдинг дунёни? – «Дунёни қандай баҳолайсан» маъносида

² Ўксуз – бахтсиз

³ Чоғир – май, шароб, кайф берувчи ичимлик

⁴ Чоғир – май, шароб, кайф берувчи ичимлик



САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР



ГУРУХДА ИШЛАШ

БИЛИШ

Ушбу шеърни ёзиш билан Фитрат қандай мақсадни кўзлаган?

ТУШУНИШ

- Нима учун бир ўлка ёнса, кимнингдир қозони қайнайди? Дунёдаги шундай “тартиб”ниadolатли деб ҳисоблайсизми? Сизнингча, чинакамadolатли тартиб қандай бўлади?
- Бутунги кунда дунёда ўзга ўлкаларга ўт қўйиб, ўз қозонини қайнатишга уринишлар бўляптими? Фикрингизни далилланг.

ҚЎЛЛАШ



ЖУФТЛИКДА ИШЛАШ



ЁЗИШ

“Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар” фақат шоир замонига хос кимсалармикан? Яқин ва узоқ тарихдан мисоллар келтиринг ва иш дафтариңизга ёзиб олинг.



ЯККА ТАРТИБДА ИШЛАШ



ЁЗИШ

“Тинчлик” сўзига “Синквейн”, яъни беш мисрали шеър стратегиясини қўлланг.

- Битта от сўз туркуми,
- Иккита сифат сўз туркуми,
- Учта феъл сўз туркумiga хос сўз
- Тўрт сўздан иборат гап
- Мавзуга доир бир синоним.



муҳокама қилиш Шеърда қандай бадиий тасвир воситалари қўлланилган? Жадвални тўлдиринг.

Шеърий санъат	Далил	Шархи

Шеърдаги афсус-надомат туйғусининг асл мазмунини муҳокама қилинг.

**Ёзиш**

XX асрда яратилган асарлар орасида “Миррих юлдузига” шеърига мазмунан яқин турадиган яна қандай асарларни биласиз?

“Инсерт” стратегияси орқали ушбу асар ҳақида олган билимларингизни мустаҳкамланг.

<i>“V” – биламан</i>	
<i>“+” – билмайман</i>	
<i>“–” – янги ахборот</i>	
<i>“?” – тушиунмадим</i>	

Тамаддуннинг тинимсиз тараққиёти, тадрижий такомили натижасида юзага келган янгидан-янги ижтимоий-иктисодий шароитлар ўқитиш самарадорлигини янада ошириш учун ҳам катта-кичик имкониятларни очади ва табиий равишда энг мақбул ўқитиш усули сифатида турғунлашган муайян қоидалар эскиради. Янги ижтимоий-иктисодий шароитлардан келиб чиқсан ҳолда яна янги ўқитиш усуллари изланади. Бир сўз билан айтганда, она тили ва адабиёти таълими замон тақозосига мувофиқ ана шундай муттасил, мунтазам ривожланиб, такомиллашиб, мақбуллашиб борадиган ўзига хос жараёндир.

Тарихнинг исталган чорраҳасига синчковлик билан назар ташласак, у ҳеч қачон бир текисда кечмаганлигини, балки, ўзига хос эгри-бугри, ўта зиддиятли йўлларни босиб ўтганлигини кўрамиз. Қозогистондаги умумтаълим мактабларининг табиий-математик йўналишдаги 11-синф “Ўзбек адабиёти” дарслигидан Абдурауф Фитратнинг “Ким деяй сени?”, “Бир оз кул!” шеърлари ҳамда “Абулфайзхон” драмаси ўрин олган.

Академик Н.Каримовнинг фикрича “Фитрат ўзбек халқининг XX асрда етишиб чиқсан буюк қомусий билим соҳиби эди. У биз учун, биринчи навбатда олим, шоир, носир, драматург, публицистдир. У бадиий ижоднинг шу соҳаларида яратган асарлари билан XX аср ўзбек адабиёти, шу жумладан, янги ўзбек шеър тузилишининг шаклланишига улкан ҳисса қўшди” [2, 34].

Қозогистондаги ўзбек мактабларида она тили машғулотларини нутқдан тилга қараб бориш методи асосида ташкил этиш ўқув-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг онгли тарзда, мустақил фаоллигини таъминлайди. Бунда асосий эътибор ўқувчининг нутқини халқ мақоллари билан бойитиш, қардош туркий тиллар билан фарқ ва ўхшашикларини ҳис қилиш ва англаб етиш, бехато талаффуз қилиш ва ёзиш, сўзларни боғлаб гап, гаплардан эса матнлар туза олиш, нутқ вазиятини тўғри баҳолаш ва тил имкониятларидан унга мос равища фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва малакасини ўстиришга, бунинг учун уларни рағбатлантириб бориш, дарс жараёнида эмоция уйғотиш ва мотивация беришга қаратилади.

Тил ўзига хос мураккаб, халқнинг дунёкараши, борлиқни идрок этиш тарзи, руҳияти, маданияти, маънавиятини ифода этадиган ҳодиса сифатида инсон ҳаётида бирламчи саналади. Фитрат асарларини ўқитишида она тилининг кўпқирралиги, миллий маданият, халқ менталитети билан боғлиқ жиҳатлари, шахс тафаккурининг инъикоси, унинг нутқи манбаи эканлиги ҳам назарда тутилади. Дарс турларининг ҳар бирида ўқувчиларни ижодий ишларга жалб қилиш имкониятлари ниҳоятда қўп, уларни методик жиҳатдан тўғри белгилаб олиш, албатта, ўқитувчининг маҳорати ва мавзунинг таъсирчанлигига боғлиқ. Зотан, бугуннинг ўқувчиси эгаллаётган билим, кўникма, малака ва фаолият методларига муносабат билдира олиши, билиш жараёни натижасини жараённинг ўзидан ажратиб таҳлил қилиши, ўрганилган ва таҳлил қилинган нарса ва ҳодисаларни баҳолай олиши, ўрганилган ва энди ўрганиладиган ҳодисалар ўртасидаги чегарани англаш етиши, ўзлаштириш ва ҳали билиб олинмаган нарсаларнинг фарқига бориши, яъни ўқувчи муайян таълим шароитида креатив фикр эгаси бўлиши зарур.

Абдурауф Фитрат ҳаётда ҳам, илму-ижоднинг мунаvvар ва мураккаб оламида ҳам ўз ҳақиқатлари ҳамда тамойилларига эга, бу тамойиллар йўлида сабот билан курашган миллатпарвар адаб эди. Унинг асарларида исёнкор, фавқулодда сирли-сехрли рух бор. Ўсиб келаётган ёш авлодни фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклда (тинглаш, сўзлаш ўқиш ва ёзиш) саводли баён қила олишга ўргатишида, яъни коммуникатив саводхонликни ривожлантиришда, билим даражаси юқори, ўй-фикрлари теран, ўз фикр-мулоҳазасини

эркин баён қиласиган, юзага келган муаммоларни бартараф эта оладиган ҳамда ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган адабиётсеварларни камол топтиришда унинг асарларидағи курашчанлик, ҳаётсеварлик, ватанпарварлик, миллий ўзлик, жасорат каби умумбашарий туйгулар алоҳида ахамият касб этади. Абдурауф Фитрат охирги нафасигача эрк ва озодлик, адолат тантанаси, халқ дарди учун ёниб яшади. Зеро, унинг илмий-адабий мероси бутун дунёдаги ўзбеклар ва туркий халқлар учун бебаҳо хазинадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1] – Фитрат А. Сайланма. Т.: “Забаржад-Медиа”, 2022.
- [2] – Фитрат А. Танланган асарлар. Тошкент.: “Маънавият” нашриёти, 2020.
- [3] – Шарафиддинов О. Танланган асарлар. Тошкент.: “Шарқ” нашриёт концерни Баш таҳририяти, 2019.
- [4] – Каримов Н.ХХ аср адабиёти манзаралари Тошкент.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2008. – Б.189.
- [5] – Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: “Маънавият”, 2020.
- [6] – Шарипов Р.Жадид адабиётида янгиланиш, ислоҳот ва мустақиллик учун кураш гояларининг акс этиши. Т.:2023.
- [7] – Mahmudov N. Ona tili ta’limi va zamon taqozosi// O’zbek tili doimiy anjumanining XII yig‘ini materiallari. – Toshkent: RTM, 2013.
- [8] – Қурбонов Т. Тарихий бадиий асар ва давр тили масалалари. Монография. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
- [9] – Ш.Наралиева, Н.Корганбаева, Ш.Алиакбарова. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы.: “Жазушы” нашриёти, 2017.
- [10] – Ш.Наралиева, Н.Корганбаева. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг табиий-математик йўналишдаги 11-синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы.: “Жазушы” нашриёти, 2010.



МУНДАРИЖА

**Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори
профессор Гулчехра Шавкатовна РИХСИЕВАнинг кириш сўзи 3**

Минҳожиддин Ҳожиматов	Абдурауф Фитрат ижодида миллий ўзлик ва миллий истиқлол руҳи	6
Улугбек Ҳамдамов	Фитрат шеъриятида юрт қайғуси	14
Ra’no Sayfullayeva	Jadid ma’rifatparvarlarining pedagogik merosida oila ma’naviyati masalalari	20
Yoqubjon Saidov	Fitratning yozuv va imlo masalalariga munosabati	25
Ilhom G‘aniyev	“Abulfayzxon” – birinchi o‘zbek tragediyasi	33
Ҳулкар Ҳамроева, Тўмарис Бутунбаева	Жадид маърифатпарварлари санъат фалсафаси хақида	39
Адҳамбек Алимбеков	Туркияда фитратшунослик	47
Xayrulla Hamidov, Nargiza Ismatullayeva	Fitrat – yosh avlod uchun chinakam ibrat namunasi	51
Bahodir Rahmonov	Abdurauf Fitratning adabiy-estetik qarashlari	55
Муқаддас Тожибоева	Фитрат – мумтоз адабиёт тадқиқотчиси	61
Rustam Sharipov	Mahmudxo‘ja Behbudiy va Abdurauf Fitrat. Milliy va mustaqil davlatchilik asoslarini barpo etish yo‘lida	67
Rustam Sharipov	Abdurauf Fitrat ijodida oila mavzusi	82
Абдулла Улугов	Аллома Абдурауф Фитрат	92
Шахло Наралиева	Абдурауф Фитрат асарларининг Қозогистонда ўрганилиши	105

Абдурауф Фитрат – XX аср шарқшунослигининг йирик намояндаси.
Халқаро давра сұхбати материаллари. – Т., ТДШУ, 2024. - 113 б.

УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Узб)

A–15

Масъул муҳаррир: Гулчехра Рихсиева

Лойиҳа муаллифи ва тўпловчи: Рустам Шарипов

Ушбу тўпламдан 2024 йил 22 май куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда “Абдурауф Фитрат – XX аср шарқшунослигининг йирик намояндаси” мавзусида ўтказилган илмий семинар материаллари, мақола ва илмий ахборотлар ўрин олган. Ушбу тадбир ўзбек маданияти тарихига шоир ва носир, драматург ва публицист, тилшунос ва адабиётшунос, тарихчи ва файласуф, санъатшунос ва йирик жамоат арбоби сифатида кирган, жадидчилик ҳаракати мағкураси асосчиларидан бири, профессор Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва ижодига доир ҳали ўрганилмаган долзарб масалалар илмий тадқиқи ва таҳдилига бағишланди.

Тахрир ҳайъати:

Гулчехра Рихсиева
Шухрат Ризаев
Минҳожиддин Ҳожиматов
Дурбек Сайфуллаев
Наргиза Исматуллаева
Рустам Шарипов
Хайрулла Ҳамидов
Фарзона Норова

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор Хайрулла Ҳамидов
филология фанлари номзоди, доцент Эргаш Очилов

Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг
2024-йил 27-апрелдаги 9-сон қарори билан нашрға тавсия этилган.